

*Mирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий  
университетининг 95 йиллигига бағишиланади*

**МЎМИНЖОН ХЎЖАЕВ,  
ДИЛМУРОД ЖУМАНОВ**

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ  
МЕРОСИДА ОБОД ТУРМУШ  
ТАРЗИ ҲАҚИДАГИ ФОЯЛАР**

*Тарихий-фалсафий ва ахлоқий таҳлил*

Тошкент  
«Истиқлол нури»  
2013

**УЎК: 94(092)**  
**821.512.133(092)**

**КБК: 87.7**

**X-98**

**Хўжаев М.**

Шарқ мутафаккирлари меросида обод турмуш тарзи ҳакидаги гоялар: тарихий-фалсафий ва ахлоқий таҳлил / М. Хўжаев, Д. Жуманов; масъул мухаррир: М. Абдураҳмонов. – Тошкент. «Истиқлол нури», 2013. – 120 б.

**КБК: 87.7**

Масъул мухаррир:  
*Тарих фанлари доктори, профессор*  
**Муҳаммаджон АБДУРАҲМОНОВ**

Тақризчи:  
*Фалсафа фанлари номзоди, доцент*  
**Бахтиёр ЖАЛИЛОВ**

Нашриёт мухаррири:  
**Бехзод ҚОБУЛОВ**

*Уибу рисоладан Шарқ мутафаккирларининг обод турмуш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, панд-насиҳатлари, шунингдек, уларнинг ҳайёти, фаолиятига доир ибратли воқеалар баёни ўрин олган. Китоб кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.*

**ISBN 978-9943-4099-7-2**

© М. Хўжаев, Д. Жуманов  
© “Истиқлол нури” нашриёти  
2013 йил.

## **ЎЗБЕКИСТОН – ОБОД ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАҚИДАГИ ФОЯЛАР БЕШИГИ**

### *Муқаддима ўрнида*

Обод турмуш тарзини – шакллантириш инсониятнинг кўхна орзуладандир. Бу йўлда заҳмат чекиб не-не улуғ зотлар изландилар, ёвқур паҳлавонлар мардларча она заминларини ҳимоя қилдилар. Икки дарё оралиғида яшаган буюк ҳалқимиз шу тариқа асрлардан асрларга обод турмуш тарзи ҳақидаги фояларни такомиллаштириб, маданият ва илм-фан бобида дунёнинг илғор миллатларидан бирига айланди.

2013 йил Ўзбекистонда “Обод турмуш йили” деб аталди.

Бу хабарни илк марта эшигтан ватандошимиз ёдига бобо тарих, сохибкаромат аждодларимиз, жасур бобокалонларимиз келади. Ўйлаб кўрилса, ақлу иймони саломат инсон борки, обод турмуш азмида бўлиб келган. Биз – ўзбеклар-ку, инчунун. Демак, моҳиятан олганда, Президентимизнинг айтган “Обод турмуш йили” иборасининг замирида буюк Ватандошларимиз меросига муносиб ворис бўлишга чақириқ бор. Нафакат ўзини, оиласини, ҳалқини, балки бутун инсониятни обод ва озод турмуш кечиришга чорлаб ўтган улуғ алломаларимиз ниятларини амалга ошириш, пировардида, бугунги мураккаб замонда миллий анъаналаримизга янада садоқатли бўлишга даъват бор.

Шу ўринда тарихга бир назар ташлаб, бу борадаги қарашлар манзарасини ёдга олсак.

“Миллатларнинг энг қадими ва энг улуғи – туркнинг бош бўгини” (соҳибқирон Амир Темур сўзи) бўлган ўзбек ҳалқи дунё аҳлига самовий тулпорлар, нафис қоғозлар, асл чин nilар, пўлат қиличлар, сархил мевалар орқали

танилган. Бу юрт ўғлонлари дунёning энг мўътабар илм даргоҳларида асосий вазифаларни бажаришган. Ибратли жиҳати шундаки, обод турмуш тарзи ва луқмаи ҳалол ақидасига мувофиқ, илм-фан борасида беназир бўлган уламою фақиҳларимиз хунар ўрганиб, касб ўрганиб, шунинг орқасида тирикчилик ўткаришган. Масалан, Ҳазрати имом номи билан машҳур Ал-Қаффол Шоший қулфсоз бўлганлари, митти қулф-калит ясад, замондошларини лол қолдирганлари маълуму машҳур...

Хўш, ободлик нима ўзи? У фақат моддий тушунчами ёки кўнгилнинг поклиги, имоннинг саломатлиги, танинг сиҳатлиги, кишининг ойдин ҳис-туйғуларга эшлиги ҳам мазкур тушунчанинг табиатида борми?..

Бир сўз билан айтганда, ободлик, айниқса, у турмушга нисбатан ишлатилганда, кўркам бир ҳаёт тарзини, аҳил-иноқ ҳаётни, покиза турмушни ифода этади. Бунда ўша маънавий поклик ҳам алоҳида ўрин тутади. Бинобарин, обод тушунчасини фақатгина тозалик ва озодаликка боғлаб тушуниш ва тушунтириш нотўғри.

Лекин, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, обод турмуш деганда, аввало жисмоний, сўнгра руҳан поклик на зарда тутилади. Яъни, тушунчада моддий хисса устунрок.

Ўзбекистон Республикасида, мана, 22 йилдирки, ободлик, ободончилик ишларига алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бирон йиғин ёки бирон тадбир йўқки ободлик, кўркамлик каби эзгу тушунчаларга эътибор берилмаса.

Республика Президенти И.А.Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида “Маънавиятни шакллантирадиган асосий мезонлар” тўғрисида фикр юритиб дунёда ном қолдирган олимларни эслатиб, буюк олим Ибн Сино ҳақида қўйидагиларни таъкидлайди: “Ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машҳур аллома Ибн Синонинг “Тиб қонунлари” асари неча асрлар давомида Европанинг энг

нуфузли олий ўкув юртларида асосий тиббиёт дарсликлидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чукур ҳаётий ва илмий заминга эга. Аниқроқ қилиб айтганда, бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор”.<sup>1</sup>

Ҳар йили кўклам келиши билан, баҳорги тенгкунлик – Наврӯзи олам арафасида юртимизда улуг бунёдкорлик ишлари авж олади. Бободеҳкон ўз ишини, аввало атрофмуҳитни, яшаб турган манзил-маъвосини саранжом-саришта килишдан бошлияди. Махалла-кўй бир тану бир жон бўлиб, ҳашар йўли билан кўчалару ариқларни то-залайдилар, қўйингчи, эл-юрт ободлик сари, покизалик сари ошиқади. Бундай гўзал манзара дунёнинг ҳеч бир ерида йўқ. Зотан, ободлик ҳаваси қалби пок, Ватанпарвар инсонлардагина жўш уради.

Шу маънода, кириб келаётган 2013 йилнинг Ўзбекистонда «Обод турмуш йили», деб эълон қилиниши халқ фаровонлигини ошириш йўлида олиб борилаётган ишларни янги босқичга кўтариш, таъбир жоиз бўлса, фойдаланилаётган имкониятларни янада кенгайтирища долзарб аҳамият касб этади.

Обод турмуш кўнгилдаги хотиржамлик, юртдаги осойишталикдан бошланади ва ундан маънавий куч-қувват олади. Юртбошимизнинг «Мустаҳкам оила йили»да кўлга киритилган натижаларни сархисоб қилиб, кейинги йилни «Обод турмуш йили» деб эълон қилишларига айни шу нуқтаи назардан ёндашсак, масаланинг моҳиятига янада яқинлашамиз.

Агар поёнига етган «Мустаҳкам оила йили» Давлат

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият”, 2008, 43-бет.

дастури доирасида барча молиявий манбалар ҳисобидан 2 трилион сўмдан ортиқ ҳамда 100 миллион АҚШ долларидан зиёд маблағ сарфланганини инобатга олсак, чиндан ҳам Ўзбекистонда амалга оширилган ишларнинг кўлами ва миқёсини яққолроқ хис этамиз. Шунингдек, ёш оиласарга ғамхўрликни кучайтириш, уларни хукукий ва ижтимоий жихатдан ҳимоя қилишни янада кучайтириш, моддий ва маънавий жихатдан кўллаб-куватлаш масалалари ўтаётган йилнинг энг муҳим масалалари саналганини таъкидлаш жоиз. «Ёш оиласарни ижтимоий қўллаб-куватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳукумат қарори асосида 2012 йилда хар бири 48 та хона-дондан иборат бўлган 100 та кўпқаватли уй қурилгани ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

Ана шу даврда оиласар фаровонлиги ва даромадини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-хунар коллежи битирувчила-рининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар аж-ратилди.

2012 йилда қишлоқ аҳоли пунктларини марказлашган тармоқлар орқали тоза ичимлик суви билан таъминлашни янада яхшилаш бўйича қўрилган қўшимча чора-тадбирларга асосан қарийб 108 миллиард сўм ва 96 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланиб, 1 минг 220 километрдан зиёд янги сув тармоқлари барпо этилган.

Юртимизда ўтган йиллар мобайнида тўпланган таж-риба шуни кўрсатмоқдаки, йилга факат чиройли ном бериш эмас, балки бу тоғани умумхалқ манфаатига дахлдор бўлган аниқ мақсад ва мазмун, таъсирчан ва самарали тадбирлар билан ҳаётга татбиқ этиш хал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Яъни Президентимиз таъкидлаганларидек, «Йилга ном бериш негизида авваламбор хар бир одам, хар бир оила, қолаверса, бутун халқимизнинг ҳаёлидан ўрин

олган вазифаларни амалга ошириш, тараққиётимизни жадаллаштириш, ҳаётимизни янада фаровон қилиш – айни шу каби эзгу мақсад-муддаолар туриши лозим».

Шу маънода, янги – 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилиши чиндан ҳам юртдошларимиз кўнглидаги ниятларининг ижобати бўлди, дейиш мумкин. Чунки обод турмуш, гўзал ҳаёт, деган тушунчалар азал-азалдан онгу тафаккуримизда, энг аввало, фаровонлик, тўкинлик, мўл-кўлчилик, қут-барака, бозорлардаги арzonчилик маъноси ни англатади. Шунинг учун ҳам бугун фаровонлик тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган эзгу ғоянинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади.

Шу ўринда собиқ шўролар даври манзарасини бир ёдга олайлик. Ободлик, обод турмуш қаерда бўлади? Албатта, оилада. Шунинг учун, дастлаб оиланинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини юксалтириш керак. Оилада ободлик бўлса, маҳаллада, қишлоқда, туманда, вилоятда, республикамизда ободлик, тинчлик-осойишталик хукм суради. Шўро даврида эса, оиланинг аҳволи фоят аянчли бир тусга келиб қолган эди. Фақатгина Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллиги қўлга киритилгач, мустабид тузум пайтида оёқ ости бўлган қадриятларимиз тиклана бошланди. Хусусан, оилага нисбатан давлат сиёсати умрбоқий миллий хусусиятларимизни инобатга олган ҳолда олиб борилди. Собиқ шўролар тузумининг инсоният томонидан рад этилишини асосий сабабларидан бири, шубҳасиз, оилага беэтиборлик, маънавий бўхрон эди.

Президент Ислом Каримовнинг тарихий аҳамиятга эга улкан маънавий жасорати туфайлигина аҳоли ўртасида обод турмуш тарзини тарғиб этиш, оила мустаҳкамлигининг хуқуқий, ахлоқий, моддий ва маънавий асосларини яратиш борасида улкан ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Қайд этиш ўринлики, оилада обод турмуш тарзини шакллантириш масалалари ривожланиш-

нинг “ўзбек модели”ни ўзига хос бир таркибий қисмидир. Шунингдек, бу йўналишдаги кенг кўламли илмий ҳамда амалий ислоҳотлар, уларнинг натижалари маҳсус илмий тадқиқот олиб боришни тақозо қиласди. Бу битиклар эса айни максаддаги дастлабки изланишлардан биридир.

Президентимиз И.А. Каримовнинг оилада обод, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, асарлари, нутқ ва мақолалари ушбу рисоламизни ёзишда қимматли манба бўлиб хизмат қилди.

Буюк мутафаккирлар Маҳмуд Қошғарий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Форобий, Алишер Навоий, Нодирабегим, Аҳмад Заки Валидий ва бошқа мутафаккирларнинг асарларида оилада, эл-улусда обод турмуш маданиятини шакллантиришга доир қимматли мулоҳазалар илгари сурилганки, мазкур китобимизда ана ўша мулоҳазаларга суюнник, уларни билганимиз қадар бугунки кун мақсадларига, вазифаларига мутаносиб шаклда шарҳладик. Буюк мутафаккир Алишер Навоий асарларида обод турмуш, оила маънавияти ва унинг ижтимоий тараққиётга таъсири муаммосига дахлдор теран фалсафий фикр-мулоҳазалар мавжудки, улар мавзу доирасида таҳлил қилинади, қиёсий ўрганилади.

Ҳайратланарли жихати шундаки, мутафаккирларимиз обод турмушнинг қанчалар улкаш машаққатлар эвазига бунёд бўлишини чўқур тушунганлар ва қатъий амал қилганлар. Энг муҳими, дараҳт эк, боф ярат, дея авлодларга ўлмас эзгу сўзларни васият қилиб қолдирганлар. Бу ҳақда гап кетганда, ҳазрат соҳибқирон барпо этган 14 та боғни – бири биридан гўзал чаманзорларни эсга олиш ўринли. Ёки бўлмаса, қай юртга бормасин, қай элда умргузаронлик қилмасин мухташам бино солиб, сўлим боғроғлар яратган ўзбегимнинг донгдор тарихига бир назар ташлашнинг ўзи кифоя.

Хулоса ўрнида, обод турмуш ҳақидаги Шарқ мутафак-

кирларининг қарапшари, аждодларимизнинг тутимлари, эзгу урф-одатларимиз ҳақида сўзламоқни ният қилиб, ушбу рисолани бугун эътиборингизга ҳавола қилмоқдамиз. Муҳтарам китобхонлар ушбу рисолани ўкиб, ўзлари учун муайян даражада қониқиши ҳосил қилсалар, биз муаллифлар шунча баҳтиёр бўлур эдик. Ишдаги хато ва нуқсонлар учун маъзур тутишларини сўраб, ўқимоққа ниятланганингиз – қўлингиздаги китоб мутолааси хайрли кечишини тилаймиз.

**I-ФАСЛ.  
ОБОД ТУРМУШ ЎЗБЕК ХАЛҚИННИНГ  
АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИДАНДИР**

**1. “АВЕСТО”ДА БЎЙ КЎРСАТГАН ҲАҚИҚАТЛАР...**

Обод турмуш тарзининг шаклланишида, шубҳасиз, буюк шахсларнинг, бебаҳо маданий ёдгорликларнинг улкан ўрни, аҳамияти мавжуд. Хусусан, яккахудоликка асосланган илк дин – зардустийлик айнан бизнинг заминимизда пайдо бўлган ва бу ақидаги кўра, қўнгил ва тана – жисм ободлиги, покизаликка катта урғу берилган. Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, зардустийликнинг муқаддас китоби бўлмиш “Авесто” айни мавзуда жуда кўп маълумотлар беради. Ўша антик даврларда яшаган аждодларимиз турмуш тарзи, озодалик мезонлари, атроф-муҳитга муносабати билан танишиб, бугун биз оддий ҳол тарзида қабул қилаётган ахлоқий меъёрларнинг келиб чиқиши, илдизлари намоён бўлади.

Янги диннинг асосчиси Зардуст милоддан аввалги VII аср охири VI аср биринчи ярмида яшаган. У Хоразм томонларга яшаган Спитама қавмидан (сўғдийча Спитамен деган исм ҳам шундан келиб чикқан) бўлиб, отаси – Пурушасп, онаси – Дуғдова исмли аёл бўлган.

Зардустийлик таълимотига кўра бу дунёнинг ибтидоси бўлганлиги каби интихоси ҳам муқаррар, яъни борлик вақт, замон ўлчамида чексиз эмас. Ҳаёт эса яхшилик ва ёмонлик, рост ва ёлғон, ёргулик ва зулмат ўртасидаги азалий ва абадий, доимий ва келиштириб бўлмайдиган курашлардан иборат. Ёруғлик, яхшилик ва эзгулик кучларини Ахура-Мазда ва муқаддас рух “Спента-Майн”, қора зулмат, ёвузлик кучларини эса бузгунчи рух Анграманю (кейинчалик Ахриман дейилган А.А.) бошқаради.

Ахриман қўшинлари таркибига девлар, олдинги худолар, ҳасад, ялқовлик, ёлғончилик каби жонлантирилган ёмон тушунчалар, ёвуз кучлар ва жодугарлар кирган бўлиб улар оловга, ерга, сувга, чорвага зиён етказишга харакат қилгандар. Ахриман ўлим, қиш, совуқ, жазирама иссиқ, зарарли ҳайвонлар ва ҳашаротларни яратган.

Зардустийлик ақидасига кўра, яхшилик ва ёмонлик инсонларнинг ботини – ички дунёсида. Шундай экан, инсон яхшилик учун курашмоғи зарур.

Лекин дунёда Ахриман отлиғ ёвуз дев бор. Шу боис, инсон қалби, кенг маънода, бутун дунё яхшилик ва ёмонлик, нафс ва сабр, ҳасад ва ҳавас сингари қарама қаршиликлар аро кураш майдонидир. Бинобарин, зардустийликнинг ўзаги уч сўз “Гумантус” – эзгу фикр, “Гутка” – эзгу сўз, “Гваршита” – эзгу амал.<sup>1</sup>

“Авесто”, аввало, буюк умуминсоний қадриятдир.

Унда маздопараастлик динининг асосий қоидалари, ўша даврдаги ижтимоий-иктисодий ва маданий жараёнлар, илк давлатчилик анъаналари, турли ижтимоий муносабатлар, умуман олганда, обод турмуш тарзи ва у билан боғлиқ урф-одатларга оид қимматли маълумотлар мавжуд.

Агар таъбир жоиз бўлса, “Авесто”ни кўхна Шарқ донишмандининг обод турмуш тарзи ҳақидаги ғоя ва ҳикматларининг мажмуаси дея аташ мумкин.

“Авесто” Яшт китобида хотин-қизларнинг ҳақ-хукуқини эъзозлаш, оила ободлиги ва мустаҳкамлигига эришиш, ота-онанинг фарзанд олдидаги, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчи, фарзандларни оила қуришга тайёрлаш, обод турмуш анъаналари ва маросимларига оид фикр-мулоҳазалар баён этилган.

Зардустийликда ибодатдан олдин белбоғни ечиб, юз-қўллари ва оёқларини сув билан поклаш таомили бор эди. Бу маросим шунчаки ибодат, покланишгина эмас, балки қалб осудалигига эришиш – аввало жисмонан поклик

---

<sup>1</sup> Маковельский А.О. Авеста. Баку, АН Азарб. ССР, 1960, С. 100

ҳосиласи эканлиги тўғрисидаги ўлмас дунёқараш ҳамдир.

Бугунги кунда никоҳ, аҳду вафо, оилапарварлик гло-  
баллашув бўхронида жуда катта талотўпга учрамоқда.  
Ахборот хуружлари, турли жирканч медиа маҳсулотлар-  
нинг ташвиқоти боис, ёшларда оила институтига нисбатан  
қандайдир совуқ, бегона муносабат шаклланиб бормоқда.  
Аммо, шуни унутмаслик керакки, жуда қадим илдизлара  
эга бўлган оилаварлик тамойили ҳар бир ўзбекнинг қон-  
қонига синггиб кетган. Баъзи ёқимсиз ҳолатлар эса маф-  
куравий иммунитетнинг ҳали тўла шаклланиб улгурма-  
гани билан боғлиқ.

Зардуштийлар жамоаси орасида никоҳ бир умрга  
муҳрланган. Бир эркакка икки никоҳ ёки вақтинча никоҳ  
мумкин бўлмаган. Эр-хотиннинг бир-бирига хиёнати  
қаттиқ қораланган, бегона эркак билан жуфтлашган аёл  
бадном этилган, жазоланган ва никоҳдаги эр учун “ҳаром”  
ҳисобланган<sup>1</sup>. Шунингдек, оила куриш, насл қолдириш  
катта савоб амал ҳисобланган: “Авесто”нинг Венди-  
дот қисми тўртгинчи фаргатида “кимнинг хотини бўлса,  
у хотинсиз ва дунёдан фарзандсиз ўтаётган кимсадан  
яхшироқдир”<sup>2</sup> – дейилади.

Асрлар давомида шаклланган зардуштийлик обод тур-  
муш анъаналари кейинчалик ислом даврида ҳам оилавий  
маросимларимизда ўз кўринишларини йўқотмаган ва  
ҳаттоқи, бугунги кунда ҳам исломий анъаналар таркибида  
муайян ўзгаришлар билан сақланиб қолган.

Ўзбекларнинг обод турмуш тарзи ҳақидаги тушун-  
чалари, маросим ва расм-руссумлари мазмун-моҳиятига  
кўра, зардуштийлик ақидаси бағрида юқорида даражада  
шаклланган.

“Авесто”да оила бутунлигини сақлашга алоҳида эъти-

<sup>1</sup> Аширов А. “Авесто” ва зардуштийларнинг оила-турмуш ма-  
росимлари ҳақида// Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. 2002. №1.  
50-саҳифа.

<sup>2</sup> “Авесто”. А.Маҳкам таржимаси. 121-саҳифа.

бор қаратилиши баробарида никоҳ тартиблари, эр-хотин мажбуриятлари, никоҳни бекор қилишнинг сабаб ва шартлари батафсил баён этилган. Гарчанд, никоҳни бекор қилиш ўта хунук ҳолат ҳисобланса-да, факат айрим ҳолларда, шунда ҳам руҳонийларнинг чуқур такширув ва хulosаларидан сўнггина ажримга рухсат берилган. Агар ўртада фарзанд бўлса, ажрим масаласи, ҳатто муҳока ҳам қилинмаган. Бу одат замирада ҳам бугунги ахлоқий меъёрларга жуда яқин келадиган ҳикмат мужассам эканлигини сезиб турган бўлсангиз керак, албатта. Дарвоҷе, ҳозирда никоҳ маросимлари маслаҳатсиз ўтмайди. Ваҳоланки, айни анъананинг илдизлари ҳам ўша қадим зартуштийлик таълимотига тақалади.

Бундан ташқари, зардуштийликда қиздир-ӯғиллир – инсоннинг ёлғиз яшаши қаттиқ қораланган. Балоғатга етган қиз бола ота-она, жамоа райини писанд қилмай, зурриёт қолдиришни истамай турмуш қурмаса, у қопга солиниб, йигирма беш дарра калтакланган. Эркаклар 17 ёшида уйланиш ҳуқуқига эга бўлишган. Агар эркак киши зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга тамға босилиб, бадном қилиш мақсадида белига ҳар доим темир камар боғлаб юришга мажбур этилган<sup>1</sup>.

“Авесто”да қайд қилинишича, эркак киши, аввало уйланиш учун моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлмоғи лозим. Ва бунинг учун у ўз вақтида тўйиб овқатланиши зарур, акс ҳолда эркак киши ўз хизмат ва бурчларини бажара олмайди. Еб-ичмайдиган инсоннинг тоат-ибодат қилишга кучи етмайди. Эр-хотинлик вазифасини адо этишга қуввати етмайди, соғлом фарзандларни дунёга келтира олмайди<sup>2</sup>.

Эътибор қилинг: моддий ва маънавий томондан тўқ ва бақувват бўлиш, пировардида, оиланинг, кенг маънода жамиятнинг тўкис, беташвиш ҳаёт кечиришига замин

<sup>1</sup> Хомидов X. “Авесто”файллари. 60-саҳифа.

<sup>2</sup> Маковельский А.О. Авеста. -Баку, 1960. С.84.

яратар экан, нега энди ёш-ёш йигитларнинг илиги тўлиша бошлаган пайтиданоқ уларга алоҳида эътибор бериш мумкин эмас? Улар бутун миллатнинг, давлатнинг келажаги, шаъну шавкати эмасми? Шу ўринда, “Авесто”да таъкидланган бу фикрлар бугунги кунда Президентимиз томонидан изчиллик билан амалга оширилаётган болалар спортига доир ислоҳотлар рухиятига нақадар яқинлигини ўйлаб, аждодларга муносиб ворис бўлганимиздан, бўла олганимиздан беихтиёр фаҳр ҳиссини тумиз...

Яна бу ақидага мувофиқ, ҳомиладор аёлларга ва фарзандли аёлларга алоҳида ғамхўрлик қилиш лозимлиги таъкидланади. Ҳомилани нобуд қилиш эса қаттиқ қораланганд. Ҳомиланинг қасдан нобуд бўлишига сабабчи аёл жазоланганд, агар бу фожиага эркак алоқадор бўлса, уни қатл этиш ҳакида ҳукм чиқарилган. Тўғрисини айтганда, бу сўзларни бунда ёзаяпмиз-у, бугун ҳеч иккиланмай аборт қилдираётган аёллар-у, бундай қилишга даъват этаётган орсиз эркаклар хаёлдан ўтмокда. Эй, кўзингизни очинг! Наинки, зардуштийлик, балки барча динларда, мазҳабларда катта гуноҳ саналган бу ёвуз амални бажариб, миллатимиз келажагига раҳна солаётганингизни ўйлаб кўрдингизми! Зотан, ҳар бир гўдак, у ҳали дунёга келмасидан туриб ҳам, моҳиятан жу миллатнинг, жамиятнинг бебаҳо мулкидир. Дарвоке, бу ўринда шуни ҳам қайд этиш жоизки, айнан зардуштийликда она қорнида ҳомиланинг шаклланиш ва уни жинсий бўлиниш борасида илк бор маълумот берилган: ҳомила тўрт ой-у ўн кунлик бўлганида унда рух пайдо бўлади<sup>1</sup>. Ҳали замонавий тиббиёт, асбоб-ускуналар йўқ бўлган ибтидоий бир шароитда бундай аниқ-тиниқ фикр айтилгани кишини ҳайратга солади.

Зардуштийларнинг кўплаб маросимлари излари халқимиз турмуш тарзида бугунги кунгача сақланиб қолган. Жумладан, дехқонлар ҳаёти, меҳнати ва ҳосилни

---

<sup>1</sup> Авесто. А.Махкам таржимаси. 154-саҳифа.

йиғиши билан боғлиқ ўтказиладиган байрамларнинг кўплари бевосита зардуштийлик анъаналари билан боғлиқдир.

Азалдан ерга илк бор уруғ сепиш жараёнида, Дехқон бобо руҳига тиловат қилиш ёки унинг ғойибона мададкор бўлишини сўраб кўйиш ота-боболаримиздан қолган удумдир. Аслини олганда, бу одатнинг таг-томирида зироаткорлик билан шуғулланган аждодлар руҳига эҳтиром мужассам. Қолаверса, бир парча ердан ризқ-рўз ундириган азамат миришкорнинг меҳнати ҳеч вақт унут бўлиб кетмаслигига нозик ишорат ҳам бор. Бирок, бу удумнинг боши, аввали ҳам айнан ўша зардуштийлик эканлиги, “Авесто”да Бобо Дехқон билан боғлиқ баҳорги, ёзги, кузги маросимлар қайд этилгани янада чуқурроқ мулоҳаза юритишига ундаиди.

Гап шундаки, Бобо дехқон қанайдир исм ёки жой номи эмас. Бу – мартаба, инсон ҳалол яшаб, покиза турмуш ке-чириб эришиши мумкин бўлган мартабадир. Чунки, ўша вақтларда, асосан овчилик, сипохийлик билан кун ке-чирган аждодларимизнинг асосий машғулоти, барибир, дехқончилик бўлган. Шундай экан, бизнингча, энг сара, тажрибали, оқил одамларга нисбатан Бобо дехқон ибораси ишатилган.

Зардуштийлик таълимотида сув эъзозланган, муқаддас унсур саналган. Дарёлар, кўллар ва кудуқларнинг поклигига алоҳида эътибор берилган.

Агар ниманидир ювиш лозим бўлса, сув маҳсус жойга тўпланган. Ювилиши зарур бўлган нарса аввал сигир сийдигига чайилиб, қуёшда ёки кумда қуритилган ва сўнгра сувга солиб покланган. Сувни муқаддас санаб, уни эъзозлашга оид қараш ислом динида ҳам мавжуд. Жумладан, исломда сувни тежаб ишлатиш, уни ортиқча исроф қилмаслик таъкидланади. Худди шунингдек, сувни исроф қилиш ва булғаш оғир гуноҳ хисобланади. “Авесто”га

кўра, “Покиза сув ва ёниб турган олов олдида густоҳлик қилган зотнинг дўзахда топгувчи жазоси бу дунёнинг жамики дарду озорларидан мудхишидир”<sup>1</sup>. Кўраяпмизки, табиат неъмати бўлган сувдан фойдаланиш борасида исломий қарашларга жуда яқин, ҳамоҳанг бўлган қарашлар айнан зардустийлик динида мавжуд.

Қайд этиш зарурки, уй-жойлар билан боғлиқ маросимлар ва урф-одатлардан кўзланган асосий мақсад нафақат ушбу уйда, балки мазкур турар жой, ҳовлида яшовчи оиласада (ижтимоий гурухда) ҳам обод турмушни яратишга қаратилган. Шу боис мазкур туркум маросимларда оила ва уй-жой ажралмас бир бутунликни ташкил қиласди, деб ҳисоблаш мумкин.

Турар жойлар инсон учун макон, бошпана тарзда фойдалана бошланган даврлардан бошлаб у билан боғлиқ илк тасаввурлар ҳам шакллана бошлаган. Қадимги уй-жойларнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – уларнинг ўзига хос хавфсизлик ҳалқасига эга эканлигидир. Инсониятнинг илк аждодлари уй-жойларни ёвуз кучлар хуружидан муҳофаза қиласидиган ўзига хос ёпиқ макон деб ҳисоблаган ва у билан боғлиқ илоҳий тушунчалар тарқалган<sup>2</sup>. Бу борада француз этнологи А.Леруа-Гураннинг “Уйга рамзий маъно-мазмун бериш орқалигина маконни ўзлаштиришдаги инсониятга хос бўлган хусусият (ҳайвонларда мавжуд бўлган «ҳимояланиш» инстинктидан фарқли тарзда) тўғрисида мулоҳаза юритиш мумкин», деган қарашига қўшилмасдан иложимиз йўқ<sup>3</sup>.

Ўзбекларда яшаш макони ҳисобланган уй-жой, хусусан, ота-боболар жойи муқаддас даргоҳ ҳисобланган ва унга меҳр қўйилган. Қолаверса, ота-боболар ерининг

<sup>1</sup> Авесто. А.Маҳкам таржимаси. 122-саҳифа.

<sup>2</sup> Лавовнен Н.А. Функциональная роль порога в фольклоре и верования карел // Фольклор и этнография. У этнографических источниках фольклорных сюжетов и образов. - Ленинград., 1984. Б.177.

<sup>3</sup> Leroi-Joirhan A. Le qeste et la parale. T.2. -Paris. 1965. S.139.

муқаддаслиги борасида жуда кўп ҳикматли сўзлар, матал мақол ва ривоятлар мавжуд<sup>1</sup>.

Дунёнинг кўплаб халклари сингари ўзбекларнинг ҳам янги уйга кўчиб кириш олдидан бажарадиган турфа хил расм-руссумлари ва одатлари бўлиб, халқ тасаввурида ушбу амалларнинг бажарилиши ушбу оиласда яшовчиларнинг келгусида безиён яшашларига кўмак берар экан. Ўз навбатида бундай тарздаги қараш янги уйга кўчиб ўтишда ва унда яшаш давомида хона қисмлари билан боғлиқ турили одатларнинг бажарилишига сабаб бўлган.

Одатда, уй қуриш ишлари дастлаб унинг пойдеворини тиклашдан бошланган бўлиб, халқона тасаввурга кўра, бу ишга ҳафтанинг хайрли ва омадли кунларидагина киришилган. Фаргона водийси ўзбеклари орасида душанба, чоршанба, пайшанба ва шанба кунлари уй қурилишидаги дастлабки ишлар бошланган. Чунки айнан мазкур кунлар хосиятли кунлар ҳисобланган<sup>2</sup>.

Хуллас, янги уйга кўчиб келиш билан боғлиқ урф-одатларга магик қарашлар асос бўлган. Уйнинг тўрт бурчагига дўлана қоқиб кўйишда ўхшаш афсунгарлик, яъни дўланага хос хусусиятлар магик йўл билан ушбу уй аъзоларига ўтиши тоясига асосланилган. Дастлаб уйга капгирчўмич олиб кирилишида эса ушбу хонадон ахлининг ризқли-насибали бўлишига қаратилган магик ният асос бўлган бўлса, иккинчисида серпуштлилик афсунгарлиги билан ўзаро қоришган ҳолда учрайди. Кексаларнинг серфарзандлилик хусусияти ҳамда туз ва сумалакнинг одамлар тасаввуридаги ризқ-барака рамзига оид хусусиятлари келгусида мазкур оиласа ҳам доимо ҳамроҳ бўлсин, деган

<sup>1</sup> Бу тўғрисида батафсилроқ қаранг: Махмуд Саттор. Ўзбек удумлари. -Т., 2005. Нозилов Д. Марказий Осиё мейморчилигига интерьеर. -Т., 2005. 71-саҳифа.

<sup>2</sup> Ҳафта кунлари билан боғлиқ эътиқодий қарашлар борасида батафсилроқ қаранг: Устаев Ш. Дни недели в поверьях народов Южного Узбекистана. // Краеведение Сурхандарьи. -Т.: Ўзбекистон, 1989. С. 146-155.

ният айнан мазкур урфнинг бажарилишига сабаб бўлган бўлса ажаб эмас.

Ўзбекларда уйнинг турли жойлари, айниқса, остонаси, ўчоғи энг муқаддас жойлардан бири хисобланган ва у билан боғлиқ қатор диний-афсунгарлик урф-одатлари ҳамда иримлари бажарилган. Бу ўринда, аввало шуни ҳам таъкидлаш керакки, ҳалқнинг кундалик турмуш тарзида остона билан боғлиқ қатор нақллар ҳам мавжуд. Чунончи «Остонада турмушга чиқмаган қиз ўтиrsa баҳтсиз бўлади», «остонда туриб бўлмайди, чунки бирор бир кишисидан жудо бўлган одам остонада туради», «остонада қулоч кериб туриб бўлмайди, барака тўсилади», «остонада турган ҳолда саломлашилса, ўртага совуқлик тушади», деган нақллар бугунги кунгача ҳалқимизда сақланиб келмоқда ва улар ҳозирда ҳам омма орасида ўз аҳамиятини йўқотмаган<sup>1</sup>.

Обод турмуш қаердан бошланади?

Албатта, остонадан. Аждодларимиз бу борада гоят талабчан ва доно бўлишган.

Ҳалқимизда бир одат бор: дарвоза сахармардонда очилади ва оқшом тушгач ёпилади. Шу оддийгина одатларимизда ҳам улкан маънно борлигини ўйлаб кўрганмисиз? Ёки остона ҳатлаётганда салом бериш замирида нелар борлигини тасаввур этиб кўранмисиз? Остона – янги ҳаётнинг, фаол ижтимоий муносабатларнинг дебочаси, аввали саналган. Киши ундан ҳатлаётганда оила қўрғонини ҳамиша ёдда тутиши, ҳаёт ва ўлим аро сайр қилаётган бир банда эканлигини хис этиб туриши назарда тутилади. У икки дунёнинг чегараси хисобланган. Эшик эзгулик ва ёвузлик, ёруғлик ва қоронғулик, янгилик ва эскилик чегарасидир очилади, ёпилади, шу билан нафақат ўз вазифасини бажаради, балки қуёш чиқиши ва ботиши, ку-

<sup>1</sup> Ўзбек ҳалқи лирикасида ҳам остона образи маҳсус тадқиқ қилинган. Бу борада қаранг: Ҳамдамова С. Фурқат лирикасида остона образи // Ўзбек тили ва адабиёти. 2003. №5. 63-саҳифа.

тиб олиш ва кузатиш каби рамзларни ҳам ифодалайди<sup>1</sup>. Бу қарашлар, хulosалар бир кун ёки бир бир йилда пайдо бўлиб қолган эмас, аксинча, халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб борган турмуш тарзига доир қимматли ҳикматдир.

XX аср бошларида Фарғона водийси ўзбеклари анъана-вий тураг жойлари “ичкари” ҳамда “ташқари” ҳовлиларга бўлинган. Кўплаб тадқиқотларда бу жиҳат аёлларни номаҳрам кишиларнинг назаридан четда бўлишини таъминлашга қаратилган исломий қарашлар билан боғлиқ деб таъкидланади. Бундай қараш асосини буткул рад қилмаган ҳолда шуни таъкидлаш жоизки, ўзининг ички ҳаётини ўзгалар назаридан четда тутиш ўзбекларнинг азалий хусусияти бўлиб, бу анъана исломий қарашлар билан бевосита уйғунлашган ва тасдигини топган.

Ўзбеклар орасида уй ўчоги остонаси билан бирга уйнинг энг муқаддас жойларидан бўлиши билан бирга оиласнинг баҳти ҳам ҳисобланган. Қадимги тасаввурларга кўра ўчоқда (оташкадада) илоҳий олов ёнган, ўчоқда таом олови ёнган, ўчоқда исиниш олови ёнган. Демак ўчоқ ҳаётнинг диний ва ижтимоий инъикоси.

Хулоса қилиб айтганда, ободлик, покизалик қадим-қадимлариданоқ икки дарё оралиғида ҳаёт кечирган туркӣ ҳалқлар, инчунун, ўзбекларнинг қон-қонига сингиб кетган муқаддас қадрият ҳисобланган. Биз юқорида тилга олиб ўтган айрим маълумотлар, оиласвий удумлар, урфодатлар эса тарихи бой, гўзал ва сермаъно халқимиз тарихидан бир лавҳа, ҳолос...

---

<sup>1</sup> Нозилов Д. Марказий Осиё меморчилигида интеръер. -Т., Фан, 2005. 77-сахифа.

## **2. СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР – ЎРТА АСРЛАР МУСУЛМОН ШАРҚИДА ОБОД ТУРМУШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ АСОСЧИСИ**

*Тарихда машҳур шахслар кўп ўтган, лекин ўзингиз айтинг, азиз дўстлар, дунёнинг қайси ерида, қайси замонда Амир Темур бобомиздек буюк саркарда, буюк давлат арбоби, илм-фан ва маънавият ҳомийси бўлган?*

**Ислом Каримов**

Қарийб 140 йил давом этган мўғул истибодидан халқни қутқарган халоскор, адлу инсоф бирла мамлакатни обод қилган подшоҳ, ёвқур баҳодир, буюк фотих Амир Темур Кўрагон ўрта асрларда турону эронда, шому ироқда обод турмуш тарзи ҳақидаги илғор, халқчил ғояларни қатъийлик билан амалга ошири.

Амир Темур ҳақидаги тарихий асарларда унинг ёшлигиданоқ билимли, жасур бўлганлиги, ўз давридаги меъморчилик, риёзиёт, тарих, фалсафа, тибиёт билимларини мукаммал эгаллаганлиги ёзилган. Масалан, араб файласуфи Ибн Халдун ўзи бевосита соҳибқирон билан учрашиб, сухбат давомида Амир Темур туркийдан ташқари араб, форс тилларини, диний ва дунёвий билимларни чуқур билганлигини қайд этади.

Бу улуғ зот қаерга бормасин, қай юртни фатҳ этмасин ҳамиша Аллоҳ қалбига солган ишларнигина бажарганини, доимо нопок ишлардан узоқда юрганини ўз “Тузук”ларида қайд этади.

Соҳибқирон оила масаласига алоҳида эътибор қаратар эди. Чунончи, фарзандлари ва набираларининг бу борадаги ютуқ ва камчиликларини, хато ва нуқсонларини мунтазам кузатиб борара, уларнинг оила тутишларига қараб, ўзаро муомала-муносабатларини белгилар эди. Айтайлик, Ҳалил Султонни валиаҳд этиб тайинлаган Темурбек, кейинчалик унинг аёларга суяги йўқлигини, Шодимулк билан пинхона мұхаббатини билгач, дарҳол

амр этдики, салтанат ишларини ақл бирла әмас, күнгил, савдойи ишқ орқали бошқариши мумкин бўлган шахзода валиаҳдликдан маҳрум этилсин.

Амир Темур ўзининг узоқ муддатли юришлари давомида ўзга юртларнинг машхур олиму носирларини, устаю ҳунармандларини камоли эҳтиром билан салтанат пойтахти томон чорлар эди. Бугун Самарқандга кўрк бўлиб турган мухташам обидаларнинг қурилишида эронлик, ҳиндистонлик, оврўполик усталарнинг ҳам ҳиссаси бўлғанлиги фикримизни тасдиқлайди.

Гоҳида инсон ўз оиласида, маҳалласида ободончиликни ўрната олмай танг қолади. Тасуввур қилингки, 28 мамлакатни фатҳ этган бобокалонимиз улкан салтанатнинг ҳамма бурчида тенглик, адолат устуворлигини таъминлашга қандай эришди экан?

Бунда, аввало Яратганинг улуғ бандалари дилига соладиган ҳқмати, ҳиссаси бори, албатта. Лекин шуни қўшимча қилиш жоизки, Амир Темур ўзининг улкан Шахсияти, букилмас иродаси билан бутун улусга, давлатга ибрат, тимсоли бўлган. Аҳли салтанат ундан улгу олиб яшаган. Шахсияти майда одам ҳеч вақт катта ислоҳотларни амалга ошира олмайди. Ўзгалардан ниманидир талаб қилиш учун ўша сифатлар кишининг ўзида бўймоғи лозим. Шу маънода, Амир Темурнинг ўзи покиза, хушахлок, мусулмончилик қоидаларини теран англаган ва унга оғишмай амл қилган диёнатли шахс бўлган. Қолган барча ҳислатлар унинг ана шу фазилатлари бағридан униб чиқкан, десак, мутлақо хато бўлмайди.

У обод турмуш ҳақидаги ўй-фикрларини изчиллик билан амалга оширган йирик давлат арбобидир. Бундай саодат, қутлуғ мартаба давлатдорлик қилиб ўтган барча шоҳларга ҳам насиб этавермайди, албатта.

Мир Сайид Барака, Шамсиддин Тойободий каби пири комилларга қўл берган бу зот обод турмуш тарзи ҳақидаги

миллий орзу-умидларни, аńана ва урф-одатларни ўзида мужассам этган тузукларида, бу ишларни, ғояларни қандай қилиб амалга оширгани тўғрисида эътиборга молик фикрларни айтади.

“Амр этдимки, ҳеч бир шаҳар ва қишлоқда одамлардан жон солиги, уй солиги олмасинлар. Сипохлардан бирон киши раиятнинг хонадонига зўрлик билан келиб тушмасин, раиятнинг от-уловини тортиб олмасин” (19-бет<sup>1</sup>).

Чингизийларнинг ваҳший талон-тарожи билан бунингдек адолатли бошқарувни таққосласак, Темурбек нақадар улкан ишларни амалга оширганини теранг англаб етамиз. Чунки, у пайтларда Чингизхон тузган “Ясоқ”ка мувофиқ, ҳоким ва бошқа амалдорларга чекланмаган миқдорда ва-колат берилганди.

“...Агар ғаним сипоҳидан бирор кимса ўз валинеъматига сидқидилдан хизмат қилиб, уруш кунларида менга қарши қилич кўтарган бўлса ҳам, ундан одамга нисбатан лутф-марҳаматлар кўрсатдим” (72-бет). Кечиримли бўлиш, лутф-марҳамат кўрсатиш факат улуғ одамларнинг қўлидан келадиган ишdir. Боз устига, ўзига нисбатан қилич кўтарган кимсани авф этиш хукмдор учун нихоятда қалтис юмушдир.

Ёхуд “Тузуклар”да шундай ёзилади: “Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан хукум чиқардим... Золим етказган моддий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин, уни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим. Ҳокимлару сипоҳдан қай бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим. (70-71-бетлар); Қайси бир сипоҳий ҳаддан ошиб, қўл остидаги кишига зулм ўтказар экан, уни

<sup>1</sup> Амир Темур. Тузуклар. Т.: F.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашрёти, 1996 (бундан кейинги ўринларда ушбу нашрга мурожаат қилинади).

тутиб мазлум қўлига топширсинглар, токи унинг жазосини зулм кўрганлар берсин” (93-бет).

Бундай тафти биланд, рост сўзларни айтиш учун инсон қалбининг туб-тубларида обод турмуш арзи ҳақидаги гўзал ахлоқий мезонлар барқарор бўлмоғи лозим. Амир Темур бобомизни шунинг учун ҳам ўрта аср мусулмон Шарқида обод турмуш назарияси ва амалиётининг асосчиси дейиш мумкин. Фикримизни тўла тасдиғи сифатида, қўйида жаҳон илм-фан ва маданияти намоёндалариинг Амир Темур ҳақидаги эътиборга молик фикрларидан айримлари келтириб ўтамиз.

“Византия, Венеция, Генуя, Испания, Франция, Англия каби ўша даврдаги кўпроқ маълум ва машҳур давлатлар билан иқтисодий алоқалар ўрнатган Темур хони (Темур) сиёсий ва ҳарбий тактика ҳақида рисола ёзган ва ўз авлодларига жуда доно тизим қолдирган. Биз буни тасаввур ҳам қилолмаган эдик ва унинг урушларини босқинчилик ва талон-тарож қилиш деб баҳолаб келган эдик. Деярли енгиб бўлмайдиган икки тўсиқ – биздаги таассуб ҳамда тарихий ноҳақлик Темурни билишимизга ва тўғри баҳолашимизга халақит бериб келди.”

*Француз олими – Лянглэ.*

*У 1787 йилда “Темур тузуклари”ни нашир эттирган.*

“Темурнинг Тўхтамиш устидан қозонган бу ғалабаси (1395 йил 15 апрелда Қундузгача Амир Темурнинг Тўхтамиш устидан ғалабаси ҳамда Олтин Ўрда тақдирини ҳал бўлганлиги назарда тутиляпти – Ш.Х.) нафақат Ўрта Осиё ва Шарқий Европа, балки Россия учун ҳам катта аҳамиятга молик бўлди.”

*А.Ю.Якубовский, рус олими.*

“Бахтиёр жангчи, жаҳонгир, узок Шарқда қонуншунос бўлиш билан бирга ўзида, Осиёда кам учрайдиган тактик ва стратегик билимларни ифодалади.”

*Ф.Шлоссер – немис олими.*

“Темур ўз душманларига нисбатан лекин саркардалик, давлатни бошқариш ва қонунчилик соҳасида буюк талантга эга эди.”

*М.Вебер – немис олими.*

“Темур олимларга серилтифотли эди. Билимдонлиги билан бир қаторда соғдиллигини кўрган кишиларга ишонч билдиради. У тарихчилар, файласуфлар, шунингдек, илм-фан, идора ва бошқа ишларда истеъододли бўлган барча кишилар билан суҳбатлашиш учун кўпинча таҳтдан тушиб уларнинг ёнига келарди. Чунки Темур бу соҳаларга ғамхўрлик қилишга асосий эътиборини берарди.”

*Лянглэз.*

“Темур одамларни ўзига бўйсундириш қобилиятига эга эди. У ўзининг бу қобилиятини одамларни баҳтили қила билиш таланти билан уйғунлаштиради. Темур, унинг тарихчиларидан бири (Шарофиддин)нинг айтишича, бир вақтнинг ўзида душманларга офат, аскарларга қаттиққўл раҳбар, ўз халқига эса ота бўла олар эди. У ўз фуқаросининг ахволи ҳақида яхши бошликлари берган маълумотларни ўзи шахсан кўздан кечирарди: негаки у одам таний ва танлай биладиган шоҳ эди.”

*Академик Иброҳим Мўминов.*

“Бир томондан қаттиққўл Темур турса, иккинчи томонда илм аҳлини қутлаб, ўз химоясига оладиган Темур турар: бир томонда бутун-бутун шаҳарларни заб этувчи Темур бўлса, иккинчи томонда обидалар, мадрасалар, сув

иншоотларини курдирувчи ва боғлар барпо эттирувчи Тे-  
мур туради. Бу мураккаб шахс муаррихлар учун ҳали ҳам  
жумбок бўлиб қолмоқда.”

*Професор Люсен Карен.*

### **3. АБУ АЛИ ИБН СИНО – ОБОД ТУРМУШ ТАЪЛИМОТИ ВА АМАЛИЁТИНИНГ БУЮК КАРВОНБОШИСИ**

Олимнинг ўттиздан ортиқ асарларида маданиятга доир фикрлар ўз ифодасини топган. Унинг маданиятга ва унинг таркибий қисмлари бўлган одоб-ахлоққа, таълим-тарбияга, руҳий ва жисмоний саломатликка оид қарашлари бошқа мутафаккирларнинг фикрларидан шуниси билан фарқ қиласдики, уларда инсонни жуда яхши, мукаммал даражада ўрганган, дарду аламлар ҳамда ранжу ситамларнинг шифоси илми ҳикмат – фалсафада деб билган табибининг ўткир мулоҳазалари бор. Табобат ва фалсафа Ибн Синода ёнма-ён, уйғун келади. Бинобарин, улуғ ҳаким асарларининг умброкийлигини сирларидан бири ҳам шунда, деб биламан. Масалан, Ибн Сино фарзандга илм ва одоб ўргатиш ҳақида шундай мулоҳаза билдиради:

“Бола баданининг бўғинлари қотиб, тили равон чиқиб, қулоғи эшитиш ва гапни маъқуллаш учун тайёр бўлиб, вужуди илм ва одоб ўрганишга ҳозир бўлганда унга илм ва одоб ўргатиш керак”<sup>1</sup>. Болага ўз вақтида ва лозим даражада таълим бериш – маданият. Ана шу таълим бериш вақтини аниқ-равshan баён қилиш – табобат. Демак, бунда инсонни ўрганиш ва баркамоллик сари етаклаш билан шуғулланадиган икки соҳа – фалсафа ва табобат уйғун келмоқда.

Ҳар бир одамда чукур ички маданият бўлмоғи шарт. Бу маданиятни шакллантирадиган, унга озиқ берадиган омиллар эса ахлоқ ва билимдир. Шу маънода, алломанинг наср-

<sup>1</sup> Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари. // Таржимон ва шарҳлар муаллифи Н.Турдибоев. – Т.: Фалсафа ва ҳуқук, 2009, 28-саҳифа.

да ёзилган “Саломон ва Ибсол” қиссаси, менинг фикримча, инсоннинг ички маданияти, қалб гўзаллиги ҳақидадир.

Яна шуни қўшимча қилиб айтиш жоизки, Ибн Сино умрининг сўнгги чоғларида тартиб берган “Ишорот” номли асарида баён этишича, мазкур қиссани ўзининг бошқа рисолаларига нисбат бериб, рамзий бир тарзда, масал шаклида ёзган<sup>1</sup>. Биз бу мавзудаги кузатишларимиз натижасида асар ўзининг “Оила тадбири” рисоласига нисбат бериб ёзилган бўлса керак, деган хulosага келдик. Чунки, воқеа айнан оилада бўлиб ўтади. Шу боис, “Саломон ва Ибсол”да тилга олинган оиласигий муносабатларга доир муаммолар ва уларнинг ечимларини “Оила тадбири” номли рисоласи билан солиширишга ҳаракат қилдик.

Асар ака – Саломон, унинг хотини ва ука – Ибсол ўртасидаги муносабатлар чегарасининг бузилиши ва унинг оқибатлари баёнидан иборат. Хотин ўз эрининг укаси Ибсолни севиб қолади ва пинҳоний алоқа ўрнатмоқчи бўлади. Аммо Ибсол ўз нафсини тийиб, акасининг тан маҳрамига яқинлашмайди (“Нафс ақлнинг тадбири ва сиёсати остида идора қилиниши керак”. – Ибн Синонинг “Оила тадбири” номли рисоласини “Ўз нафсини ислоҳ этиш” номли фаслидан<sup>2</sup>). Аммо аёл турли ҳийланайранглар ишлатиб, Ибсолни ўзига қаратиш амалларини излай бошлайди (“Аёлларнинг энг яхшиси эрнинг орқасида ва йўқлигига вафодор бўлади”. – Ибн Синонинг “Оила тадбири” номли рисоласини “Энг яхши аёллар васфи” номли фаслидан<sup>3</sup>). Хотин эрига Ибсолни фарзандлари сафига қўшиб қўйишни илтимос қилади. Шу оркали,

<sup>1</sup> А.Ирисов. Абуали Ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол” қиссаси.  
– Т.: “Фан”, 1973, 41-саҳифа.

<sup>2</sup> Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари. // Таржимон ва шарҳлар муаллифи Н.Турдибоев. – Т.: Фалсафа ва хукуқ, 2009, 13-саҳифа.

<sup>3</sup> Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари. // Таржимон ва шарҳлар муаллифи Н.Турдибоев. – Т.: Фалсафа ва хукуқ, 2009, 24-саҳифа.

болаларимиз ундан билим ва одоб ўрганишади, дейди у (“Боланинг ёмон феъл атвортар ва нафратли одатлар билан юзма-юз келиб қолишидан ва уларнинг сурати унинг (боланинг) руҳияти сахифасида муҳрланиб қолишидан олдин, уни ёқимли хулқлар, мақтоворга сазовор сифатлар ва муносиб одатлар билан юзма-юз тўқнаштириб ва унинг вужудини улар билан безаб туриши керак”. – Ибн Синонинг “Оила тадбири” номли рисоласини “Ўз фарзанди борасида отанинг сиёсати” номли фаслидан<sup>1</sup>). Ибсол янгасининг бу найрангидан қочиб, акасидан изн сўраб, қўшин билан узок ўлкаларга жанг қилиш учун кетади. Қайтиб келганидан сўнг ҳам янгаси унга нисбатан муомаласини ўзгартирмайди. Ниҳоят, Ибсолнинг бепарволигидан жунбушга келган хотин хизматкор ёрдамида унга захар беради (“Хизматкор танлашнинг йўли шулдирки, авваламбор, сен уни танигин, имтиҳон қилгин, хатти-харакати, фикрлаши, ахлоқи ва сифатларидан огоҳ бўлгин”. – Ибн Синонинг “Оила тадбири” номли рисоласини “Хизматкор танлаш йўли” номли фаслидан<sup>2</sup>). Асар якунида Саломон ўз хотини ва хизматкорларининг барча кирдикоридан огоҳ бўлади ва уларни муносиб жазолайди<sup>3</sup>.

Кўриниб турибдики, асар оиласиди ички маданият, ахлоқ ҳақидадир ва бунда ҳолга тушмаслик ҳақида Ибн Сино ўзининг “Оила тадбири” номли рисоласида бир қатор фикрларни илгари сурган. Бу борадаги мулоҳазаларимизга хулоса ясад, шуни айтмоқчимизки, инсоннинг руҳий ва жисмоний покликка, баркамолликка,

<sup>1</sup> Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари. // Таржимон ва шарҳлар муаллифи Н.Турдибоев. – Т.: Фалсафа ва ҳуқук, 2009, 27-саҳифа.

<sup>2</sup> Ибн Синонинг илм ва ахлоққа доир баъзи рисолалари. // Таржимон ва шарҳлар муаллифи Н.Турдибоев. – Т.: Фалсафа ва ҳуқук, 2009, 27-саҳифа.

<sup>3</sup> Мазкур жумлаларни ёзишда Абдусодик Ирисов томонидан нашрга тайёрланган Абуали Ибн Синонинг “Саломон ва Ибсол” қиссасидан фойдаланилди. – Т.: “Фан”, 1973, 61-68-саҳифалар.

юксак маънавиятга эришиши гояси олимнинг қарийб барча илмий ва бадиий асарларида асосий ўринни эгаллади.

Яна бир ҳайратланарли томони шундаки, Ибн Сино тиб илмининг султони, беназир файласуф олим бўлиши баробарида дилбар ашъорлар битган етук шоир ҳамдир. Бундан минг йил бурун ёзилган ашъорлар, ажабки, бугунги замон кишиси – минглаб, миллионлаб ахборотлар гирдобида қолиб кетган тезкор асримиз вакилининг ҳам феълу атворини, фазилату иллатларини, ўй-хаёлларини ўзида теран ифода этади. Ибн Синонинг оқил давлат арбоби, истеъододли шоир ва адабиётшунос, нафис мусиқашунос ва физик, ўткир математик ва астроном, кучли химик ва географ, моҳир руҳшунос ва файласуф бўлганлиги унинг яратган илмий-адабий меросидан маълумдир. Ибн Сино мутолаасининг бойлиги, илмнинг машаққат ва заҳматига чидамлилиги ва ғайрати билан ўтмишдошларини лол қолдирган. Унинг нодир ва ўлмас асарлари нафакат Шарқда балки Ғарбда ҳам машҳурдир.

Ибн Синонинг ижоди бир неча асрлар мобайнida Шарқ ва Оврўпо фани ҳамда маданиятига салмоқли таъсир кўрсатган.

Ибн Сино ўзининг бутун ҳаёти давомида тинмасдан изланди, меҳнат қилди. Мен меҳнат билангина тирикман, – деб таъкидлар эди у, – қолганлари эса фақат кун кечиришгина, холос. Илму-фан Ибн Синонинг бутун борлигини камраб олган, аллома унга ўзини бутунлай баҳшида этган эди.

Олимнинг илмий, фалсафий, ижтимоий-сиёсий ва табиий қарашлари жуда серкиррадир. Қайси фан соҳасига қалам урмасин, унда ўз зикрини қолдира олган. Мутафаккир ўз асарларида илм ва одоб-ахлоқ уйғулиги, баркамол авлод камолоти ва баҳт-саодати, адолат ва диёнат, инсонларнинг ўзаро дўстлиги ҳамкорлиги, обод турмуш тўғрисида қизиқарли гояларни илгари сурган.

Ибн Сино табиий фанлар, минералогия, кимё, бота-

ника, астрономия, математика, тиббиёт, адабиёт, мусиқа ривожига бекиёс ҳисса қўшгани боис унинг яратган асарлари дунё тилларига – немис, инглиз, рус, араб, испан, итальян, француз каби тилларга таржима қилинган.

Дарҳакиқат, буюк сиймоларимиз томонидан яратилган ноёб ва бебаҳо бойликни ҳар томонлама чуқур ўрганиб, унинг маъно-моҳиятини ёшларимизга етказиш масаласи барчамизнинг, айниқса зиёлиларимизнинг асосий ва муқаддас вазифаларидан биридир.

Буюк аждодларимизнинг бағрикенглиги, улар дунё-карашида дунёвий ва диний илмларнинг муштараклиги, диёнат ва адолатпешалиги, сабр-қаноатлилиги барчамиз учун намуна-ибратdir.

Ибн Сино фаннинг турли соҳаларига оид 450 дан ортиқ илмий асарлар яратди, лекин бизнинг давримизгача улардан 242 таси етиб келган<sup>1</sup>.

Ибн Сино обод турмушга оид бир неча асарлар яратган: “Тадбир ал-манозил”<sup>22</sup> (“Турар жойни бошқариш чоралири”), “Рисола фи илм ал-ахлок” (“Ахлокқа оид рисола”), “Рисола фи ал-ахд” (“Бурч ҳақида рисола”), “Рисола фи тазкият ан-нафс” (“Нафсни покиза тутиш тўғрисида рисола”), (Сиёsat ал-бадан”), (“Баданни бошқариш”), (“Китоб ал-ансоф (“Адолат ҳақида китоб”). “Ал-уржузा фит-тибб” (“Тиббий уржузা”) Мазкур асарларнинг бугунга қадар баркамол авлодларимизни таълим ва тарбиясида, уларни замон талабларига жавоб бера оладиган доно, билимли ва кучли бўлишларида аҳамияти бекиёс.

Ибн Сино ўзининг “Ахлок ҳақидаги рисола”сида ахлоқий ҳислатлардан ор-номус, шаън, қадр-қиммат, қаноат, сахийлик, ғайратлилиқ, сабр-тоқат, ҳалимлик, сирни сақлай билишлик, илм-маърифатли бўлиш, очиқлик, виждонлилик, дўстлик, садоқатлилик, камтарлик, сахий-

<sup>1</sup> Ўзбекистон миллий энциклопедияси. 4-жилд. Т., 2004.

<sup>2</sup> Бу асарнинг форс тилига қилинган таржимаси 1930 йил Техронда нашр этилган.

лик, адолатлилик каби шахс маънавияти категорияларига таъриф беради:

“Гайратлилик” олимнинг фикрича, ғазабий қувватга мансуб бўлиб, бунда инсон ҳар қандай оғриқ ва аламларга бефарқ қарайди.

“Ҳикмат” тамизий қувватга мансуб бўлиб, инсонни хато ва янглишишлардан асрайди.

“Қаноат”, яъни мўътадилликка таъриф бериб, Ибн Сино уни тана учун нормадан ортиқ озуқани истеъмол қилишдан сақланиш ёки хулқ нормаларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик деб тушуниради.

“Сабр” инсондаги шундай қувватдирки, у орқали инсон бошига тушган ёмонликдан ҳоли бўлади.

“Юмшоқлик” ғазабнинг юз беришидан ўзини тутишдир. Кимки ўзини ғазабдан тута олмаса, у оқибатда жиноят содир бўладиган феъл-атворга гирифтор бўлади. Ғазабдан ўзини тутишни Ибн Сино инсоннинг олижаноблигидир, деб жуда тўғри таъкидлайди.

“Виждонлилик” тез фаҳмлаш, хис орқали берилган бирор нарсанинг ҳақиқий маъносига тез етишдир ва турли хил ёмон ишлардан ўзини тийиб туришдир.

“Раҳмдиллилик” омадсизликка учраган ёки бошқа оғир кулфат тушган инсонларга ҳамдард бўлиш.

Ибн Синонинг ахлоқка бағишланган рисолаларидан яна бири “Бурч рисоласи”дир. Бу асар 1910 йили Мисрда чоп этилган. Бу ерда Ибн Сино, асосан, одам ўзини доимо покиза тутиши кераклиги, инсонлар билан қандай муомала қилиш лозимлиги каби масалаларга тўхталиб ўтади.

Бундан ташқари, Ибн Синонинг ахлоқ мавзуидаги қарашлари унинг “Китоб ан-ансоф” (“Адолат китоби”) да ҳам ўз ифодасини топган. Бу асар йигирма жилдан иборат. Лекин у бизгача етиб келмаган. Бу тўғрида олимнинг садоқатли шогирдларидан бўлган Абу Убайд ал-Жузжоний шундай ёзади:

“Шайх Абу Али ибн Сино “Китоб ал-ансоф” (“Адолат китоби”) деган асар ёзди. Султон Масъуд Исфахонга бостириб кирган куни унинг аскарлари шайхнинг уйини талон-торож қилди, шунда бу китоб ҳам ўша ерда эди, шутариқа китобдан асар ҳам қолмади”.<sup>1</sup>

Ибн Сино ўзининг “Уюн ал-хикма” (“Ҳикмат булоқлари”) асарида ҳам таълим ва ахлоққа оид ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Унда айтилишича, ахлоқ фани одамнинг чинакам баҳтли бўлиши учун унга доимо йўл-йўриқ кўрсатиб берадиган фандир. Бу фан кишининг хулки, феъл-атвори устидан раҳбарлик қиласи. Бу фан шундай одамларни тайёрлаб бериши керакки, улар фақатгина ўзи учун яшамасдан, балки бошқалар ва жамоат ҳамда унинг манфаати учун яшашга интилиши керак. Инсонлар бир-бири билан дўст-иноқ бўлиб яшаши, уларда инсонпарварлик рухи ривожланиши лозим. Инсонлар камтар, иродаси кучли, тежамкор бўлиши зарур. Инсонда меҳнатта муҳаббат, яхши ахлоқий сифатлар ва ҳалоллик доимо устун туриши керак. Яхши хулқли кишиларда инсонларнинг энг яхши хислатлари мужассамлашган бўлади. Шунингдек, асада кишидаги одамшавандалик, бир кори хайр килишга ишонч, ирова, бу борада тадбиркорлик, дўстга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, душманга нисбатан нафрат хислатларининг бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритилади.<sup>2</sup>

Ибн Синонинг уқтиришича, инсонларда эзгу ният, ҳиммат, хайр-саҳоват, шиҷоат, адолат, покизалик, билимдонлик, иродалилик хислатлари билан бирга хасислик, ўғрилик, товламачилик, қўрқоқлик, такаббурлик, иғвогарлик, дангасалик, мунофиқлик, кибрлилик каби салбий ахлоқий хислатлар ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

<sup>1</sup> Жонматова Ҳ. Абу Али ибн Сино таълим-тарбия тўғрисида. Т.: “Ўқитувчи”, 1980, 13-бет.

<sup>2</sup> Абу Али Ибн Сино. Тиб қонунлари. 1 китоб. Т.: “Фан”, 1983. 15–18-бетлар.

Ибн Сино фикрича, инсонлар феъл-атворида айрим нуқсонлар бўлади, қайсики одамлар доимо булардан ўзини асраб-авайлаб юриши, иложи борича улардан қочиши лозим. Ана шу нуқсонларни у санаб кўрсатади. Буларга ёлғончилик, рашқ, хусумат, қасд олиш, тухмат, иродасизлик каби салбий ҳислатларни киритади. Булар ичида энг катта нуқсон, дейди Ибн Сино, кишининг ноёб фазилати бўлган илмга зид келадиган нодонлигидир.

Ибн Сино киши қалбига бўлиши мумкин бўлган мана шундай ҳислатларни “Ҳайй ибн Яқзон” асарида рамзий ишоралар билан баён қиласди, яхши-ёмон хулқ, феъл-атворларни иборали тарзда “киши ошналари” тариқасида талқин қиласди. Бу ошналарнинг баъзиси кўп номақбул йўлларга бошлайди, инсон ана шу йўлларга киришдан ўзини эҳтиёт қилиши лозимлигини уқтиради.

Ибн Сино ўзининг “Уй-жой тутиш тадбири” ҳақидаги асарида аёлларнинг ўн етти ҳислатини санаб кўрсатади; буларга дастлаб аёл оқила ва иймонли, шарм-ҳаёлик ва ор-номуслик, дидли ва фаросатлик, ораста, ўз эрига садоқатли, фарзанд кўра оладиган, итоаткор, дилкаш, бехархаша, покиза, вазмин, мулојим ва ўзини тутиб олган жиддий ва улуғвор, ҳар бир ҳатти-ҳаракатида яхши ҳислатлари сезилиб турадиган тежамкор, эрининг оғир дамларида унга малҳам бўла оладиган мушфиқу меҳрибон бўлиши керак.

Демак, Ибн Сино бу ерда аёлнинг донолигини кўкларга кўтариб мақтайди. Унингча, агар аёл оқила бўлса, ўз эрининг ишончли дўсти ва ҳамдарди бўла олади, у бевафоликни қоралайди, оилани ҳалокатга олиб борадиган сабаб ўша бевафолик, дейди. Инсон ўз ҳатти-ҳаракатларида эркин эмас, деган нотўғри хулқ-атвор ҳомийлари фикрига қарши ўлароқ Ибн Сино киши доимо эркин ва озод ҳаракат қилиши лозим, ўз ҳатти-ҳаракатлари учун инсонга масъулият, бурч юклатилган, дейди.

Инсонда, дейди у, яхши ва ёмон майллар мавжуд бўлади ва инсон ўз характерини шакллантириб боради, агар яхшилик фазилати мойиллик инсон табиатини ўзаллаштирса, ёмонликка мойиллик эса унинг хулқини тубанлаштиради, яъни маънавий қашшоқликка олиб келади.

Ибн Сино бола тарбиясига оид ўз фикр ва мулоҳазаларини билдирап экан, бола тарбиясини унга исм қўйишдан бошлишни лозим топади ҳамда болаларга яхши, муносиб исм танлашни ота-онанинг дастлабки олиjanоб вазифаларидан ҳисоблайди.

Ибн Сино бола саломатлиги ҳакидаги фаннинг асосчиларидан биридир. Унинг турли асарларида билдирган кўплаб мулоҳазалари фикрнинг чуқурлиги, инсонпарварлиги, таълим тарбиянинг қатор масалаларини ечишга тўғри ёндошилганлиги билан кишини ҳайратга солади.

Алломанинг фикрича, тарбия бергувчининг бутун дикқат – эътибори “боланинг хулқ-атворини яхшилашга, тегишли парваришни амалга оширишга, боланинг теварагида у ёқтиромайдиган бирорта нарса ёки ҳодисанинг бўлмаслигини таъминлашга қаратилиши даркор. Буларнинг бариси икки томонлама наф келтиради: 1) боланинг қалби ёлғиз эзгуликларнигина билади ва унда мустаҳкам, ўзгармас хулқ-атвор шаклланади; 2) хулқ-атворни мана шундай тартибда такомиллаштириш боланинг жисмоний ривожланишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Шу боис, боланинг ҳам ахлоқий, ҳам жисмоний саломатлиги унинг тарбиясига боғлиқ бўлар экан”.

Унинг асосий тамойиллари қуйидагича: Алломанинг фикрича, авваламбор ота ўз фарзандига яхши исм қўйиб, унга ҳам жисмонан, ҳам маънан соглом энага ёки тарбиячи ёллаши лозим. Гўдак эмизикли ёшдан ўтиши биланоқ, отаси у ҳақда қайғуриши, уни нохуш таъсир ва шу каби кўнгилсизликлардан ҳимоя қилмоғи зарур. Бола олти ёшга қадам қўйганда, уни мураккаб бўлмаган вазифа-

ларни бажаришга ўргатиш керак. Бироқ буни, Ибн Синонинг тавсиясига кўра, эҳтиёткорлик билан, болани ҳаддан зиёд зўриқтириб юбормасдан амалга ошириш, боланинг топшириқни бажаришга қизиқиши билан қаршини назорат қилган ҳолда бажариш лозим бўлади. Ибн Сино бундай болаларнинг хулқ-атвори рисоладагидек ривожланиб, соғлом ва бардам ўсишларига ишонч билдирган.

Мактабда фақат яхши муаллимлар ишлашлари керак. Ибн Синонинг фикрича, муаллим мардонавор, ростгўй ва покиза инсон бўлмоғи, бола тарбияси усулларини ҳамда маънавият қонун-қоидаларини мукаммал билиши зарур. Аллома боланинг якка-ёлғиз илм олишига йўл қўйиш мумкин эмаслигига, бу уни баҳтсиз қилиб қўйишига ишонар эди. Болалар бир-бирлари билан ўзаро мулоқотда бўлиб туришлари, бир-бирларидан яхши хулқни ўзлаштиришлари даркор. Муаллим, Ибн Синонинг ҳисоблашича, қуйидаги қоидани ўзлаштириб олиши шартдир: ўқувчини ноҳуш таъсирлардан асрани, унинг хуш аҳлоқли ва вижданли дўстлар билан биргаликда бўлишилигини назорат қилиб туриши керак. У боланинг яхши ҳаракатларини ўз вақтида рағбатлантириб туриши, зарур ҳолларда қаттиқ қўллик кўрсатиши лозим бўлади.

Устоз ўқувчисининг феълини батафсил ўрганиши, унинг акл-заковати хусусиятларини билиб олиши керак. У шогирдининг қобилиятини ўз вақтида пайқаб, уни ривожлантириши лозим, чунончи Ибн Сино болаларнинг бири аклий меҳнатга иштиёқманд бўлса, бошқаси – ҳунарли машғулотларга қизиқишини таъкидлаган. Устоз шуни фаҳмлагандагина, ўқувчидаги иқтидор курсакларини тўғри баҳолаб, унга келажакда касб танлашда кўмаклашиш имкониятига эга бўлади.

Ибн Сино фикрича, болага ёшлигидан бошлаб ёшига мос юмушларни бажаришга ўргатилмоғи лозим. Бунда жуда эҳтиёткорлик билан иш қўриш ҳамда болага керагидан ортиқча иш юкламаслик зарур.

Ибн Сино бола хулқини мўътадилликда сақлашга катта эътибор беради. Бу ўринда боланинг истак ва майлларига дикқат қилиш зарур. Ана шундагина бола ёшликтан яхши хулқли, эс-хушли бўлиб тарбияланади. Бундай тарбия во-ситалар кўлланилмайдиган оиласарда болалар жиззаки, жаҳлдор, қўрқоқ ва заиф бўлиб ўсадилар.

Ибн Сино фикрича, ўқитувчи мард, ҳалол-покиза, одобли, самимий ва хулқи билан намуна кўрсата оладиган бўлиши керак.

Тарбиячи болаларни яхши кўриши, хурмат қилиши, улар билан хушмуомала бўлиши шарт. Агар бола вазифасини яхши бажарса уни ўз вақтида рағбатлантириш, гоҳида мақтаб қўйиш, аксинча бўлганда эса, унга танбех бериш керак. Бола тарбиясида бу ҳолат муҳим ҳисобланади.

Минг йил муқаддам битилган алломамизнинг бу фикрлари баркамол авлодларимизни тўғри йўлга солишга, уларни жисмонан соғлом, маънан етук қилишга, бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг келажагини юксакликка, байробини баланд кўтаришда беназир хизмат килади.

Ибн Сино обод турмушга оид асарларида инсонларни фан, маданият, билим ва маърифатга эга бўлмоқ учун, илмнинг машаққати йўлида оғишмай меҳнат қилиб баркамоллик сари интилишга, ҳар бир муаммоли масалага илмий-назарий ёndoшишга, ростгўй, вижданли бўлишга – хуллас одамийликнинг энг яхши ҳислатларини ўзида акс эттиришга ва инсон деган улуғ номни янада ардоқлашга чақиради.

Ёш авлодга таълим-тарбия бериш масалаларига Ибн Синонинг муносабати қизиқарли ва ибратлидир. Улар жуда илфор ва ҳозирги замон педагогик қарашларига яқиндир. Ибн Сино Шарқ олимлари ичida биринчилардан бўлиб тарбиялаш услублари баёни ва тизимини берган. Бу масалаларга унинг “Тадбир ул-манозил” рисоласи, “Тиб

қонунлари” асари, “Китоб аш-шифо” фалсафий асари ва бошқа кўплаб таърифлари бағишлиланган.

Абу Али ибн Сино асарларида камолотга эришишнинг биринчи мезони-маърифатни эгаллашга даъват этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табият қонунларини очиб авлодларга етказиши керак.

Зеро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам қўркмайдиган, факат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиласидиган бўлади, дейди у фикрини давом эттириб.

Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига кўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди.

“Ҳай ибн Яқзон” қиссасини Ибн Сино 1023 йили Ҳамадонга яқин бўлган Фараджон қалъаси қамоқхонасида ёзган деган маълумотлар тарихий манбаларда учрайди. Қисса араб тилида ёзилган.

Иврит (қадимги яхудий) тилига қиссанинг шеърий таржимасини Ибн Эрза (1174 й.да вафот этган), насрой таржимасини 1886 йилда П.Д. Кауфман амалга оширган. Инсоннинг табиятига хос бўлган ижобий ва салбий жиҳатларнинг таърифига катта ўрин берилган, қиссанинг ўзи эса, умуман инсоннинг маънавий қиёфасига, интизомига, уни номаъкул қилмишларга эргашишдан қайтаришга бағишлиланган. Қиссадаги барча қаҳрамонлар маълум рамзий сиймоларни гавдалантиради: ёш йигит билан бирга Ғарбдан шарққа саёҳат қилаётган қария сиймоси – фаолият кўрсатаётган онг рамзидир. Ғарб деганда моддий олам, яъни инсон танаси, шарқ деганда – инсоннинг руҳий олами, яъни инсон идроки тушунилади. Идрок инсонни ярамас кирдикорлардан огоҳликка чақиради, мантиқ илмини ўрганишга ундейди. Қиссада мантиқни – фаросат (яъни физиогномика) деб юритилган.

Инсон феъл-атворидаги қизиққонлик, мунофиқлик,

таъмагирлик, зулмкорликка, ўғрилик ва алдамчиликка мойиллик, ўзининг ҳаю-ҳавасларини қондириш истаги, эҳтиросларга берилиш, ҳайвоний хирслар – буларнинг барчасини Ибн Сино бузук ниятли “дўстлар” деб атаган. Ибн Сино инсон ўзининг “жиловини” мана шундай “дўстлар”нинг кўлига топшириб кўймаслиги кераклиги ҳақида огоҳлантиради. Инсон доимо улардан юқорироқ туриши, доимо ақл-идроқи доирасида одимлаши лозим – шундагина у ўз дўстларини тўғри йўлдан бошлаб боради. Улар сени ўзларига бўйсундириб олмасларидан аввалроқ, – дейди Ибн Сино, – сен уларни ўзингга бўйсундиришинг лозим.

Ибн Сино бу асарида илм-маърифатни ўрганишга киришгани туфайли кўзи очилгани, натижада Ақл (Ҳайй ибн Яқзон) кўзига кўрингани ва илм унга ўз жамолини намоён этганини хикоя қиласар экан, илм-ақлни ўлим билмайдиган уйғоқ, каримайдиган ёш, бели букилмайдиган – барваста, нуроний сифатида тасвирлайди. Тафаккур қилиб зарур бўлган ва билиши мумкин бўлган нарсаларни ўқишга киришгани, бу йўлда ақлни ишга солиб, фаросатли бўлиб, ўзини ёмонликлардан четлаштирадиган турли хусусиятларини билиб олганлигини қайд этади.

Демак, “Ҳайй ибн Яқзон” мантиқ илмига бағишлиянгани билан ҳам ақлий тарбияда катта аҳамиятга эга. Рисола инсондаги ёмон иллатларни бартараф этишда илму фан, зиёning аҳамияти, инсондаги ақл-тафаккур кувватининг ёмон иллатлардан қутулиши, ўзлигини англаш воситаси эканлиги билан адабий-фалсафий асаргина бўлиб қолмай, тарбиявий асар сифатида ҳам қимматлидир.

Шунинг учун ҳам у одамларга қарата шундай хитоб қилади: “Эй биродарлар! Бир-бирингиз билан самимий дўст бўлиб, ҳақиқатни очинглар. Ҳар бир киши ўз биродари учун кўнглидаги самимийликдан [тўсқинлик] пардасини очиб ташласин. Шундай қилингларки, биродарларин-

гиз сизлардан [ўзи билмаган] баъзи нарсаларни ўргансин ва яна бошқалари [бўлса] баъзи нарсаларни ўрганиб, ўзини камолотга етказсин”.

Демак, Ибн Сино асарлари Ўрта Осиё халқлари педагогик қараашлари, ўрта асрлардаги илм-фан тарихини ва инсонларнинг обод турмуш тарзига қаратилганлиги эътиборга моликдир.

#### **4. НОДИРАБЕГИМ (МОҲЛАРОЙИМ) ИЖОДИДА ОБОД ТУРМУШ**

Адабиёт инсон учун хизмат қилиши керак. Қачонки, ижодкор инсоннинг хис-туйғуларини, орзу-истакларини, муаммоларини қиёмига етказиб акс эттиrsa, шундагина ижодкорнинг асарлари шуҳрат топади, халқ этиборига тушади. Бир сцз билан айтганда, обод турмуш ҳақида ижод қилган ҳар қандай истеъдод эгаси қадр ва эъзоз топиши шубҳасиз. Мумтоз адабиётимизнинг йирик на-моёндаси, ажойиб оила бекаси, садоқатли умр йўдоши, гўзал шоира Нодирабегим – Моҳларойим ана шундай ижодкорлардандир.

Қуръонда «Оллоҳ сенга яхшилик қилганидек, сен ҳам (ўзгаларга) яхшилик қил» (Қасос сураси, 77-оят) дей-илган. Қуръон яхшиликнинг фойдаси – уни уни амалга оширувчининг ўзига ҳам яхшиликлар қайтишини баён қилиб: «Агар чиройли амалларни қилсангиз, ўзингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон, гуноҳ амалларни қилсангиз ҳам ўзингиз учундир» дейди. (Исрo сураси, 7-оят)

Яхши ва савоб ишларни қилишга тарғиб қилиб Оллоҳ айтадики: «Ким бирон чиройли амал қилса, унга ўн баробар қилиб қайтарилур» (Анъом сураси, 160-оят). Демак, бизнинг қатор шоирларимиз, жумладан, Нодирабегим ҳам ушбу таълимотлардан хабардор бўлган, ва албатта, уларга амал қилишга уринган эди.

Нодирабегим ўзи кўпгина савоб ишларни амалга оширган (Нодирабегим девони «Дебоча»сига қаранг) У ўз ғазалларида муҳтоjlарга эҳсон қилишни тарғиб этади. Бу борада ўзининг турмуш ўртоғи Умархонга қаратилган фикрлар ҳам кўплаб учрайди. Шоира хонга инсонпарварлик, инсонга муҳаббат фояларини эслатиб туради. Инсонга яхшилик, раҳм-шафқат қилиш орқали Оллоҳнинг муҳаббатига эришиш мумкинлигини таъкидлаб туради. Маълумки, Каъбанинг таъмири орқали катта савоб олиш мумкин. Нодирабегим Умархонга шуни айтмоқчи бўладики, кўнгли вайрон бева-бечораларнинг кўнглини шод қилиш, яъни хайру-эҳсон қилиш орқали бу савобга эришиш мумкин:

*Гар эса Каъба таъмири муродинг,  
Кўнгул вайронасини айла обод.<sup>1</sup>*

Эҳсон хақида Нодирабегим кўп ғазалларида фикр юритган.

Эҳсон нима ўзи? Эҳсон шундай нарсаки, бой, давлатманд одамлар ўз бойликларидан маълум қисмини бева-бечораларга бериб турганлар. Бу исломда фарз амаллардан ҳисобланади. Эҳсон жамиятдаги тенгсизликнинг йўқолиши учун, инсонларнинг бир-бирига ёрдам бериши учун фарз қилинган. Нодирабегим ҳам ёринингadolатли, карам қилувчи бўлишини истаб унга доим эҳсон қилишни эслатиб турган:

*Бўйлаким мумтоз эрурсен барча сultonлар аро,  
Шод қилгил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб.*

Биламизки, анъанавий ўзбек ғазалчилиги ва муҳаммаси воқеа-ходисаларни ҳикоя қилмайди. Ғазалчиликнинг жанр хусусиятлари воқеани бутун борлигича акс эттиришга мослашган эмас.

Муалиф мумтоз адабиётимизнинг лирик тури жанрларида асар яратар экан, воқеанинг ўзидан ҳам кўра ўша

<sup>1</sup> Нодира. Асарлар. 2 жилдлик, Ж.1. Тошкент. 1968, 154-бет.

воқеанинг мазмуни-моҳиятига нисбатан ўз муносабатини билдиради. Воқеа аниқ бўлмаса, у ҳақдаги муаллиф мулоҳаза ва ҳукмини китобхон қандай қилиб аниқлайди ёки англайди? Муаллиф ниҳоятда ихчам ҳажмда, ишоралар билан воқеанинг мағзини маълум қилади, кейин эса унга муносабат билдиради. Ўқувчи бундан ўзига хос хуласалар чиқариб олади. Тадқиқотчи эса оддий ўқувчи кўра олмайдиган, айтиш мумкинки, “ҳарир парда” орқасида турган нарсалар, содир бўлаётган ва содир бўлиши мумкин бўлган воқеаларни ўзининг билими, тажрибаси, илмий-ҳаётий мушоҳадаси туфайли кўради. Адабиётшунос Бузникнинг қуйидаги фикрлари бизнинг мақсадимизнинг тўлалигича аён бўлишига ёрдам беради: “Адабиёт оддий иллюстриация ҳам, воқеаларнинг кўчирилган нусхаси ҳам эмаслиги аллақачонлар исботланган. У тирик мавжудотга ўхшаб бизни ўраб олган дунёнинг таассуротлари билан озикланади, уни қайтадан ишлаб чиқариш учун дунё ташвишларини ўзиникига айлантиради. Афтидан, шунинг учун ҳам ҳаёт воқеа-ҳодисаларини акс эттиришини адабиётнинг бош ўзига хос хусусияти деб тушунишлар мағлубиятга учрайди. Бу ерда муҳим нарса тарихий даврнинг етакчи ғоялари билан бадиий ижоднинг ички ҳамоҳанглигини кўра олишдан иборатdir”.

Демак, шоира ўз даври ҳаётий воқеаларига ўзига хос муносабат билдиранг. Шу муносабатдан шоиранинг дунёқарashi ва ижодий усули келиб чиқади. Яъни, одамлар ҳамма вақт бир-бирларига нисбатан ғамхўр ва меҳрибон бўлишлари керак. Савоб олишнинг энг яхши йўли эса муҳтоҷ ва ночор одамларга ғамхўрлик қилишdir. Масалан, шоира Умархон ҳукмронлиги даврида вилоятнинг жаннат боғи сингари обод ва фаровон, гўзал ва осойишта эканлигини айтиш билан хоннинг ўзини мана шундай ҳолатни келтириб чиқаришга даъват этмоқда. Шу боисдан, шоира тасдир санъатини қўллаб, “вилоят” сўзини

ҳар икки мисрада фаровонлик ва ободончиликка боғлаб келтиради. Кўриниб турибдики, шоира Нодирабегимнинг яшашдан мақсади, ҳаётининг мазмуни яратган асарларининг ғояларида яққол кўриниб туради. Нодирабегим асарларида савоб иш қилишга ундаш, инсонпарвар бўлиш хақидаги ғоялар инсоният учун абадий ғоялардир. Бундай ғоялар ҳар бир даврнинг ақли зукко кишиларига кўпгина умуинсоний қадриятларни эслатиб туради. Жумладан, шоира қарашлари ва интилишлари, мақсадлари билан мамлакатимиз Президентининг мақсадлари муштарак эканлиги 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва тиббиёт ходимлари йили» деб аталишида ҳам кўриниб туради

Ҳамма асрларда ҳам фуқаро одил ва оқил ҳукмдор бўлишини истаган, шуни худодан тилаган, ҳокимият тепасига келган ҳукмдорга зафар ва соғлик тилаб туришган. Ҳамма ҳам бир хил даражада ҳаёт кечириши мумкин эмаслигига бугунги кунда ишонч ҳосил қилдик. Турли сабабларга кўра бечоралдикда яшаётганларга худонинг ўзи раҳм қилиб туради, деб тушунган Нодирабегим. Ана шу марҳаматнинг кўринишларидан бири улар дуосининг худога мақбул бўлиши ва бунинг эвазига давлатмандларнинг бечораларга эҳсонларидан иборат. Қуйидаги сатрлар фикримизнинг далилидир:

*Иқболу давлатини ҳақдин тилаб раият,*

*Мақбул эрур худога бечоралар дуоси.<sup>1</sup>*

Пайғамбаримиз ҳадислари билан таниш бўлган одам мазкур байтни ўқиса, беихтиёр қуйидаги ҳадис ёдига тушади ва муқаддас Қуръон, ундан келиб чиқиб ҳадислар қанчалик буюқ инсонпарварлик асосида юзага келганлигидан ҳайратланади: “Зулмланаётган кишининг қарғишидан сақланинглар. Зеро, унинг дуосини тўсадиган парда йўқ, агарчи коғир бўлса ҳам.<sup>2</sup>

<sup>1</sup> Нодира. Асарлар. I жилд, Т., 1968, 260-бет.

<sup>2</sup> Мухаммад пайғамбар киссаси. Ҳадислар. Т., “Камалак”, 1991, 53-бет.

Шоиранинг юқоридаги мисралари ўзининг равонлиги, сўзларнинг бир-бирига ёпишиб, боғланиб келаётгани байт мазмунининг ғоят инсонпарварона эканлигига қўшилиб, бир бутун нафосат бирлигини ташқил этган. Бунда, албатта, шоира қўллаган таносуб санъати (ҳақ-худо, раият – бечоралар, иқбол – давлат)нинг ҳам роли бор.

Нодирабегимнинг бутун ижодий фаолияти силсиласида узлуксиз давом этган ғоялардан бири муҳаббат, вафою садоқатни улуғлаш бўлса, иккинчиси – турли шаклларда ифодаланиб, бутун бир яхлитликни ҳосил қиласидиган – инсонпарварликдир. Умархон тириклигига инсонпарварлик ҳамиша Нодирабегимнинг хаёлини банд этиб турган. Турмуш ўртоғи хонни мақтаса, инсонпарварлик ёки адолат қилгани учун мақтаган; ундан салгина норози бўлса, гина қилса, инсонпарварликни салгина унутиб қўйгани учун гина қилган ва унинг ёдига тушириб қўйишни истаган. Бунинг учун энг аввало, шоҳни мақтаб, қўнглини юмшатган, худони эслатиб, яратгувчининг олдидағи қарзини ва Аллоҳнинг қаҳри ҳам меҳрини ёдга солмоқчи бўлган:

*Эй яхшиларнинг шоҳи, ҳақ сенга ёр бўлгай,  
Давлат бўлиб зиёда, умринг ҳазор бўлгай...<sup>1</sup>*

Юқоридаги сатрлар олинган банднинг навбатдаги мисраси бизни чуқурроқ ўйлашга мажбур қиласиди. Аввал шу сатрни ўқийлик:

*Баддоҳлар ҳамиша оламда хор бўлгай.<sup>2</sup>*

Бу сатрнинг ўзига хос ҳикматли сўзлардек жаранглётганини сезиш қийин эмас. Яъни “бировга чоҳ қазисанг, ўзинг тушасан” деганларидек. Аммо бизнингча, шоира ушбу ўринда умумий дидактик фикрни билдиришни ўзига мақсад қилиб олмаган. Аслида автор икки вариантдаги фикрни англатмоқчи бўлган: 1. Сенга ёмонликни кўзлаётгандарга ҳам сен дарҳол ёмонлик билан жавоб қайтараман демагин. Уларнинг жазосини, албатта, ху-

<sup>1</sup> Нодира. Асарлар. I жилд, Т., 1968, 260-бет.

<sup>2</sup> Ўша жойда.

донинг ўзи беради. 2. Сен ҳеч кимга нисбатан ёмонлик қилмагин. Чорасиз, кучсиз одамлар сенга жавоб қайтара олмасликларини билиб турсанг ҳам, уларни жазолама, қийнама. Акс ҳолда худонинг ўзи бир кун сени хор қиласи. Ҳатточи душманларингга ҳам зулмни кучайтирганин. Сўнгги жумладаги фикримизни эса навбатдаги сатр тасдиқлайди:

*Хар кимки бўлса душман, мардуди зор бўлгай.*

Банднинг охирги сатрида шоиранинг бутун дунё-қарашидаги асосий ва етакчи фоя ўзининг ифодасини топган:

*Адол айлабон карам қил, шулдир ҳудо ризоси,<sup>1</sup>*  
яъни худони рози қиласман десанг, энг аввало адолат билан иш юритгин, раҳм-шафқатли бўлгин. Демак, шоира ўзига таниш ёки нотаниш бўлган минглаб одамларнинг тақдирни, ҳаёти учун қайғурмоқда. Зотан, “инсонпарварликнинг энг асосий шаклларидан бири–инсон учун курашмоқ, уни жамият учун сақлаб қолмоқ, ниҳоят, уни жамиятга қайтариш учун курашмоқдан иборат. Тағин нима ҳам бу вазифадан юксакрокква олижаноброқ бўлиши мумкин”.<sup>2</sup>

Шарқда маълум ва машҳур бўлган айрим дидактик қарашлардан, ифода услубларидан шоир бўлган Умархон бехабар бўлган деган фикрни айтиш нотўғри бўлади. Аммо инсон табиати шундай: у кўпгина нарсаларни айрим ҳолатларда унтиб қўяди, одамга вақти-вақти билан эслатиб туриш ҳам зарур. Калби инсонпарварлик гоялари билан тўлган шоира шунинг учун ҳам шоҳ Умархонга жуда катта савоб олишнинг энг қулай йўлини кўрсатиб туради. Каъбани зиёрат қилишдан ташқари, уни таъмир этиш улкан савоб бўлса, худди ўшандай даражадаги савобга хон ўз пойтахтидан чиқмасдан ҳам истаган пайтида эришиши мумкин:

<sup>1</sup> Ўша жойда.

<sup>2</sup> Мединский Г.А. Гуманистические борьбӯ за человека. Каранг: Гуманизм и современная литература, М., 19636 с. 334.

*Гар эса Каъба таъмири муродинг,  
Кўнгул вайронасини айла обод.<sup>1</sup>*

Ўзбек мумтоз адабиётининг таникли вакиллари Навоий, Хўжа, Машраб ва бошқаларнинг инсон кўнглиниң ҳамма нарсадан нозик ва эътиборга лойиқ эканлиги ҳақидаги нодир фикрларини ёдимизга тушириб олиб айтамизки, Нодирабегим уларнинг мана шу ажойиб анъаналарини давом эттирас экан, фикрларнинг мағзини шундайича тақрорлагани йўқ. Балки унга янги фикр қўшди, кўнгилнинг буюклиги ва қимматлигининг таърифини оширди. Бу Каъбани зиёрат қилиш сингари анъанавий фикрнинг ривожлантирилиб, уни таъмирлаш билан алмаштирилишидир.

Йиллар ўтиши билан ва ҳаётий воқеа-ходисаларга боғлиқ ҳолда Нодирабегимнинг Умархон ҳукмронлик фолиятига нисбатан бўлган талаблари анча қатъйлашиб борган. Шоиранинг аксар шеърларида Умархон энг гўзал, энг баҳодир, энг шавкатли, энг саодатли ва адолатли ҳукмдор сифатида ёдга олинган. Ёдга олинган дейишмизнинг боиси шуки, шоиранинг Умархон ҳақидаги асарларининг асосий қисми унинг вафотидан кейин яратилган. Аммо шуни ҳам айтмоқ лозимки, Умархон тириклик пайтида Нодирабегим ундан инсонпарварликнинг турли шаклларида фаолият кўрсатишни талаб қилган. Масалан:

*Бўйлаким, мумтоз эрурсан барча султонлар аро,  
Шод қилгил бандаларнинг кўнглини эҳсон этиб.<sup>2</sup>*

Демак, шоҳ ўзининг бахти, омади, шон-шуҳрати, ақли ва казоларлар билан мағрурланиб кетиб, бир нафасга ҳам халқни унтишга, худони унтишга ҳақли эмас. Чунки бандаларни шод қилиб туриш савоб ишларни амалга оширишнинг бир кўринишидир. Савобли иш қилиш эса худони унумаганликнинг боисидир. Агар бир бечоранинг кўнглини шод қилиш Каъбани зиёрат қилиш билан

<sup>1</sup> Нодира. Асалар, 1-жилд, 154-бет.

<sup>2</sup> Нодира. Асалар, 1-жилд, 84-бет.

тенглигини назарда тутсак, шоира подшоҳ Умархонга савоб олишнинг инсонпарабрлик билан амалга ошадиган вариантларини таклиф этаётганлигини аниқ англаймиз.

Инсон кўнглининг Каъбага тенглаштирилиши ҳақидаги ва унинг муқаддаслиги ҳақидаги дастлабки фикрлар Саъдий ва Жалолиддин Румийга, унинг устози ва дўсти Шамсиддин Табризийларга қарашли эди. Жумладан, Шамсиддин Табризий инсон кўнглининг эътиборга сазовор эканлигини қўйидагича асослайди: “Ҳамманинг юзи Каъбага ўгирилган. Каъбани олиб қўйсанг, маълум бўладиким, инсонлар бир-бирларининг қалбига сифинур. Бирининг қалби бошқаси учун саждагоҳ”<sup>1</sup>. Мазкур асарнинг қиммати ва аҳамияти ҳақида И.С.Брагинский шундай ёзган эди: ”Бу китоб Жалолиддин Румийнинг кенг қўламли ижодини, унинг жаҳон поэзиясига қўшган хиссасини ўрганишда, Румий шеъриятини англаш ва ҳис этишда яхши бир дебоча бўлиб хизмат қила олади. Бу хизматига яраша ҳали етарлича оммалашмаган буюк шоир ҳақида рус тилида ёзилган биринчи китоб”<sup>2</sup>.

Мухтасар айтганда, мумтоз мутафаккирлар ижодида обод турмуш, аксарият ҳолларда одамийлик сабоқлари билан биргаликда тараннум этилади. Шу боис, гап адабиёт ҳақида кетганда, албатта, обод турмушнинг руҳий-ахлоқий жиҳатлари кўпроқ назарда тутилажагани ёдда тутмоқ лозим...

---

<sup>1</sup> Радий Фиш. Жалолиддин Румий. Тарихий-биографик роман. Т., 1986, 189-бет.

<sup>2</sup> Ўша китоб, 206-бет.

## 5. ЮКСАК ПОКИЗАЛИК АХЛОҚ ОБОД ТУРМУШ АСОСИДИР

### Эссе

*Кел эй инсон, агар бўлсанг чин эрдек,  
Оғирлик пеша қил дунёда ердек.*

*Сўфи Оллоёр*

Ўзбек фалсафасининг шаклланиши ва ривожланишида исломий дунёқараш ва фалсафанинг, бир сўз билан айтганда, тасаввуф таълимотининг ўрни катта. Бунда муқаддас динимизнинг мўътабар китоби “Куръони Карим”га таяниб, янги бир фалсафий-эстетик таълимот илгари сурилади. Ушбу китоб жаҳон маданиятининг ҳақиқатан ҳам буюк тарихий-адабий, ғоявий-аҳлоқий ва бебаҳо бадиий-эстетик бойликлари жумласига киради. Мусулмонлар ва илохиётчилар ўзлари ҳаётда дуч келаётган масала ҳамда муаммоларга Оллоҳнинг китоби – “Куръони Карим”дан жавоб қидирадилар. Унинг сирлари ва Шариат қонунлари диндор-мусулмонлар ҳаётининг асосини белгилаб беради; чунки Шариат – Куръонда баён этилган Ислом дини умумий қоидаларига асосланган, мусулмон ҳукуқларининг мажмуасидан иборатдир.

Пайғамбаримиз Мұхаммад Мустафо с.а.в. (570-632) Худонинг яккаю ягоналигини ваъз этган ва у бу билан бутпарастлик урф-одатларини йўқ қилишга астойдил интилган, провардида ўзаро қонли урушлар чиқишининг олдини олишга, араб ҳалқи бирлигини янги дин орқали мустаҳкамлашга уринади. 630 йилнинг охирига келиб, қарийб бутун Арабистон Ислом динини қабул қиласи, яъни Ислом Арабистонни бирлаштиришнинг иқтисодий, сиёсий, этник ва маданий омилига айланади.

Ислом дини барча ишларда меъёрнинг бузилишига қарши, шунинг учун ҳам оз сонли байрамларни тан олади ва уларни камтарона ўtkазиш зарур, деб хисоблайди.

Масалан, баҳорда кун ва туннинг тенглашган пайти – Наврӯз байрами Эрон, Афғонистон ва Марказий Осиёда зардӯшийликкача бўлган даврларда ҳам кенг нишонланган. Рамазон ойида Рўза тутиш йил мобайнида гуноҳларни ювишнинг энг яхши воситаси ҳисобланган ва бу Ислом динининг асосий ғояларидан бирини (маънавий жиҳатдан камол топтириш ғоясини) ўзида акс эттиради. Рўза байрами ҳам умуммусулмон байрами ҳисобланади. У рўза тугагач, байрам қилинади. Бу байрамда ҳар қайси диндор ўтган рўза давомида адо этилган ишларга сарҳисоб қилиши, садака бериши, ўлганларни хотирлаши, азизавлиёлар қабрини зиёрат қилиши лозим. Ҳаттоки, гайри динга мансуб, аммо муҳтож одамларга садака бериш ҳам кўзда тутилади.

Қуръон яхши сўз ва амаллар билан одамларни бирбирига ёрдам беришга чақиради, бирор кимсага ёмонлик қилишни эса нафақат раво кўрмайди. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Қуръон, шунингдек Муҳаммаднинг ҳадислари (мукаммалроқ ҳолда Имом ал-Бухорий томонидан ёзиб олинган ва тартибга солинган. Унинг “Ал-Жомеъ Ас-Саҳиҳ” (“Ишончли ҳадислар”) ва “Саҳиҳ Ал-Бухорий” (“Ал-Бухорийнинг ишончли ҳадислари”), шунингдек унинг шогирди ат-Термизий томонидан битилган ҳадислар) анъанавий ҳукуқий-ахлоқий, хулқ-атвор меъёрларигагина эмас, балки оилавий-турмуш муносабатлари, диндорларнинг шахсий ҳаётига, шунингдек давлат қонунчилигига, ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига ҳам катта таъсир кўрсатди.

Марказий Осиё ҳалқлари, Яқин ва Ўрта Шарқда VIII–IX асрларда ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётга исмоилийлар, қароматиyllар, жабарийлар, қадарийлар, хорижийлар, мурижийлар ва мұтазилийларнинг мафкуравий ва диний фалсафий қарашлари салмоқли таъсир ўтказди.

Бундай олиб қараганда, шароит тақозоси билан баъзи пайларда ворислик таъсири кучли бўлганлигини, айрим ҳолларда эса биз қўриб чиқсан зардўштийлик, Авесто ва Куръонга – шарқ, араб, араб тилида сўзлашадиган ҳалқлар, мусулмон ва ўзбек фалсафасига алтернатив боғлиқ ҳолдаги, шунингдек маълум даврларда қисман ўхшашликдан то айнан ўзини такрорлаш даражасида ги ўхшашликни сўфийликнинг турли диний-фалсафий оқимларида ҳам қўрамиз. VIII асрда ҳозирги Эрон, Ироқ ва Сурия минтақасида туғилган бу таълимот шимолий-гарбий Африкадан Хитой ва Индонезиянинг шимолий чеккаларигача тарқалди. Сўфийлик ўтмишдагина эмас, балки ҳозир ҳам кўпчилик Шарқ ҳалқларининг диний, умуман олганда эса, маънавий ҳаётида ҳам муҳим роль ўйнамоқда.

Сўфийлик – тасаввуф, бу – форс ва араб тилларидан таржима қилингандан, «мусаффолик», «аниқлик», «шаффоффлик», «самимилик», деган маъноларни англатади. Сўфийликнинг пайдо бўлиш сабаблари қўйидагича:

- 1) Халифат томонидан уюштирилган босқинчилик урушларига нисбатан мафкуравий жавоб бериш; ҳаётда қарама-қарши манфаатлар тўқнашувидан қочиш;
- 2) Қалбда севгини сақлаган ҳолда, Аллоҳга йўл топиши, Инсоннинг маънавий покланиши ва такомиллаши орқали Аллоҳни таниш;
- 3) Борлиқдан ва ўзлигидан қочиш эмас, балки ўзлигини ўзгартириш, ўткинчи эмас, барқарор тажриба орттириш.

Шуни чамалаб айтиш мумкинки, бу сабабларнинг барчasi, эҳтимолки, яна бошқа сабаблар ҳам сўфийликнинг вужудга келишига олиб келган бўлса ажаб эмас. Боз устига бу нооддий таълимотнинг 12 тадан зиёд оқими мавжуд. Сўфийлик соҳасида йирик олим Е.Э.Бертельс ҳам худди шундай фикрни қўллаб-қувватлаб бу таълимотга «исталган концепция, исталган дунёқараш тааллуқли бўлиши мумкин», – деган эди.

Пантеизм сўфийликнинг қўпчилик оқимлари учун фалсафий асос бўлиб ҳисобланади, яъни ҳамма нарсанинг заминида Аллоҳ мавжуд ҳамма ерда ҳам – Аллоҳ! Аллоҳ ва борлиқни бирдай, деб билиш сўфийликда бир хил талқин қилинмасди. Аммо бу оқим бир тамойилга асосланарди: «Борлиқ, бу – Худо» демақдир. (ваҳдати вужуд), яъни «ҳақиқат бирлиги».

Сўфийликнинг асосий муаммолари: борлиқ, инсон ва худо, табиат, космос, мавжудот (реаллик), билиш, ўзлигини англаш, ахлоқий-этник муаммолар, хусусан ўзлигини такомиллаштириш.

Диний-фалсафайи таълимот сифатида сўфийлик учун қуйидаги вазифалар фоят муҳимдир:

1. Муросасозлик: ижтимоий ноодилликка, эзишга, зўровонликка қарши чидашга, озигина нарсага ҳам қаноат қилишга чақирилади, аскезлар;

2. Худони, борлиқни, Инсонни шу жумладан, инсон томонидан ўзини-ўзи англаш (ўзлигини англаш);

3. Мусулмон динини ислоҳотлаш йўли билан ҳаётни ижтимоий жиҳатдан тартибга солишга эришиш;

4. Турли динга сифинадиган халқлар тенглигини тасдиқлаш;

5. Ибодат қилиш, диний маросим воситалари (рухий, жисмоний машқлар, гипноз, зикр ва ҳоказо) дан фойдаланиш. Улар якка тартибдаги интеграция ва ижтимоий барқарорликка эришиш воситалари ҳисобланган<sup>1</sup>.

6. Диний-ахлоқий жиҳатдан ўз такомилига эришиб худони маънан англаш;

Ўз-ўзини англаш ва ўз-ўзини такомиллаштиришнинг асосий босқичлари, деб қуйидагилар ҳисобланарди:

1) Шариат – умуммусулмон диний қонуни;

2) Тариқат – худони қидиришнинг сўфийча йўли;

<sup>1</sup> Қаранг: Тримингем Дж. С.Суфийские ордена в исламе,-М-, 1989.

3) Маърифат – яккаланиш зарур бўлганда билишга эришиш;

4) Ҳақиқат – худони, ҳақиқатни мистик йўл билан англаш, худони кўриш, худога сингиб кетиш.

Қадим замонларда, айниқса ўрта асрларда, Марказий Осиё халқлари – ўзбеклар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар ва қозоқларнинг маданияти Ўрта Шарқ, Эрон туркий халқлари маданияти жумласига кирган, улар орқали шимолий-гарбий Ҳиндистон, шунингдек Кушон подшолиги маданияти, Бактрия орқали эса эллинизм маданияти билан чатишиб кетди.

Янги дунё дини – исломнинг шаклланиши фақат илоҳиёт илмининг ривожланишида ижобий рол ўйнаб қолмай, балки табиий фанларнинг шаклланишига ҳам маълум даражада замин ҳозирлади.

VII-VIII асрлар оралиғидаёқ илк илоҳиёт тўғараклари ва мактаблари пайдо бўлди. Уларда диний таълимотнинг турли масалалари юзасидан баҳслар, мунозаралар ўтказилар эди. Куръони каримни ҳар қандай фаннинг илк ва ягона асоси деб ҳисоблаган ислом дини уламолари бир қанча диний таълимотлар ишлаб чиқдилар. Уларнинг асосийлари ўша даврда фикҳ ва қалом эди.

Фикҳ (араб. – тушуниш, билиш) – мусулмонларнинг хулқ-автор қоидалари тўғрисидаги ислом ҳуқуқшунослиги, ислом дини ижтимоий меъёрлари мажмуаси. Куръон сунна, ижмо ва қиёсга асосланади. Фикҳда мусулмон ҳуқуқининг асослари ва илк манбалари асосида кўриб чиқилади. Шарият қонун қоидаларини ишлаб чиқиши билан шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳаси бўлган фикҳда ҳар бир мусулмоннинг бутун ҳайтини бешикдан қабргача назорат этувчи ислом ҳуқуки нормалари, ахлоқ қоидалари, диний йўл-йўриклар ўз аксини топган.

Қалом (араб. нутқ, сўз) – ислом илоҳиёт илми. IX асрда пайдо бўлган ва таниқли илоҳиётчи ал-Ашъарий (873-

935) томонидан асос солинган. Унинг фикрича Аллоҳ инсонга хос (антромуорфик) хусусиятга эга. Калом ислом диний таълимотини асослашга ҳаракат қиласи. Калом тарафдорлари диний ақидаларни рационалистик асосда талқин қилишга карши чиққанлар. Энг қадимги таъриф Абу Наср Форобийга тегишли бўлиб, у: «Калом синоати илиа миллатнинг асосчиси айтган чегараланган гап ва ишларга нусрат берилур ва унга хилоф қилган барча сўзларни бехудага чиқарилур», деган<sup>1</sup>.

Оқиллар наздидаги ета олиш мумкин бўлган чўққи бу ҳалол, пок ва муносиб яшашдир. Бизнинг аждодларимиз ана шундай ҳаётдан қониқиш ҳосил қилганлар, шукrona айтганлар. Шунинг учун биз тарихимиздаги бу буюк зотлар ҳаётини ўрганамиз. Тасаввуф илмининг алломалари «лўқмаи ҳалол» қоидасига қатъий амал қилганлар. Масалан, Аҳмад Яссавий дехқон, Шайх Иброҳим Ажарий ғишт терувчи, Шайх Абулҳасан дурадгор, Ҳазрати имом номи илиа машҳур бўлган Қафвол Шоший моҳир қулфоз уста бўлган.

Мухтасар килиб айтганда, тасаввуф фалсафаси юртимизда обод турмуш тарзининг шаклланишида муҳим омил ҳисобланади. Кейинги йилларда бир қатор файласуфларнинг асарларида айни жиҳат чуқур тадқиқ этилмоқда, ўрганилмоқда. Мустақиллик йилларида республикамиз тасаввушунослиги орттирган тажриба ва эришган ютуқлар ҳақида тўхталар эканмиз бунда маълум даражада И.М.Мўминовнинг ҳам хиссаси бор эканлигини эътироф этмоқ зарур. Зоро, аллома марксистик методология хукмонлиги даври тазийиқларига қарамасдан тасаввуф Марказий Осиё ҳалқлари ижтимоий-фалсафий тафаккурида ўзига хос ўрин эгаллаганлигини, худуддаги тасаввуфий тариқатларнинг тарихий-ғоявий илдизлари Ибн ал-Арабий таълимотига бориб тақалишини таъкидлаган эди.

<sup>1</sup> Қаранг: Ислом. Энциклопедия. – Т., «ЎзМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 134 б.

Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қараашлари бутун дунёни ҳайратга солиб келган. Айниқса туронзаминда камол топган улуғ олимларнинг ахлоқий қараашлари, китоблари, ҳаётий ақидалари ҳар қанча эътироф лойиқ ва ибрат олишга арзигуликдир.

Олима Г.Ж.Туленова фикрича, “Ахлоқ жамият ижтимоий ва маънавий тараққиётининг зарурий маҳсулидир”<sup>1</sup>. Шунингдек, инсон фалсафаси хусусида тадқиқот олибборган файласуф-олим А.Чориев ахлоқни шахс мустақилигини таъминловчи энг муҳим ижтимоий фазилатлар тарзида куйидагича таснифлайди:

- Ақлий зукколик;
- Ахлоқий поклик;
- Ҳуқуқий камолот;
- Меҳнатга ҳалол муносабат;
- Сиёсий етуклик;
- Маданий савия<sup>2</sup>.

Умуман олганда, ахлоқ ва ахлоқшуносликкка оид қараашлар Шарқу Фарбнинг етук олимлари, адиллари, давлат ва жамоат арбоблари ижодида ўзининг теран ифодасини топган<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> Г.Ж.Туленова. Маънавий етуклиқдан ижтимоий фаоллик сари. Т.: “Алокачи”, 2008, 100-саҳифа.

<sup>2</sup> Қаранг: А.Чориев инсон фалсафа. 2-китоб. Мустақил шахс. Т.:”Чино энк”, 2002, 133-220-саҳифалар.

<sup>3</sup> Афлотун. Қонунлар. Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 452 бет; Аристотель. Никомахова этика. Сочинения: В 4 т. Москва: Мысль, 1983. Т.4; Конфуций. Суждения и беседы. Москва: Издательский дом Азбуки классики, 2006; Кайковус. Қобуснома. Тошкент: Истиқлол, 1994. 173 бет; Абу Ҳомид Фаззолий. Тавба китоби. Тошкент: Мовароуннахр, 2003. 148 бет; Мухаммад ибн Абубакр. Ҳадиси Усфурий. Тошкент: Faфур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашиёти, 1993; Навбаҳорий Сайф уз-Зафар. Дурр ул-мажолис. Тошкент: Мерос, 1992. 160 бет; Низомулмулк. Сиёсатнома ёки сиyr улмулк. Тошкент: Адолат, 1997. 256 бет; Носируддин Бурҳониддин Рабғузий. Қисаси Рабғузий. Тошкент: Ёзувчи, 1990. 240 бет. Ризоиддин ибн Фахруддин. Насийҳат. Тошкент: Чўлпон, 1993. 96 бет;

Мазкур эссе орқали Шарқ мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари таҳлил қилинади. Аммо шу ўринда бир нарсани таъкидлаш жоизки, ўша кезларда алоҳида, маҳсус ахлоқшунослик, ёинки, одобнома деган фан бўлмаган. Шу боис, кўпгина мутафаккирларнинг бу борадаги қарашлари асар катида келади. Маҳсус шу мавзуга бағишиланган асарлар қарийб учрамайди.

Эсседа фалсафа фани ва таълимида ҳали нисбатан кам ўрганилган бешта мумтоз сиймо – Фаззолий, Нажмиддин Кубро ва Ҳувайдонинг ахлоқий қарашлари имкон қадар ўрганиб чиқилди. Бунинг сабаби шуки, Шарқ мутафаккирларининг айнан мана шу вакилларини ижоди ва мероси фалсафий фанлар тизимида, инчунун, ахлоқшуносликда кам ўрганилгандир.

## **1. Имом Ғаззолийнинг ахлоқий қарашлари.**

Шарқ фалсафаси асрлар давомида инсоният маънавий-руҳий, ахлоқий камолотини юксалтиришга хизмат қилиб келади. Жаҳонга донги кетган шоҳ асарлар, мумтоз адаби-

---

Саҳихи Бухорий. Тошкент: Узбекистон миллий энциклопедияси, 2008. 1-китоб. 712 бет; Саҳихи Бухорий. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.2-китоб. 624 бет; Бурхониддин ал-Марғононий. Ҳидоя. 1 том. Тошкент: Адолат, 2000. 48 бет; Аҳмад Яссавий. Ҳикматлар. Тошкент: Faafur Fулом нашриёти, 1991. 256 бет; Умар Ҳайём. Наврӯзнома. Тошкент: Меҳнат, 1990. 80 бет; Форобий Абу Наср. Фозил одамлар шаҳри. Тошкент: А Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти. 1993; Фаридиддин Аттор. Мантиқи ут-тайр. Тошкент: Faafur Fулом нашриёти, 2006. 248 бет; Фаридиддин Аттор. Илоҳийнома. Тошкент: Ёзувчи, 1994. 96 бет; Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Ал-Бухорий. Ҳадис - Ал-жомиъ ас-саҳих-и шонарли тўплами. Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти. 1991. 560 бет; Абу Исо Термизий. Саҳихи Термизий. Танланган ҳадислар. Тошкент: Faafur Fулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1993. 208 бет; Имом ат-Термизий Шамоили Мұхаммадия. Тошкент: Меҳнат, 1991. 112 бет; Абу Райхон Беруний. Феруз. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 96 бет; Абу Райхон Беруний. 100 ҳикмат. Тошкент: Фан, 1993. 10-бет.

ётимиз дурдоналари, ғазаллар, ишқ-муҳаббат қиссалари акс эттирилган достонлар, диний ва дунёвий илмларни ўз ичига қамраб олган аждодларимиз қолдирган хикматлар хазинаси, буларнинг барчаси илдизи жуда чуқур, ўзаги мустаҳкам бўлган Шарқ олимлари таълимотидан баҳра олган десак, муболага бўлмайди.

Асримизнинг етук Шарқшунос олими, нақшбандия тариқатининг намоёндаларидан бири профессор Маҳмуд Асьад Жўшон шундай деб таъкидлайди: “Тасаввуф тафсир, ҳадис, калом, ақоид ва фикҳ илмлари каби шаръий илмдир. Қуръон ва ҳадисдан олинган зоҳирий фикҳга муқобил ботиний фикҳ илми, қалб аҳволи илми, нафсни поклаш илмидир. Тасаввуф нафсни тарбиялашдир: соғлом ирода, гўзал хулқ, солиҳ амалдир”.

Яқин-яқингача биз тасаввуф нима эканлиги ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмасдик. Давлатимиз мустақилликни кўлга киритгандан бери қисқа муддат ичидан ислом тасаввуфи тарихи, Шарқ мамлакатлари ҳамда ватанимизда яшаб ўтган буюк авлиёлар ҳамда солиҳ кишилар ҳаёти ва фаолияти, маданий ва маънавий меросига бағишлиланган жуда кўплаб китоблар, рисолалар, бадиий-илмий асарлар нашр қилинди. Илм-фан йўлидаги бундай силжишлар, самарали фаолият халқимизнинг жуда катта қизиқиши ва эътиборини ўзига жалб қилди. Айниқса, зиёлиларимиз, Шарқшунос олимларимиз бир қанча илмий-тадқиқот ишлари, лойиҳалари устида изланишлари натижасида жуда яхши натижаларга еришдилар.

Ҳозирги кунда юксак маънавиятли, ахлоқий баркамол инсонни тарбиялаб, вояга етказишда тасаввуфнинг илмий-назарий ғояларини чуқур ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки, Жўшон ҳазратлари таъкидлаб айтганларидек, ”Тасаввуф худбинлик эмас, инсониятга ғамхўрлик, раҳмдиллик, муҳаббат ва хизматдир. Сўзамоллик эмас, самимият, ихлос ва хикматдир. Кўнгул поклиги, маъри-

фат юксаклиги ва амали солиҳ ишлаб чиқариш корхона-  
сидир. Разил эмас, гўзал ҳолдир, тошга гул, заҳарга асал,  
кўзларга нур, кўнгулларга сурурдир”<sup>1</sup>.

Инсон ҳар жиҳатдан тарбияга, парваришга мухтож.  
Ахлоқий тарбияга бефарқ бўлиб, ўз ҳатти-харакатларини  
мунтазам кузатмаслик натижасида нафс издан чиқиши  
ва ўз эгасини халокатига сабабчи бўлиши мумкин экан-  
лиги ҳаёт тажрибасида кўп бор кузатилган. Аммо нафсни  
жиловлаш ва тарбиялаш осон иш эмас. Ҳудди асов отни  
жиловлаб олиб, ўзига бўйсундириш қанчалик машаққат  
туғдирса, инсон ўз нафсини қалби ва ақли итоатида тути-  
ши унданда мураккабдир.

Ўрта асрда яшаб, ижод этган Хуросонлик буюк аллома  
шайх Имом Фаззолий бу хусусда шуни таъкидлаб ёзади:  
“Нафс ва ахлоқ тарбияси жиддий ва мушкул иш. Ҳатто  
ғайрати жўш уруб турган баъзи ботирлар ҳам бу меҳнат  
кархисида ожиз. Тасаввур ўй-фикрлари қусурли бўлгани  
учун улар ўзини бу ишдан четга тортишади, яъни ахлоқни  
ўзгартириш тасаввурга сифмайдиган иш, чунки табиат  
ўзгармайди, деган фикр билан ўзларини оқлашади”<sup>2</sup>.

Демак, ғофил ва жоҳил кишиларнинг фикрича,  
ҳудди инсон зоҳирий вужудини ёки тана аъзоларини  
ўзгартириб бўлмаганидек, унинг ботини, яъни хулқини  
ҳам ўзгартириб бўлмайди. Бундан ташқари, улар инсон  
танасидаги шахват ва ғазабдан ҳеч қачон узилолмайди,  
деб даво қилишади. Буларга қарши ўлароқ шайх Фаззолий  
айтадики: ”Ёввойи табиатли лочин қўлга ўрганиб, юввош  
ва мулойим бўлади. Очкўз ит тарбия билан ўлжани олиб  
келадиган даражага етади. Асов от жиловга ўрганади.  
Ҳайвонларнинг хулқини ўзгартириш мумкину, наҳотки  
одамзотнинг хулқини ўзгартириб бўлмаса?!“.

Шу ўринда Фаззолий тўлиқ ва нотугаллиги жиҳатидан

<sup>1</sup> Ўша манба. 95-б.

<sup>2</sup> Абу Ҳомид Фаззолий, “Риёзатун-нафс”, Мовароуннаҳр, Тош-  
кент, 2006. 21-б.

оламдаги мавжудотларни иккига бўлади. Инсон ва унинг аъзолари тўлиқ ва тугал яратилган. Аммо яна шундай нарсалар борки, уларнинг мавжудлиги ҳали тугалланиб охирига етмаган. Шарт-шароит пайдо бўлиши билан бу нарсалар ўзидаги яширин қувват таъсирида ривожланиб, комил суратга киради. Ҳудди уруғ агар тарбияласа олмага ёки хурмога айлангани сингари, дейди<sup>1</sup>.

Гўзал хулқ икки хил мўътадиллик билан боғлик, дейди Ғаззолий. Биринчиси – илоҳий эҳсон ва фитрий комиллик билан ҳосил бўлган мўътадиллик. Фитрий комилликнинг белгиси шуки, инсон туғма ақли комил, хулқи гўзал бўлади. Мана шу сифатлар унга шаҳват ва ғазабни бошқаришга кифоя қилади. Бундай инсон таълимсиз олим, ҳеч қандай тарбия олмасдан одобли бўлади.

Иккинчиси – қаттиқ меҳнат ва риёзат билан ҳосил бўладиган мўътадиллик<sup>2</sup>.

Бу хусусда шайх айтадики: “Киши ўзида биронта гўзал хулқни ҳосил қилмоғи учун айнан шундай хулқли инсонлар ҳаётини қунт билан ўзлаштиromoғи ва бу йўлда нафсиға юқлатилган меҳнат то табиатига сингиб, хулқига айланиб кетгунича сабрли бўлмоғи лозим бўлади. Модомики, сен ҳам гўзал феълларга муштоқ қишида бўладиган доимий қунт ва тиришқоқликни зиммангда сезмас, бу хулқ билан лаззатланмас, қабиҳ феълларни ёмон кўриб, улар туфайли алам чекмас экансан, ҳақиқий саодатга эришолмайсан”<sup>3</sup>.

Демак, абадий саодатга эришиш ҳам гўзал хулқ орқали бўлар экан. Бу хусусда, яъни саодатнинг нима эканлиги ҳакида жаноб Пайғамбаримиз Мухаммад Мустафо (с.а.в.)дан сўрашганида ул зот шундай жавоб берган эканлар: “Саодат – узоқ яшаб, бутун умрни Оллоҳ таоло итоатида ўтказиш” (Абу Бакр ривояти).

Имом Ғаззолий одамларни ахлоқий муолажани қабул

<sup>1</sup> Ўша манба. 22-б.

<sup>2</sup> Ўша манба. 28-б.

<sup>3</sup> Ўша манба. 29-б.

қила олиш имкониятига караб тўрт тоифага ажратади:

1) Фофил инсонлар. Улар ҳақ билан ботилнинг, чиройли билан хунукнинг фарқига бормайди. Лаззатларга ҳаддан ташқари тобе бўлиб қолгани учун улар биронта истагини тўла қондиролмайди. Бу тоифа инсон муолажани жуда тез қабул қиласди. Фақатгина у бир муаллимга, муршидга муҳтож. Шунда у тез орада хулқи гўзал инсонга айланади, дейди.

2) Жохил ва адашган инсонлар. Бу тоифадагилар ёмонликнинг нелигини билади, лекин яхши ишларга одатланмаган, қилаётган ёмон амали уларга чиройли бўлиб кўринади. Аввало, улар бузукликка одатланиш натижасида ичида маҳкам ўrnашган жуда кўп иллатларни нафсидан сугуриб олишлари лозим. Кейин яхшиликка ундейдиган сифатни қалбига экмоқлари керак, деб таъкидлайди.

3) Жохил, адашган ва фосик кимсалар. Бу тоифадаги киши ёмон ахлоқни яхши ахлоқ деб эътиқод қиласди. Ундаги бу қараш борган сари такомиллашади. Шунинг учун бу тоифадаги кишининг муолажаси мушкул, соғайишига деярли умид йўқ, камдан-кам ҳолда у дардига даво топиши мумкин, дейди.

4) Жохил, адашган, фосик ва ёвуз кимсалар. Бу тоифага мансуб кимса нафакат бузук қарашда такомиллашади, балки у ёмонликни кўпайтиришни фазилат деб билади ва бу билан фахрланади. Бу тоифадаги кишиларнинг ахволи оғир. Чунки улар ҳақида шундай дейилган: “Кексани тарбияламоқ – машаққат, бўрини тарбияламоқ уни азобламоқдир”<sup>1</sup>.

Муқаддас Қуръони Каримда севикли Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) ҳақларида “Албатта сиз Улуғ Хулқ устидадирсиз” деган оят нозил бўлган (Қалам сураси, 4-оят). Демак, у зот бутун башариятга ибрат бўлгулик хулқ соҳиби бўлганлар. Бу хусусда ўzlари ҳам: “Дарҳақиқат,

<sup>1</sup> Абу Ҳомид Ғаззолий, “Риёзатун-нафс”, Мовароуннаҳр, Тошкент, 2006. 24-б.

мен улуғ хулқларни камолига етказиш учун пайғамбар қилиб юборилғанман”, деб марҳамат қилғанлар<sup>1</sup>.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Имом Фаззолий хазратлари гўзал ахлоқни Ҳақ таолони севиш билан ва унга томон интилиш билан боғлайди: “Инсон дунё муҳаббатини қалбидан чиқариб, ўрнини Оллоҳ таолога муҳаббат билан тўлдирса, мана шу энг гўзал ахлоқdir. Бундай хулқни ҳосил этган киши учун улуғ ва қудратли Зот – Оллоҳнинг дийдорига етишдан суюклироқ нарса йўқ”, деб таъкидлайди буюк аллома (2, 30)<sup>2</sup>.

Ҳақиқатан ҳам Шарқу Farбда юксак мавқе, мартабага эга бўлган, тасаввуф таълимоти ва фалсафасига улкан ҳисса қўшган илохиётчи файласуф, донишманд Абу Ҳомид Фаззолий ахлоқий қарашлари ҳозирги давр илмфани ва маънавияти учун ҳам битмас-туганмас бебаҳо манбадир. Аллома ёзган асарлар бундан қарийб ўн аср илгари яратилган бўлсада ҳозирги кунда ҳам ўз қадрқимматини йўқотган эмас.

## **2. Шайх Нажмиддий Кубронинг ахлоқий қарашлари.**

Ватанпарварлик азалий ва абадий долзарб муаммодир. Мустакил Ўзбекистоннинг маънавий-ахлоқий тараққиётининг негизида ётган тамойилларидан бири ҳам ватанпарварлиқдир. Ватан туйғуси – бу унинг эгаси бўлмиш халқни севмоқ, хурмат қилмоқ, қадрига етмоқ ва эътироф этмоқ демакдир. Бу унинг маданияти, маънавияти, маърифати, тили, дини, феъл-атвори, ота-боболаридан қолмиш олтин меъроси томирларида гупуриб турган, аждоддан авлодга ўтиб келаётган покиза қони, тарихидаги муҳим босқичлар, буюк давлатга кириш мақсадида олиб бораётган курашидир.

Немис файласуфи Г.В.Гегел маърифатли халқларнинг

<sup>1</sup> Куръони Карим, (Ўзбекча изохли таржима), тар. А. Мансур. Тошкент, 1992. 425-б.

<sup>2</sup> Абу Ҳомид Фаззолий, “Риёзатун-нафс”, Мовароуннахр, Тошкент, 2006. 30-б.

ҳакикий жасорати Ватан йўлида қурбон бўлишга ҳозир эканликларида акс этади, деб таъкидлаган эди. Ватан туйғуси аввало аждодлар ёди, уларнинг хотирасини эслаш ва қадрлаш, олис ва якин теварак-атрофларда бўлаётган воқеаларни сезгирилик билан кузатиб бориб, Ватан ҳимояси учун доимо шай туриш, ўзининг келажак насллар олдида масъул эканини туйишdir. Ватан туйғуси – бу аввало ислом таълимоти равнақига бемисл ҳисса қўшган Исмоил Бухорий, Термизий, Мотуридий, Абдулло Муборак, Ахмад Яссавий, Замахшарий, Бурхониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбандий сингари ўнлаб-юзлаб улуг зотларни ёдга олишdir. Ватан туйғуси – бу Ватанни ҳимоя қилиб, Ватан дея фидо бўлган Тўмарис, Широқ, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Солиҳбек додҳо, мулло Алимқул додҳо сингари юзлаб шерюракларни эслашdir. Улар “Ватанни севмоқ иймондандир” ақидасига амал қилиб яшадилар ва иймоннинг бутунлигини амалда исбот қилдилар. Ватанни севмоқлик иймонданлиги ҳакида сўз юритар эканмиз, узок ўтмишдаги тўфонли йилларни, босқинчиларнинг муқаддас тупроғимизга бостириб кирганликларини, халқимизнинг мард ўғлонлари улар билан жангларда жон фидо қилганликларини эслаб, авлод-аждодларимиз руҳини шод этамиз, Ватанни севиши нақадар мўътабар туйғу эканлигини ҳис қиласиз ҳамда ўтмиш воқеаларидан ибрат ва хикмат оламиз. Юнонларнинг юртимизга бостириб келиши, ундан сунг араблар, мўғуллар, русларнинг ҳужуми ва уларга қарши халқ миллий қаҳрамонларининг мардонавор кураши тарихимиз сахифаларида буюк ёдномалар бўлиб қолган.

Тарихдан маълумки, мўғулларнинг Марказий Осиёга бостириб киришига деярли Хоразмнинг Ҳукмдор доиралари айбдор эди. Ҳукмдорлар ўртасида бирлик, иноқлик, ҳамжиҳатлик йўқ эди, аксинча, ҳокимият учун кураш, ўзаро низо ва бошбошдоқлик авж олган эди. Бунинг усти-

га ўзаро уришлар, халқни асоратда тутиш, турли солиқ-жарималар олиб, аҳолининг тинкасини қуритиш, номи улуғ, супраси қуруқ амалдорларнинг шоҳона зиёфату майшатлар уюштириб давлат ва ҳокимият ишларига, лашкари аҳволига бефарқ бўлишлари мамлакатни танглишка келтирди. Мана шуларнинг ҳаммаси бир бўлиб, катта салтанатни ич-ичидан емириб ташлади. Худди шу пайтда Муҳаммад Хоразмшоҳ Чингизхон билан қаттиқ ёвлашди. 1219 йилнинг кузидан бошлаб Чингизхон қўшинлари барча ёвузликларни қилдилар. Мана шундай оғир дамларда Ватанни иймонидан севган, қалбида Ватан меҳру муҳаббати алангланиб турган халқ қаҳрамонлари мӯғулларга қарши нафрат-ғазаб билан жанг қилдиларки, уларнинг жасорати ватанпарварлик тимсолига айланиб қолди. Ана шундай миллий қаҳрамонлардан бири улуғ Шайх Нажмиддин Кубродир. Ватан туйғусини ёшлар онгига сингдиришда Нажмиддин Кубронинг меросидан фойдаланиш самарали натижа беради. “Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси” да баён қилинишича, Хулагу қўшинлари Гурганчни босиб олмоқчи бўлганида, Нажмиддин Кубро илму ҳол ва қол билан пойтахтни кўздан яшириб кўяди. Шунда Хулагу Шайхнинг оиласи ва муридлари билан Хоразмдан чиқиб кетишини, эвазига ҳаёти кафолатланишини таклиф килади. Унга жавобан Ватанга садоқатли Нажмиддин Кубро: “Мен бу ерда ўзимнинг энг яхши кунларимни ўтказдим, энди бундай ҳалокатли кунларда шахарни ташлаб кетиш пасткашлик бўлур эди”, -деб жавоб беради<sup>1</sup>.

Нажмиддин Кубро бошқа бир асарида шундай ёзади: “Она-Ватан йўлида, Ватанни ҳимоя килаётib шаҳодат жомини нўш айлаш, Аллоҳ висолига етишмоқ или баробардир”<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Шайх Нажмиддин Кубро қиссаси ёхуд кирк ривоят. Урганч: “Хоразм” нашриёти, 2006 й. 70-б.

<sup>2</sup> Ҳамидхон Исломий. Нажмиддин Кубро. Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1995 й. 86-б.

Икки манбадан олинган бу иқтибосларда Нажмиддин Кубронинг Ватанга садоқатли эканлиги таъкидланади. У пойтахтни душман кўзидан фойиб килиб қўйганда, хонину жосуслар бу иш буюк шайхнинг мўъжизаси эканини Султон Мухаммад Хоразмшохга ва мўғулларга хабар қиладилар. Хоразмшоҳ шаҳардан қочиб чиқаётганда дарвоза олдига Шайх оёгини узатиб, йўлни тўсиб ўтирган бўлади. Султон ундан оёқларини йиғишни талаб қилади. Шайх эса, мен оёқларимни йифарман, аммо, сен ортингни, яъни халқни, юртни йиғнай оласанми, дейди. Шу жойда султонлар ва шайхлар ўртасидаги низо ҳам ўз ифодасини топган. Шу онда Нажмиддин Кубро мўғул лашкари олдида Хизр алайҳиссалом келаётганини кўради ва Хизрдан нега келаётганини сўрайди. Хизр алайҳиссалом шайхни муҳофаза қилаётганини айтади. Шайх оёқларини йиғиштиради ва Хоразм бирдан кўринадиган бўлиб қолади. Нажмиддин Кубро шаҳардан ташқарига чикади ва мўғуллар пойтахтга бостириб кирадилар.

Шундай қилиб, Хоразм бошига оғир бало-казолар тушганда ҳам 76 ёшлик кекса донишманд она-ватанга садоқат кўрсатиб, ўз жонидан кечиб, кўлда қилич билан жангга киради, душман билан беомон курашади. Ана шу даҳшатли жангда Нажмиддин Кубро бир ҳамла билан душман туғини тортиб олиб, то сўнги нафасигача қўлдан чиқармай ушлаб туради. Бу хақда Алишер Навоий ўзининг “Насоим ул-муҳаббат” асарида шоҳидлик бераб, ғанимлардан ўнтаси ёпирилиб ҳам Кубронинг қўлидан байроқни олишолмаганини, ниҳоят Шайхнинг бармоқларини чопиб олганини ёзиб қолдирган. Жалолиддин Румий эса, шу фожия ҳақида бир рубоий ёзиб, “Бу юксак Валий аҳли бир қўлида иймоннинг соғ майини ичсалар, яна бир қўлида эса душманнинг байроғига чанг соладилар”, деб фахрланган экан<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Ҳамидхон Исломий. Нажмиддин Кубро. Урганч: “Хоразм” нашриёти, 1995 й. 29-б.

Демак, ватан равнаки ғоясини ёшлар дунёкарашида шакллантиришда Нажмиддин Кубронинг меросидан фойдаланиш самарали натижалар беради:

1. Нажмиддин Кубро асарларидан, Рашидиддин Фазлуллоҳнинг “Жомеъ ут-таворих” (тариҳлар тўплами), Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс”, Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат”, Маҳмуд Ломаъййининг “Такмилаи нафаҳот ул-унс”, “Шайх Нажмиддин Кубро киссаси” каби кўлёзма манбаълардан иқтибослар келтириш ва уни шарҳлаш ёшларга самарали таъсир килади.

2. Икки қисмдан иборат “Нажмиддин Кубро” видеофилимини томоша қилиш ҳам ёшлар дунёкарашида ватанпарварлик туйғусининг шаклланишига кучли таъсир ўтказади.

3. Нажмиддин Кубронинг туғилиб ўсган ва дастлабки маълумотни олган Хива туманидаги Саёт қишлоғига, шайхнинг онаси БибиХўжар она мақбарасига зиёрат қилиш ҳам ёшлар хотирасида ўчмас из қолдиради.

4. Рассом Отахон Аллабергановнинг “Шайх Нажмиддин Кубро портрети”, XV асрда чизилган “Шахмат ўйнаётган Нажмиддин Кубро” миниатюрасидан, Хуршид Давроннинг “Шаҳидлар шоҳи” асаридан ва бошқа Нажмиддин Кубро ҳақидаги бадиий асарлардан кўргазмали кўлланма сифатида фойдаланиш ҳам катта самара беради.

Хуллас, ёшларда ахлоқий баркамолликни шакллантиришда Нажмиддин Кубронинг маънавий мероси туганмас хазина бўлиб хизмат қиласади.

### **3. Хўжаназар Ҳувайдонинг ахлоқий қарашлари.**

Хўжаназар Ҳувайдо-Равшаний (XVIII асрнинг бошлари – 1780й) – ўз даврининг кўзга кўринган салоҳиятли шоири, тасаввуф таълимотининг таниқли вакили эканлигини билсак-да, унинг шахсий ҳаёти, ҳаёт йўли тўғрисида тўлиқ маълумотларга эга эмасмиз. Унинг ўзбек тилида

битилган “Ғазалиёт”, “Девони Ҳувайдо” ва “Роҳати дил” достонининг Туркистонда кенг тарқалганини Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар хази-насида сакланиб келинаётган қўлёзмалардан билиб олиш қийин эмас. XX аср бошларида Ҳувайдо куллиётининг “Китоби Ҳувайдойи Чимёний” номи билан Қозон, Тош-кент ва Истанбулда бир қанча марта чоп этилиши унинг ижодиётига қизиқиш кучли бўлганлигидан далолатdir.

Таъкидлаш лозимки, тасаввуф ўзига хос диний-фалсафий таълимот сифатида илк шаклланиш даврида бироз бўлса-да ўзгача талқинга даъво қилишдан йироқ эмас эди. Бундай рақобатчиликнинг муайян ифодасини биз Мансур Халлож, Баёзид Бистомий, айникса, Бобораҳим Машрабнинг тасаввуфий қарашларида яққол кўрамиз. Маълумки, нақшбандия тариқатида бундай ҳолга, эркин талқинга борган сари чек қўйила борди. Ҳўжаназар Ҳувайдонинг шеъриятида бундай тадрижий ўзгаришлар давом эттирилганлигини ҳар қадамда хис қилиб туриш қийин эмас. Эндиликда Ҳувайдо томонидан сакланиб қолинган тасаввуфнинг муайян жихатлари расмий ислом қонун-қоидаларига тўғаноқ бўла олмайди, аксинча, кўп ҳолларда исломий қарашларни самарали бир тарзда тарғиб-ташвиқ этишнинг синалган воситасига айланди.

Ҳўжаназар Ҳувайдо тасаввуфида яшаш хукукини сақлаб қолган тасаввурлар, жумладан ошиқ-маъшуқ, ҳақиқат, Ҳақ, ишқ, ихлос каби тушунчалар охират, дўзах азоблари, жаннат аҳлига ваъда қилинган мукофотлар, гуноҳ ва имон-эътиқод ақидаларини бемалол талқин этишга монеълик қила олмайди, балки, аксинча, уларни ҳаётий образ-мисоллар, ҳикоятлар воситасида ёрқин ва ҳаммабоп шаклда ифодалашга яқиндан хизмат қиласди. Мутасаввиф ва уламо, ориф ва обид ўртасидаги чегара мўътадиллашди, ўзаро гина-кудратларга муайян даражада

ортиқча ўрин қолмади, ҳисоб. Қолаверса, оддий авом олон-мон улар ўртасидаги фарқни осонликча сезмас эди. Бундай вазиятда Ҳувайдо тасаввуфий қарашларидан баҳраманд бўлиш ислом қувватидан маънавий илҳомланишдек саъй-ҳаракат эди.

Аммо шунга қарамасдан, улар ўртасидаги кўз илғамас чегара бузилмади, десак хато қилмаймиз. Бунга мутафак-кир-шоирнинг кўпгина шеърларида тегишли далил-исботлар топа оламиз. “Жаннат ила ҳурни нетар мавло юзин кўрган киши”, “Нетсун Сулаймон тахтини ишқ тахтига минган киши” каби мисралар Ҳувайдо ўзининг тасаввуф анъаналарига содик эканлигини эслатиб туради. Демак, Ҳувайдонинг асл мақсади – бу Ҳақнинг висолига етишиш. Лекин шу билан бирга охиратда ваъда қилинган мукофотлардан у умидвор, барча тақводорлар сингари дўзоҳ азобларини четлаб ўтишни дилдан истайди. Бордики бу азоб-уқубатлар эвазига Ҳақ висолига эришадиган бўлса, ҳар қандай синовларга тайёр.

Аммо Ҳақ васлига етишиш инсонлардан имон-эътиқод бутунлигини, чексиз азоб-уқубатларга сабр-қаноат қилишни тақозо қиласди. Бу ерда Ҳаққа бўлган шиддатли ишқ барча кишиларга тегишли башарий муҳаббатдан фарқ қиласди. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, Ҳувайдо шеъриятида илоҳий ишқни оддий инсоний ишқ, муҳаббатдан ажратиб олиш осон эмас. Илоҳий ва башарий ишқ-муҳаббатга назар ташласак, улар ўртасида қуйидаги фарқни кўрамиз: Ҳақнинг макони йўқ, у ломакондир. Унинг мовоси, ўрни қалбда, покиза дилда. Башарий ишқ соҳиби эса муйян макондан жой олган. Абадийлик – Ҳақнинг умри. Инсон умри эса чегараланган. Ёрга етишиш (тангри таоло кўп ҳолларда “ёр”, “дўст”, “жонон”, “шўх”, “нигор”, “маъшук”, “санам” деб юритилади) фано бўлиш орқали рўёбга чикади. Бу жараён гўёки парвонанинг шам шуъласига етишишини эслатади. Санам билан

ориф ўртасида ўлим бор. Инсоний, башарий муҳаббатга етишиш учун ўлиш асло зарур эмас.

Хўжаназар Ҳувайдо оламнинг ранг-баранглигини, маҳлуқотнинг мўъжизавий жиҳатларини, инсонларнинг малойиклар сингари тузилишини, ақл-фаросат, зеҳннинг буюк неъмат эканлигини, Чимён гўзалининг латофатини теран ҳис қилади. Лекин бундан мутафаккир узоқ вақт осмонга тикилса ҳам, самовий гўзалликлар асири бўлиб юрса ҳам, унга абадий термулиб қололмай, зеро, инсоннинг шоду-хуррамлиги замирада ҳамиша ердаги нозу неъматлар, шу реал борлиқнинг латофатини қўриш мумкин. Ҳувайдо ҳам бора-бора фарз этилган мавхум гўзалликдан қаноатланмай, “оҳ-воҳ”лардан кўнгли тўлмай, қувончни ердан қидира бошлайди (Т.Жалолов), дейиш баҳсталаб масаладир.

“Қувончни ердан қидириш”да чуқур маъно-мазмун бор. Алишер Навоийнинг Мажнуни Ҳақнинг мутлақ ҳусни-жамолини Лайлидан кўрганидек, Ҳувайдо ҳам ўз маҳбубасини аён, шаҳодат оламида, янада аникроқ қилиб айтганда, Чимён гўзалида кўради ва ҳайратланади. Аслида ер-замин гўзали, замон Зулайҳоси, Чимён нозанини шаънига айтилган шоирона мадхиялар ва уни кўриши билан ҳайрон бўлиб қолиши Ҳақнинг қудратига, ақл-заковати ва ҳусни-жамолига битилган ҳамду санодир. Демак, Ҳувайдо ҳеч қачон илоҳий ишқ ўтида ёнишдан толиқмади. Унинг тимсолини аён оламида кўриб ҳайратланади, ўзини кўйгани жой топа олмай, ҳузур-ҳаловатини йўқотди. Шундай экан, тангри таоло яратган, фаришталар қуллук қилган инсонга меҳр қўймаган, эъзозламаган кимса ҳеч вақт илоҳий ишққа мушарраф бўлиш бахтига эриша олмайди. Бу эса мутафаккирнинг инсонпарварлик ғояларини тараннум этганлиigidан далолат бериб туради.

Ҳар қандай натижка машаққатсиз ҳосил бўлмагани каби ранж чекмасдан ёр васлига етишиш амримаҳолдир. Са-

намнинг дардини ҳеч қандай дафттар қилиб хатга битиш мумкин эмас. Унинг сир-асорорини калтафаҳм, укувсиз кимсаларга шархлаб беришнинг имконияти йўқ. Жудолик ханжари билан юрак чок-чок қилинса-да, ишқ савдосидан ситам не эканлигини билмаган бедардларга юрак захмини кўрсатиш тошга меҳр кўйищдек бир харакатдир. Фалак юлдузларининг ҳисобини олса бўлар, лекин қалб захмининг ҳисобини олишига уриниш беҳуда ишдир.

Ҳақ висолини кўриш мақсадида кеча-кундуз андух чекиши, дарду аламга, азоб-укубатларга сабр-қаноат қилиш, унинг ўй-саносида яшаш Хувайдо учун барча нарслардан аъло иштиёқдир. Илоҳий ишқ соҳиби бўлган ёрнинг юзи – баҳт-саодат, унга сабр-қаноат орқали етишиш барчага ҳам насиб эта бермайди. Бундай ёрнинг юзини оламга қиёсласанг, ўткинчи олам атиги бамисоли “нохуш гулзор”ни эслатади. Ёр васлида жондан кечиш, олам ҳузур-ҳаловатларини назар-писанд қилмаслик зарурдир. Бу борада халойиқаро шарманда бўлиш, девона деб ном орттириш айб эмас, чунки орифнинг ёр васлида ўртаб ёниши авом кишиларнинг тақлидий имон-эътиқод ҳосил қилишидан фарқланади.

Бу борада шоир-мутасавифнинг олим, илм ва жаннат ҳақидаги ҳикояси панд-насиҳат нуқтai назаридан ибратомуздир. Ҳикояда айтилишича, кунларнинг бирида Исо қабристонга боради ва тасодифан бир қабр ичида танасининг ярми нурга фарқ ўлиkn кўради. Бу воқеадан ҳайратга келган Исо “Деди ё Раб бу сирни қил манга фош”. Тангридан, сенга бу сирни гўр соҳибининг ўзи айтсин, деган нидо етиб келади. Гўр соҳибининг айтилишича, тириклик вақтида унинг хонадонига бир куни бир олим кириб келиб салом беради. Уй соҳиби унинг саломига эриниб, ярим қўзғалиб алик қайтаради. Тананинг кўтарилган қисми бу зотнинг гуноҳларидан фориг бўлади-ю қўзгалмаган қисми эса гуноҳлар билан лиммо-лим бўлиб қолаверади.

Унинг ҳозирги ҳолати тирик пайтидаги олимга қилган беҳурматлигининг натижасидир. Бундан Ҳувайдо “Туриб бир олимни ким қилса ҳурмат, худойим шояд этгай унга раҳмат, иноят қилса Тангри ҳеч ажаб йўқ, худонинг раҳмати кўп бесабаб йўқ”, – дея хитоб қиласди.

Майга ошно бўлиш, майни сипқариш иборалари тасаввуф аҳлининг илоҳий ишқ қўйида ёниб-ўртаниши, унга кеча-ю кундуз талпинишини ифодалайди. Бунинг далили сифатида қуйидаги мисраларга мурожаат этиш кифоялидир: “Келиб ҳолимға лаб очдим, қўлимға косани берди, май ич деб пари кетди, бўлиб йўлға равона ёлғиз. Ҳувайдойи ғарибни ул пари ширин сўз бирлан, юрагимга ўт ўртади жону жаҳон ёлғиз”.

Бу илоҳий ишқ барча қатори содда, қайғу ташвишлардан йироқ бир йигитни ошиқ Ҳувайдо-Равшаний даражасига кўтарди. У ушбу дард туфайли калтафаҳм одамларнинг маломатига қолишдан, турли хил балоларга дучор бўлишдан кўркмайди. “Сенинг ишқинг мени кўнглумда бўлса, ғамим йўқ куллий олам қилсалар сўз. Бўлур кўрсам тажалийи жамолинг, мангга ҳар кун баҳору ийду наврўз. Фалакни куйдурур ошиқ, сахарларда уруб оҳи жигар сўз”, – дея ўзининг тасаввуфий эътиқодида туради Ҳувайдо.

## ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, ўрта аср мусулмон Шарқининг ахлоқ фалсафаси – обод турмуш ҳақидаги қарашлари диний характерга эга бўлиб, бунда асосан, Куръони Карим ва ҳадиси шариф ахлоқнинг мезони ҳисобланган.

Ислом дини ва ахлоқ бир-бирига муштарак, уйгун тушунчалардир. Бинобарин, муқаддас динимиз ахлоқий ақидаларни биринчи ўринга қўяди. Мусулмонлардан, энг аввало, қалбан ва жисман покланишни талаб қиласди. Албатта, ана шу покланиш жараёни турли усул ва тасаввуфий оқимлар негизида кечиши мумкин. Аммо улар-

нинг умумий бир мазмуни, ягона маслаги битта – инсон ўз қалбини, руҳини, танасини, мухтасар қилиб айтганда, жисму жонини муттасил тарбият қилиб бормоғи, шариат аҳкомларидан асло четга чиқмаслигидир.

Бу давр ахлоқий қарашлари, бизнингча, ўша давр дунё маданияти ўрамида ҳам беназир бўлган. Шарқда, хусусан, ҳозир биз яшаб турган худудда юзага келган ахлоқий юксаклик ўша даврда жаҳоннинг ҳеч бир миллати ва давлатида шаклланмаган эди. Чукур ички маданият, сабр-қаноат, оқиллик ва орифлик билан тўйинган бу ахлоқ фалсафаси туронзамин халқларига катта шуҳрат келтирди. Шундай гўзал ахлоқий қарашлар таъсирида не-не улуғ мутафаккирлар, уламо-ю, фузало-ю, шуаролар довруқ қозондилар.

Шу маънода, мустақилликдан сўнг шўролар даврида унут бўлаётган ўша муқаддас қадриятларимизга қайтганимиз, унинг энг илғор, ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятли бўлган намуналаридан фойдаланаётганимиз, ўйлаймизки, келажакда ўз самарасини беради. Зотан, бундай юксак маданият, муқаддас ислом нуридан озиқланган ахлоқ, албатта, миллат қаддини кўтарадиган, унга шоншуҳрат ва раҳматлар ёғдирадиган фарзандларни тарбиялаши аниқ.

## **6. ОБОД ТУРМУШ ВА ИЖОДКОР АХЛОҚИ (А.НАВОЙ ВА З.БОБУР)**

Ўзбек мумтоз адабиёти – бой бир адабиётдир. Бу адабиётнинг вакиллари фақатгина шоирлик қилишмаган, балки носир, мутасаввиф, файласуф, баъзан санъаткор сифатида ҳам ном қозонишан. Чунончи, Муҳаммад Ал-Хоразмий (783–850), Аҳмад Фарғоний (797–865), Имом Бухорий (810–870), Имом Ат-Термизий (824–892), Абу Наср ибн Муҳаммад Фаробий (873–950), Муҳаммад Хоразмий (997 йилда вафот этган), Абу Бақр Наршахий (899–959), Абу Райхон Беруний (973–1048), Абу Али ибн Сино

(980–1037), Юсуф Хос Ҳожиб (1017 йилда тугилган), Умар Ҳайём (1040–1123), Махмуд Қошғарий (XI аср), Махмуд Замахшарий (1075–1144), Мұхаммад Ғаззолий (1058–1111), Аҳмад Яссавий (1041–1167), Нажмиддин Кубро (1145–1221), Бурхонуддин Марғиноний (1123–1197), Махмуд Җағминий (XII–XIII аср), Баҳовуддин Нақшбанд (1318–1389), Абдулхолик Ғиждувоний (1180 йилда вафот этган), Умар Тафтазоний (1322–1392), Лутфий (1366–1465), Али Ҳусайн Журжоний (1339–1413), Мирзо Улуғбек (1394–1449), Алишер Навоий (1441–1501), Абдураҳмон Жомий (1414–1492), Беҳзод (1455–1537), Мирзо Бобур (1483–1530), Мирзо Ҳайдар (1499–1551), Мирзо Бедил (1644–1721), Машраб (1657–1711), Махтумкули (1733–1793) сингари зотларнинг миллий адабиётимиз равнақига қўшган ҳиссалари бекиёсdir. Айни пайтда, бадиий адабиёт кўйнидан униб чиққан ва нисбатан янги соҳа – журналистика нуқтаи назарига кўра ҳам бу мутафаккир зотларнинг илмий-адабий мероси алоҳида ўрганишга арзиди. Бинобарин, адабиёт сўзни санъат дарражасида кўради, қўллайди, журналистика бўлса, сўзни, аввало сиёsat сифатида истифода этади. Мумтоз адабиётимизда эса ҳар икки соҳа ёndoш, бири-бирини тўлдириб, тасдиқлаб келади. Бу ҳақидаги баъзи кузатишлар, илмий асарлар эълон қилинган<sup>1</sup>.

Уларнинг ҳар бирига батафсил тўхталишнинг имкони йўқ, албатта. Шу боис, биз нисбатан камроқ ўрганилган алломаларнинг асарлари ва улардаги публицистик унсурларга эътибор қаратамиз.

Ҳар бир давр адабиёти тарихий тараққиёт қўйган турлича ғоявий-бадиий талабларга асосланади. Бевосита мана шу жараён туфайли ҳар бир давр адабиёти ўзига хос жанрлар доирасига эга бўлади. Мана шу нуқтаи назардан

<sup>1</sup> Манба: Шарқ мумтоз поэтикаси. // Нашрга тайёрловчи Ҳ.Болтабоев. – Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 2007.

қаралса, XI–XII асрлар ўзбек мумтоз адабиётида панд-насиҳат йўналишидаги йирик асарлар яратиш анъанаси етакчилик қилганлигини кўриш мумкин.

XI–XIII асрларда яратилган Юсуф Хос Ҳожибининг «Қутадғу билиг», Аҳмад Юғнакийнинг «Ҳибатул-ҳақойик» каби асарларида давлатни идора этиш, кишилар ўртасида юксак одоб ва ахлоқ нормаларини тарғиб қилиш, мамлакатни ободонлаштириш, эл-юрт фаровон-лигини таъминлашга даъват этиш каби масалалар ёритилган. XIV асрлардан бошлаб ўзбек мумтоз адабиётида йирик достонлар билан бир қаторда қасида, ғазал, рубоий, туюқ ва қитъа каби жанрлар ҳам ривожланди. Сайфи Саройи, Гадоий, Саккокий, Лутфий, Алишер Навоий, Бобур, Машраб каби шоирлар ўз ижодлари билан юқорида санаб ўтилган шеърият жанрлари тараққиётига улкан ҳисса қўшдилар. Агар мавлоно Лутфий ўзининг туркий тилдаги халқона асарлари билан «малик ул-калом», яъни «сўз подшоҳи» деб тан олинган бўлса, XV асрда яшаган Алишер Навоий мумтоз адабиётда беш улкан достондан иборат «Ҳамса» яратди, ўзбек ғазалчилигини юксак чўққига кўтарди ва «ғазал мулкининг сultonни» баҳосини олишга муваффақ бўлди.

Алишер Навоидан кейин Бобурнинг дилгир, Машрабнинг оташин шеърлари, кейинроқ Гулханий, Амирий, Увайсий, Нодира, XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларида эса Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар каби кўплаб шоирлар ижоди мумтоз адабиётимиз хазинасини бойитди.

Миллий адабиётимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсақ, дарҳақиқат, илк ёзма манбалардаё публицистик унсурлар бўй қўрсата бошлаганига гувоҳ бўламиз.

Масалан, Ўрхун–Енасой обидалари 5-7 асрларда қадимги турк тилидаги ва ёзувидаги тарихий ёдгорлик сифатида қадрли. Мўгулистандаги Ўрхун ва Жанубий Сибирдаги Энасой дарёлари соҳилларида топилгани учун

ҳам шундай номланган. Мўғулистандан Шимолий денизларгача, Уралдан Сахалинга қадар давом этган ҳудудда шу ёзувдаги ёдномалар учрайди. Шимолий Кавказда 15 асрда ҳам Ўрхун ёзувидан фойдаланилган. Ўзбекистон ҳудудида (Фарғона, Сурхондарё)дан 20 дан ортиқ туркий–рун ёзуви ёдгорликлари топилган.

Йирик Ўрхун битиклари Култигин, Билга хоқон, Тўнюқуқ ва бошқа бу ёзувдаги ёдномалар адабий манба сифатида қаҳрамонлик қисса ва достонларига мазмунан яқин келади. Култигин битиктоши 732 иили Турк хоқонлиги(551–745)нинг лашкарбошиси шарафига ўрнатилган. Битиктош икки қисмдан: Кичик ва Улуғ битикдан (муаллифи Йўллиг тигин) иборат. Ватан манфаати йўлида хизмат қилиш, мамлакатнинг мустаҳкам, осойишта бўлиши учун қураш битикошларда бош мақсад экани айтилади. Асарда Табғач, Тибет, Суғд, Тургаш, Қирғиз каби жой номлари тилга олинган. Энасой битиклари марсия ва мадхия жанрларининг қадимги турк адабиётидаги илдизлари ҳақида тасаввур беради<sup>1</sup>.

Хўш, бу асарда қандай публицистик унсурни кузатишмиз мумкин?

Биринчидан, ҳалқнинг турмуш шароити, давлатчилик асослари ҳақида гап кетади. Бу ёзувлардаги бадиийлик, тарихийликдан кўра пастроқдир. Воқеалар бадиий тўқима эмас. Яна бир жиҳати шундаки, битиг ёзишдан мурод Турк Билга хоқоннинг давлатмандлик тарихини авлодларга етказиш, умуман, туркийлар тарихини келажакка етказиш бўлган. Шу орқали умид қилганларки, келгуси авлодлар бу давлатни асраб авайласин, молини, фуқаросини доимо ҳушёр сақласин, ўзгалар унинг мулкига тажовуз қилмасин<sup>2</sup>. Шу эзгу умид ортида, бугунги давр

<sup>1</sup> Қаранг: Қадимги хикматлар. // нашрга тайёрловчи Н.Раҳмонов. Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987.

<sup>2</sup> Қаранг: Қадимги хикматлар. // нашрга тайёрловчи Н.Раҳмонов. Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1987, 22-саҳифа.

тили билан айтганда, публицистик характер бор.

Шунингдек, мумтоз адабиётимизнинг бошқа намоён-далари Яссавий, Қошғарий, Саройи каби олимларнинг ишларида ҳам бундай публицистик унсурлар кўплаб учрайди.

Алишер Навоий 1441-йил 9-февралда Амир Темурнинг ўғли Шохруҳ Мирзо шоҳлиги даврида Ҳиротда туғилди. 1452-йилда Абулқосим Бобур Мирзо Ҳурсон таҳтига ўтиради, нотинчликлар босилади. Ғиёсиддин Муҳаммад Сабзаворга ҳоким қилиб тайинланади . Алишер эса ўқишини давом эттиради . Мактаб ёш Алишерни шеърият , адабиёт оламига олиб кирди. Навоий 15 ёшларида ўз шеърлари билан замонасининг машҳур шоирлари дикқатини торди. Бу туркий (ўзбек) шеъриятига жуда катта истеъдод кириб келаётганидан нишона эди.

Навоий 60-йилларнинг иккинчи ярмида Самарқандда яшади. Нихоят, Самарқанд ўз гўзаллиги билан ҳам Навоийни мафтун этади. Шоир уни "фирдавсмонанд" (жаннатмисол) деб атайди ва унга ҳеч қачон "гарди фано" ўлтирмаслигини – заволга юз тутмаслигини истайди. Навоий шу йиллари шоир сифатида жуда катта шуҳрат топа борди. 1465–1466-йилларда унинг муҳлислари шеърлари-ни тўплаб, "девон" тузадилар. Бу китоб бугун "Илк девон" номи билан машҳурдир.

1468-йил охрида Эронни эгаллаш учун бўлган жангда Абусаид ҳалок бўлади. Ҳусайн Байқаро 1469-йилнинг бошида Ҳироти кўлга олади ва Самарқандга хат йўллаб, Навоийни ўз ёнига чақиради. Ҳусайн Байқаро уни давлат ишларига жалб этади. Муҳрдор қилиб тайинлайди.

Алишер Навоий 1469–1472-йилларда муҳрдор, 1472–1476- йилларда вазир бўлиб ишлайди. 1487–1488-йилларда Астрободга ҳокимлик қилди. Алишер ижод кишиси эди. У табиатан буюруквозлиқдан ва ҳукмфармонлиқдан йироқ, тафаккур ҳамда тахайюлга мойил, ғоят нозик-

таъб бир киши эди. Мансаб-лавозимлар ҳар қанча юк-сак бўлмасин унинг учун зил-замбил юк бўлиб, Ҳусайн Байқарога бўлган ихлос ва муҳаббатигина уни истеъро беришдан сақлаб турар эди.

Шунга қарамасдан, у садоқат билан хизмат қилди. До-нишмаднлиги, тадбиркорлиги билан кўплаб ғалаёну қон тўкишларни олдини олди, урушларни ярашга айлантириди. Унинг бу фазилати, айниқса, 1972–1476-йиллардаги вазирлик фаолиятида яққол намоён бўлди.

Алишер Навоий шеърни, шоирликни ҳамма нарсадан баланд тутди. Вазирлик мартабасида туриб ҳам шеър ёзишни тўхтатмади. Атрофидагилар унинг бу ишига рағбат ва ҳурмат билан қарадилар. Шоҳ Ҳусайн Байқаронинг ўзи унга рахнамолик қилди. Улуғ шоирнинг ilk шеърий девонини мухлислари тузган бўлсалар, биринчи девони – "Бадое ул-бидоя" ("Бадийлик ибтидоси")ни 1472–1476 йилларда шохнинг амри ва истагига кўра ўзи китоб қилди.

1485–1486-йилларда иккинчи девон – "Наводир ун-ниҳоя" ("Ниҳоясиз нодирликлар") майдонга келди. Алишер Навоий 1481–1482-йилларда "Вақфия" асарини ёзди. Вақф деб бирор ҳайрли ишнинг сарфу харажатини таъмин қилмоқ учун ажратилган ер ёки мулкка айтилади. Алишер Навоийнинг энг катта орзуси достон ёзиш, биринчи навбатда, XII асрнинг буюк шоири Низомий Ганжавий (1141–1209)дан кейин шоирлик кудтарининг мезонига айланиб қолган "Хамса" яратиш эди.

Жомий Навоийни бу ишга тезликда киришишга ун-дайди, унинг ўз кучи ва имкониятларига ишончини мустаҳкамлайди. Навоий беш достонни икки йилда та-момлайди.

1483-йилда ўз "Хамса"сини ёза бошлаб, 1485-йилнинг бошида тугатади. Шоир ишлаган кунлар ҳисобга олинса, 54 минг мисралик улкан обида 6 ойда биткази-

лади. Туркий тилда биринчи маротаба "Хамса" яратылалади. Олиму фузало – барча бу ходисани зёр олқиши билан кутиб олдилар.

1480–1490-йиллар Навоий учун бадиий ижодда са-марали давр бўлди. Шоир "Хамса"дан кейин кўп ўтмай, кетма-кет насрый китоблар яратди. У 1488-йилда ёзган "Тарихи мулки ажам" ("Ажам шоҳлар тарихи") шуларнинг бири эди. Бу асар "Мухокамат ул-луғатайн"да "Зуб-дат ут-тавохир" ("Тарихлар қаймоғи") деб ҳам аталади. 1480-йилларнинг охири, 1490-йилларнинг бошида Навоийнинг яқин дўстлари, устозларидан Сайид Ҳасан Ардашер (1489), Абдураҳмон Жомий (1492), Паҳлавон Муҳаммад (1493) кетма-кет вафот этдилар.

Навоий уларга бағишлаб "Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер", "Хамсат ул-мутаҳайири", "Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад" асарларини ёзади. Навоийнинг 1490-йиллардаги энг катта хизматларидан бири "Ҳазоин ул маоний" ("Маънолар хазинаси")ни тузиш бўлди. 1492–1498-йилларда тартиб қилинган 4 қисм девондан иборат бу улкан шеърий куллиёт шоирнинг туркий тилда ёзилган деярли барча лирик шеърларини қамраб олган эди.

Шоир 7-8 ёшидан 20 ёшигача бўлган даврни умрининг навбахори хисоблади ва шу давр девонини "Фаройиб ус-сифар" ("Ёшлиқ фаройиботлари") деб атади.

Ҳаётининг сўнгги йиллари 1490-йилларнинг бошидаги оғир йўқотишлар, айниқса, 40 йиллик қадрдони Паҳлавон Муҳаммад билан устози Жомийдан жудо бўлиш Навоийга қаттиқ таъсир этди.

1498-йилда Алишер Навоий "Мажолис ун нафоис"ни қайта кўздан кечириб, тўлдирди. Шоирлар ададни 459тага етказди. Шу или ёшлигидан қалбига муҳирланиб келган "Мантиқ ут-тайр"га жавоб ёзади. "Лисон ут-тайр" Навоий ижодини якунловчи асарлардан биридир. Буюк шоир 1498–1499 йилларда хатларини тўплаб, "Муншаот" тузди.

Үнда 88та хат жамланган бўлиб, уларнинг аксарияти шо-ирнинг шоҳ ва шаҳзодаларга йўлланган.

Шоирнинг 1500-йилнинг охирларида ёзиб тугатган "Махбуб ул-қулуб" асари унинг энг сўнгги асари бўлиб қолди. Навоий 1501-йилнинг 3-январида вафот этади. Бутун ҳалқ – шоҳдан гадогача, олимдан чўпонгача, шоирдан дехқонгача улуғ фарзандининг ўлимига қайгу ва изтироб билан мотам тутади.

Навоий асарларида замона зиддиятларининг намоён бўлиши бевоситаadolat масаласи билан боғлиқ эди.

Айтиш жоизки, у кезлараadolat деганда, аввало тақдири илохий, яъни Лахфул Махфузга битилган қисмат дафтари тушунилган. Совет жамиятида эса шоирнинг баъзи шеърларидағи маъно айрича талқин қилинди, натижада,adolat масаласи синфиийлик тарзида тушунтирилди, изоҳланди.

Ўрта аср Шарки шароитида энг муҳим масалалардан бириadolat масаласи эди. Уша даврнинг тараққийпарвар кишилари зулм-зўрликни йўқотиш, ўзаро феодал урушларнинг олдини олиш, марказлашган давлат барпо этиш, шу йўл биланadolat ўрнатиш учун курашдилар. Улар орасида Навоийнинг роли бениҳоядир.

Навоий умр бўйи ҳалқ манфаатларини ҳимоя қилди, ҳалқ турмушини яхшилаш чораларини ахтарди. У давлат арбоби сифатида мамлакат ва ҳалқ фаровонлигини таъминлаш учун тинмай ҳаракат қилди.

Навоийнинг фикрича, агар подшоҳadolatли бўлса, мамлакат обод, ҳалқ баҳтиёр бўлади, агар бунинг акси бўлса, яъни золим бўлса, мамлакат ҳаробазорга айланади, ҳалқ эса хору зор бўлади.

Навоийнинг таъкидлашича, мамлакат шоҳи мана шундай ғамхўр,adolatли бўлиши, ўз мамлакати ва ҳалқи учун қайғуриши керак. У ҳамма нарсадан аввал, донишманд, илм-ҳикматдан хабардор шахс бўлиши, шунингдек, дав-

латни идора қилишда олим ва донишманд шахсларнинг фикрларига асосланиши лозим. Шоҳ бутун ҳаёти ва фаолиятини эл-юрт саодати учун курашга бағишлиши керак.

Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидаги Искандар образи мана шундай орзулар асосида яратилган идеал шоҳ образидир. Навоий яшаган даврда Искандар каби идеал шоҳларнинг бўлиши, уларнинг хаёлдан ҳақиқатга айланиши мумкин эмас эди. Бироқ шоир яшаган муҳит унга мазкур ҳолни англаш имкониятини бермас эди. Жамиятнинг ривожланиш қонунлари шоир учун очилмаган сирлигича қолди. Бироқ феодал урушлар авжига чиққан, мамлакат парчаланиб кучсизланган, халқнинг аҳволи оғир бўлган бир даврда шоирнинг феодал ўзаро урушларнинг олдини олиш, мамлакат бутунлигини сақлаш, мамлакат ва халқни ташқи душманлар хуружидан ҳимоя қилиш, адолатли подшо бошлиқ марказлашган давлат тузиш ҳакидаги фикр-мулоҳазалари катта аҳамиятга эга эди.

Хуллас, шоир ижодида адолат катта ижтимоий мавзу бўлиб, юқоридаги каби қатор масалаларни қамраб олади. Навоий «Ҳамса»сидаги «Шоҳи Гозий ҳикояти...» («Ҳайратул-аббор» достонининг З мақолати), «Искандар ҳикояти...» (14 мақолат), «Бахромгўр ҳикояти...» (19 мақолат), «Тўртинчи иқлим йўлидан кетурган мусоғир ҳикояти» («Сабъай сайёр»), «Искандар била ул галолиғ ихтиёр этган подшо ҳикояти», «Махмуд ҳикояти...», «Султон Абусаид кўрагон ҳикояти», «Ардашер ҳикояти...», «Бахромгўр ҳикояти...», «Гадойи кам сармояи баланд поя ҳикояти...» («Садди Искандарий») каби қатор ҳикоятлар адолат масаласига бағишлиланган. Навоийнинг аксарият ҳикоятларида подшоҳ ва халқ, подшоҳ ва сарой аҳллари, подшоҳнинг илм аҳлига муносабати каби масалалар ёритилган. Уларда ўз даври тушунчасида халқпарвар идеал шоҳ ва шаҳзодалар образи яратилган. Мазкур ҳикоятларда у ёки бу даражада инсонпарварлик, зулм ва золимлар-

га қаршы шафқатсиз кураш, вайронагарчилик келтирувчи урушларнинг олдини олиш, тинчлик ва осойишталик ғоялари куйланган...<sup>1</sup>

Захириддин Бобур таваллудининг 525 йиллиги Андижон шаҳрида нишонланаётган пайтда инглиз олимларидан бири, Бобур ижоди мухлиси: «Агар ўзбек халқи Алишер Навоий ва Захириддин Бобурдан бошқа адиб, ижодкорга эга бўлмаган тақдирда ҳам унинг адабиётининг довруғи оламга татир эди», – деган фикрни баён этганди. Шукурлар бўлсинким, ўзбек адабиёти жуда бой меросни яратган даҳоларгага эгаки, улар ҳақида қанча сўз юритилса, шунча кам.

Ҳар йилнинг февраль ойида адабиёт байрамларини ўтказамиз. Икки буюк адиб, давлат арбоби, шоир ва носир, асарларида эзгулик ва умуминсоний қадриятларни тараннум этган Алишер Навоий ва Захириддин Бобурнинг таваллуд айёмларини нишонлашга ошикамиз.

Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» асарида 450 дан зиёд алломалар ҳақида сўз юритилган бўлса, тарихчилар қолдирган маълумотларга қараганда, шоир яшаган даврда Ҳиротда тўрт мингга яқин ижодкор бўлиб, уларнинг қарийб барчаси Навоийнинг ҳимоясида ижод қиласланлар. Навоийдан сўнг адиб, санъаткор, рассом ва хунармандларга Бобур худди Навоий каби сарпарастликни зиммасига олиб, ёш қаламкашларга шароит яратиш, уларни моддий таъминлаш, давр ташвишларидан ҳоли ижод қилишларига бош бўлган. Бобурнинг ўзи Алишер Навоий ва ўша давр шоиру адиблари, мўйқалам усталари, санъаткорлари ижодининг мунаққиди сифатида юксак адабий-эстетик қарашлари билан адабиётни халқ манфаати сари йўллашга, асарларга ҳолосона баҳо беришга ҳаракат қиласлан, ёзувчи ёхуд шоирнинг ахлоқи асарлари қадар гўзал ва маънавий юксак бўлишини тилаб фикр билдирган.

<sup>1</sup> А.Навоий. Ҳамса. Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

Навоий инсон фақат илм ва тинимсиз меҳнат орқали юксак мақсадларга эришиши мумкинлигини таъкидлайди:

*Уармен қадам токи боргунча гом,  
Ки бўлгай мұяссар менга ушибу ком.  
Агар бўлса бу йўлда умрим талаф,  
Чу бу йўлдадур ул ҳам эрур шараф.  
Ва гар бўлсан ўз комима баҳраманд,  
Зихи мулки жсовиду баҳти баланд.  
Хушо улки, оламда гар чекти ранж,  
Яна олам асбобига топти ганж.*

Алишер Навоий асарларини мутолаа этар эканмиз, шахснинг фаолияти унинг ахлоқи билан бир бутунликда таҳлил этилганига гувоҳ бўламиз. Айниқса, адибнинг «Маҳбуб ул-кулуб» асарида шахс ахлоқини тарбиялаш, уни замонанинг турли қінғир кўчаларидан омон олиб чиқиши ва унда юксак инсоний фазилатларни мужассамлаштириш мақсад этилганки, бу, ўз навбатида, давр ижодкори ва унинг ахлоқи масалаларига ҳам бевосита боғлиқдир. Навоий бу борада ўз мақсадини қуидагича баён этган: «Гоҳ илм мадорисида сафи инолда ер туттум ва уламо маҗолисида илм нуридин кўнгулни ёруттим... мақсад буким, ҳар кўй ва кўчада югурубмен, ва олам ахлидин ҳар навъ элга ўзимни еткурибмен, ва яхши-ямоннинг афъолин билибмен ва ямону яхши ҳислатларни тажриба қилибмен... Бу навъ асҳоб ва ахбобга интибоҳ қилмоқ ва аларни бу навъ ҳолатдин огоҳ қилмоқ вожиб кўрунди».

Захириддин Бобур «Бобурнома»да элликка яқин адиб ҳақида маълумот бериш асносида адабиёт зиммасидағи вазифалар, ижод ва ахлоқ бирлиги хусусида ҳам сўз юритади. Унда Бобурнинг Мавлоно Осафий, Камолиддин Биноий, Сайфи Бухорий, Бадриддин Ҳилолий, санъат ахлидан Ғулмуҳаммад Удий, Шайх Нойи, Хўжа Абдулло Марворий, Мавлоно Камолиддин, Ҳусайн Удий, Гулом Шодий ва бошқалар ижоди ва ахлоқига оид фикрлари

муҳим. Бу шахсларнинг қариб барчасига Алишер Навоий ҳам ўзининг «Мажолис ул-нафоис»и ва бошқа асарларида тўхталиб ўтган. Шу боис Навоий ва Бобурнинг шахс ахлоқи ва обод турмушга бўлган муносабатини қиёсий таҳлил этиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Аввало, таъкидлаш керакки, Бобурда адабиётдаги камчиликларни, адаб шахсияти ва ижодидаги нуқсонларни очиқчасига ифода этиш характерли. Бу конкретлилик замирида гоҳида ҳукмдор Бобурнинг қарашлари ҳам кўзга ташланади. Зеро, фақат Бобурдек адаб ва шоҳгина замонасининг олий мартабали кишилари ижоди ва ахлоқи ҳақида очиқ муроҳаза юритиши мумкин эди (масалан, Ҳусайн Бойқаро, Халил Султон, Шайхим Сухайлий ва бошқалар). Қолаверса, худди ана шу хусусият Бобур дунёқарашини очишига ҳам хизмат қиласи.

Бобур, Камолиддин Ҳусайн асаридаги шакл ва мазмунга алоҳида дикқатни тортади. Бобурга асарнинг «суст»лиги ва аксар «ёлғон»лиги маъқул бўлмаган. Бунинг устига, у «беадабона ҳарфлар битибтур» деб илова қилас экан, бадиий асардаги маълум сўз ва ибораларни ишлатиш меъёрларига, ўша даврнинг ахлоқий мезонлари ва урфда бўлган сўзлар ўрнига ҳақоратомуз, номаъқул сўз ва ибораларни ишлатганини – Камолиддиннинг адаб сифатида ахлоқан номуносиб йўл тутганини танқид қилмоқда.

Камолиддин Ҳусайн шахсиятини янада теранроқ тасаввур этиш, ўша давр ижодкорига қўйиладиган ахлоқий талабларни яхшироқ англаш учун Навоий ва Бобурга замондош бўлган Фиёсиддин Хондамирнинг «Ҳабиб уссиyr» асарида Камолиддин Ҳусайнга берган баҳосини ёдга олиш лозим.

Хондамир ўз асарини устозлари Навоий ва Жомийдан кейинроқ ёзган бўлса-да, унинг қарашларидан ҳам Навоий обрў-эътибори, ўша даврдаги мавқеи ва Абдураҳмон Жомий билан яқин муносабатига оид маълумот оламиз. Хон-

дамир Камолиддин Ҳусайн табиатидаги бекарорликни жонли мисоллар орқали кўрсатади. Камолиддин Ҳусайн Ҳиротга таҳсилга келган пайтида Мирзо Кичик қўй остида бўлади. Бу арбоб адибни ўзи билан бирга Маккага боришни таклиф этади, Камолиддин эса рад жавобини беради. Бироқ Камолиддин қилган ишидан пушаймон бўлиб, ҳукмдори орқасидан йўлга чиқади, аммо Мирзо Кичик Камолиддиндан ранжигани учун уни ўзидан узоклаштиради. Кейинроқ Камолиддин Ҳусайндаги илмга интилиш, адабиётга иштиёқни сезган Алишер Навоий уни ўз паноҳига олади. Кунлардан бирида Султон Яъқуб Камолиддин Ҳусайнга бошқа шаҳардаги кутубхонадан Абдураҳмон Жомийнинг «Куллиёт»ини олиб келишни буюради. Китобдор адашиб Камолиддин Ҳусайнга Жомий асари ўрнига худди шу қалинликдаги ва рангдаги бошқа асарни («Футўҳоти Макка»ни) беради. Ҳиротга қайтгач, катта даврада ҳукмдор Камолиддин Ҳусайндан йўлда зериккан-зериқмаганини сўраганда: «Йўқ, ҳазратим, мен зериккан пайтимда ҳазрат Жомийнинг «Куллиёт»лариким, ёнимда эди, олиб мутолаа қилас эдим ва мамнуунманки, шу фурсатда кўп илмдан баҳраманд бўлдим», – дейди. Камолиддиннинг бу мунофиқлигидан хабар топган Навоий ранжиб, уни ўзидан узоклаштиради. Кейинроқ Камолиддин Бадиуззамон Мирзо паноҳига боради ва ундан ҳам кетиб, Шайбонийхон хизматига ўтади. Камолиддин мисолида биз истеъодли шахснинг ахлоқидаги камчиликлар кўзга ташланар экан, унинг ижоди эл назаридан қолишини кузатамиз.

Алишер Навоий ва Захириддин Бобур ижодида биз ижодкор ва унинг ахлоқига оид мисоллар орқали бу икки алломанинг қарашларини кўриб чиқдик. Навоий қарашларида инсонга, у жамиятнинг қайси тоифасига мансублигидан қатъи назар, комил инсон хусусиятларини сингдириш аниқ намоён бўлса, Бобур қарашларида

конкрет шахс ахлоқи ва уни тарбиялаш масаласи кўпроқ кўзга ташланади. Навоий Ҳусайн Бойқаро ва унинг тўнгич ўғли Бадиузвамон Мирзо ўртасидаги низоларни бартараф этиш учун одил шоҳларнинг иш юритиши ва юксак ахлоқларини мисол келтириб, давр ёшларини тарбиялашга интилса, Бобур фарзанди Ҳумоюнга давлатчилик ишларида фақат пок, жасур, мард, сахий, тажрибали беклар билан маслаҳатда бўлиб юртни бошқаришни таъкидлайди. Ҳар иккала адабнинг киши тарбиясидаги қарашлари, баён услублари ўзларига хос бўлса ҳам, аслида бу қарашларда бир мақсад – шахсда инсоний фазилатларни тарбиялаш, мушкул пайтда кўмакка келиш, инсоф, адолат, шафқат, сабр ва чидамни умр мазмунига айлантириш, мунофиқликдан ҳазар қилишга даъват етакчилик қиласди.

Икки буюк адабимиз Алишер Навоий ва Захириддин Бобурнинг ижодкор ахлоқи, демак, обод турмушга оид қарашлари бугунги кунда ҳам ёшларимизга миллий ва умуминсоний қадриятларни сингдиришда, уларнинг ахлоқ ва меҳнат юксак фазилатлар билан уйғунлашса, кишига эътибор ва шуҳрат келтиришига ишонч ҳосил қилишларида буюк сабоқ вазифасини ўтайди.

## **7. БУЮК МАЪРИФАТПАРВАР АҲМАД ЗАКИ ВАЛИДИЙ ТЎҒОННИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИДА ОБОД ТУРМУШ МАСАЛАЛАРИ**

Таниқли маърифатпарвар Заки Валидийнинг илмий-фалсафий меросида обод турмуш масалаларига бевосита ва билвосита алоқадор фикр-мулоҳазалар талайгина. У фалсафа фанлари доктори, Вена, Бонн, Истанбул, Манчестер, Гёттинген университетларининг профессори сифатида фаолият кўрсатганининг ўзиёқ, қанчалар улкан билим, истеъод соҳиби эканлигидан далолат беради.

А.З.Валидий 1890 йил 10 декабрда Бошқирдистон Ре-

спубликасининг Ишимбой райони (Собиқ Стерлитамак уезді)нинг Кузен овулида маърифатпарвар ва ўз даврининг етук зиёлиси Ахмадшоҳ Валид ўғли Кузанов оиласида таваллуд топган. Бу ўринда баҳс мавзумиз буюк алломанинг ҳаёт йўли бўлмагани боис, қуйида унинг асарларида обод турмуш масаласининг қўйилишига доир мулоҳазаларимизни баён этамиз.

Валидий томониданг илмий жамоатчиликка маълум қилинган Жунайдуллоҳ Ҳозиқнинг “Китоб фит-тиб” (Тиббиёт китоби) асари Ибн Сино йўлини давом эттирган яна бир Шарқлик табобат назариётчиси ҳақидаги салмоқли асар эди<sup>1</sup>. Бу асарнинг илмий истеъмолга киритилиши, айтиш жоизки, жадидчилик ғоялари қанот ёзиб бораётган Туркистон ўлкасида алоҳида аҳамият касб этади. Яъни, замонавий медицинанинг кириб келиши боис, анъанавий халқ табобати таназзулга юз тута бошлаган, одамлар азалий дори-дармонлари ўрнила Оврӯпоча, бежирим қутилардаги малҳамларни қабул қилишни бошлаган эдилар. Ваҳоланки, бугунга келиб аён бўлмоқдаки, ўша Оврӯпача дори-дармонлар ҳам, аслида ўзимизда маълум бўлган витаминлар қоришмасидан иборат экан. Демак, обод турмуш, сиҳат-саломатлик бобида ота-бо боларимиз тутимини четлаб ёинки хатлаб ўтмаслигимиз, аксинча, уларнинг меросини пухта билишимиз, эъзозлашимиз шарт. Бинобарин, Заки Валидийнинг бизга – бугуннинг болаларига айтмоқчи бўлган энг муҳим фикрларидан бири – шу.

Фанда Валидий тарих фалсафасининг назариётчиларидан бири ҳисобланади. Унингча, тарих фалсафаси теократик, материалистик, позитивистик, идеалистик, экспресс, гуманистик<sup>2</sup> турларга таснифланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, у ғоят эҳтиёткорлик би-

<sup>1</sup> Абдурахмонов М., А.Зоҳидий, А.З.Валидий Тўғоннинг Туркистонга илмий сафари. (1913-1914 йиллар) – Т.: «Фан», 1997. – Б.22.

<sup>2</sup> Prof. Zeki Velidi Togan. Tarihte Usul.- Istanbul: 1985. S.135.

лан йўл тутган ва муроса йўли орқали тарих фалсафасига доир барча билим ва қўникмаларни ёшларга ўргатишга эришган. Эҳтиёткорлик шундаки, у тарихга нисбатан ёндашувнинг, шаърий йўлини истифода этиб, маслагида событ қолмоғи, пировардида, ўша даврнинг муайян чекловларига, тазиикларига дучор бўлмоғи мумкин эди. Лекин, бу илмларни минглаб, милионлаб туркистонлик ёшлар ўрганиши, билиши учун, аввало уларни яхлит бир шаклда тартиб бериш, китобат ҳолатига келтирилиши зарур бўларди. Чунки, бошингда қилич айланиб турган паллада ёлғон сўйлаш, мурасасоз бўлиш айб эмас. Бизнингча, Валидий шундай йўл тутган ва авлодлар ўрганини учун тарих фалсафасининг жами қирраларини очик-ойидин баёт этган, асарлар битган. Шу орқали у Туркистон ёшларининг миллий уйғониш ҳаракатига ўзинининг салмоқли улушини қўшган, десак, янгишмаймиз.

Унинг обод турмуш фалсафасига бевосита дахлдор асарлари ҳакида гап кетганда, хусусан, “Ҳирот” номли салмоқли мақоласини ёдга олиш даркор.

Бу мақолада Заки Валидий Хурсондаги бу пойтахт шаҳарнинг диний, фалсафаси, маънавияти, маданияти, тарихий жуғрофиясига доир бир қанча маълумотларни беради.

Бу шаҳар аҳолисининг маълумотларига кўра қадимий тарихга эга шаҳар дейилади. “Авесто” да бу шаҳар Харовд, Харайва номланиб Аҳамоний подшоҳларнинг китобларида (тошибитикларида) Харайва, юнон манбаларида Искандария деб аталган. Ҳирот Сосонийлар даврида ҳам муҳим бир шаҳар бўлган. Сўнг Халифа Усмон даврида хижрий 37 йили Ҳиротни араблар фатҳ этди. Кейинчалик ислом дини кириб келгач Ҳирот анча маданийлашган.

Аҳмад Заки Валидий мақоласида Абдураҳмон Жомийнинг “Нафакатул-унс” асарига таяниб фикр юритишича, Ҳирот шахри узоқ вақт хароба ҳолида қолмаган, Жомий

ёзишича, хижрий 396 йилда Ҳирот ички қальасида машхур шайх Абдулла Ансорий тўғилган ва ўша ерда яшб, илм олган. Демак, Ҳирот XI асрда яна обод шаҳарга илм фан тараққий этган, маданий марказлардан бирига айланган.

Ахмад Заки Валидий XI асрлар Ҳиротнинг ахолисини суннийлик мазҳабида бўлиб, баъзи вақтларда шия ва карматийлар билан суннийлар ўртасида низо чиқнилгини алоҳида айтиб ўтади.<sup>1</sup>

Бошқа манбаларга кўра, Хурросонда ва унинг маркази Ҳиротда мұтазилийлар раҳбари Абул-Ҳасан Али ибн Исмоил ал-Ашъарий етакчилигига калом илми тарафдорлари мутакаллимлар билан Абдуллоҳ Ансорий бошчилигига ханбалийлар ва шофеъийлар ўртасида жиддий баҳс-мунозара бўлар эди. Ал-Ашъарий машҳур тафсирчи (муфассир) ва муҳаддис, калом илми асосчиларидан бири Самарқандлик Абу Мансур ал-Мотурудийнинг шогирди, издоши ва кўёви эди.

Али ал-Ашъарий (873-935) Басрада туғилган, ёшлигида ўгай отаси, Басра мұтазилачилари бошлиғи Абу Али ал-Жуббонийдан, кейинроқ ал-Мотурудийдан таълим олади. Европа исломшунос олимлари А.В.Сагадеев ва Тавфиқ Иброҳим фикрича, ал-Ашъарий калом илмининг зоҳидийлар томонларини традиционалистилардан, хусусан ханбалийлардан ҳимоя қилиш, калом илмини қонунлаштириш билан шуғулланган. Мұтазилийлардан фарқли ўлароқ, ашъарийлар ўзи ва издошлиаридан Абу Исҳоқ Исфароний, Абдул-Қоҳир Бағдодий, Абдул-Карим Шахристонийлар (“Китоб ал-милал ва ан-нихол”, “Мазҳабларҳақида китоби” муаллифи) Баҳриддин Розий, Ибн Рушд ва бошқалар аллоҳнинг борлиги мавжудлиги, зоти ва сифатлари абадий, Қуръон каримнинг маънолари хам абадий яъни яратилмаган (фақат китоби, ҳарф ва изоҳ, таржималари маҳлук яратилган) деб ишонади. Ашъарийлар фикрича, бандалар одамларнинг барча

---

<sup>1</sup> Herat. Ӯslam Ansiklopedisi. Ӯstanbul. 1948. Cilt 5. S. 429.

қилмишларини билади. (У барча қилмишларини ўз ихтиёри билан қилишини ҳам билади.) Ал-Ашъарий фикрича, тақводор, покдомон, зоҳидлар, орифлар, нариги дунёда Аллоҳ жамолини кўришлари мумкин.

“Ҳирот пири” деб шуҳрат топган Абдуллоҳ Абу Исмоил ибн Мухаммад Ансорий (1006-1089) эса, умр бўйи мутакаллимларга, ашъарийларга ва мұтазилийларга қарши руҳда асарлар ёзган. Кескин фикрлари билан диндорлар ўртасида норозилик, низо ва жанжалларни кучайтиргани учун ҳокимлар уни бир неча марта жазога тортиб сургун қилғанлар. У Мухаммад Пайғамбар билан бирга Мадинаға ҳижрат қилғанларни кутиб олган. Саҳоба Айюб Ансорий авлодидан бўлиб, болалиги ва ўсмирлигига ёк Куръони карим ва ҳадисларни ўқиган. Кейинчалик уч юз минг ҳадисни ёд олган. Араб тилида машҳур шоирлардан юз минг байт шеърини ёддан билган. Ўзи ҳам олти минг байт шеър ёзди. У машҳур пир Абул-Ҳасан Ҳараконий билан учрашиб, унга издош бўлади. 1041 йилда Султон Махмуд Фазнавийнинг ўғли Султон Маъсүд қўшинлари Салжукийлар қўшиндан енгилиб, мұтазилийларни, ашъарийлар ва ханафийлар (Имом Аъзам) мазҳабини қўлловчи Салжукийлар салтанатини эгаллач, Абдуллоҳ Ансорий нотинчлик келтириб чиқармасин деб Ҳиротдан қувиб, сургун қиласидилар. Абдуллоҳ Ансорий тасаввуфга доир фалсафий асарларида шариат, тариқат, ҳақиқатни мувофиқлаштиради. Ва умрининг охрида иззат-хурмат топади.<sup>1</sup>

Машҳаддан топилган асарларини орадан бир йил ўтиб, Парижга борганида французларнинг “Осиё Жамиятида”ги нутқида сўзлайди<sup>2</sup>. Бу асарлар орасида IX-X асрнинг би-

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Насойимул муҳаббат. Асарлар. Том 17, - Т.: “Фан”, 2001. 228-230 бетлар.

<sup>2</sup> Валидов А.З. Notices sur les manuscrits ducouverts dans les bibliothéques de Raboul et Mechhed Заметки о рукописях, обнаруженных в библиотеках Кабула и Мешхеда // Азиатик. - Париж: 1924.- № 1. - С.149-151.

ринчи ярмида яшаган Ибн ал-Фақих<sup>1</sup> исмли машхур араб жуғрофия олими асарини Машҳад нусхасини Россия фанлар академияси журналида таҳлили хусусида мақоласи<sup>2</sup> ва унга “Осиё Жамиятида”ги нутқида Машҳадда Ибн Фазлон ҳамда Абу Дулаф исмли икки сайёхнинг асарлари бўлган. Машҳад нусхаси ҳар икки асар ва Ибн ал-Фақих китобининг бизга қадар етиб келмаган деб кўрсатилган тўлиқ нусхаси бўлади. Бу асар хусусида Заки Валидий мақолада: “Мажмуя тартиблаган икки шахс бу бобга замондошлари Абу Дулаф ва ибн Фазлонларнинг саёҳат хотираларини илова қилганлар. Шу тарзда туркийларга оид маълумотлар 90 саҳифа жой эгаллаган. Ибн ал-Фақих дастлаб Пайғамбаримизнинг туркийлар ҳақидаги ҳадисларини келтирган, кейин туркий уруғларнинг ҳар бирини алоҳида таърифлаган. Ибн ал-Фақих туркийларда тош билан ёмғир ёғдириш санъати мавжудлиги ҳақидаги ҳикояларни бир қанча тарихий исмлар билан мисол келтириб ўтади. Исо бин Мухаммад ал-Марвазий туркийларнинг Хуросонга чегарадош энг кучли унсури дея таърифлагани ўғуз, Тўққизўғуз ва қарлукларда бундай ёмғир ёғдириш одати бўлганлигини айтаркан, Хуросон валийси Довуд бин Мансур ал-Бадқисийинг бу борада ўғузлар шоҳи Жаббута ўғли Балқиқдан нақлларини келтиради. У эса бу ривоятларни аждодларидан эшитган экан. Исо бин Мухаммад Тошкент (Шош)га келганда бу ривоятларни Башқиқга таяган ҳолда сўйлайди. Тошкентлик олимлар ҳам ўз билганлари Бақиқ аждоди айтганлари билан бир эканлигини таъкидлашади ва Бақиқнинг бу масалалардан уларга нисбатан яқинроқ воқиф бўлганлигини

<sup>1</sup> Валидов А.З. Ibn al-Fakih'in yeni nushasi (Ибн аль-Фақихнинг янги кўлёзмаси). //Тюрк Юорду.- Анкара: 1924.- №4. – С.297-304.

<sup>2</sup> Ord. Prof. A.Z.V.Togan. Ibn al-Fokihin Türklerle aid haberleri. //Bebelten. – Ankara: 1948.- №45,- s. 11-16; Валидов А.З. Ibn al-Fakih'in yeni nushasi (Новая рукопись Ибнуль-Факиха). //Тырк Юрдъ.- Анкара: 1924.- №4. – С.297-304.

яхшироқ билишини қўшиб ҳам қўйишади. Ҳар ҳолда бу ривоятлардан Довуд бин Мансур амирлиги пайтида Хуро-сондаги каби Тошкентда ҳам таниқли бўлган ўғуз малики Жаббуна яъни Ябгу ўғли Балқиқ билан Хуросон амири орасида алоқа бўлганлиги кўринади.<sup>1</sup>

Шунингдек, Ибн Фазлон “Саёҳатнома”сида Туркийлар ҳаётига доир фикрлари ҳам қимматли манбадир. Тарих институти кичик илмий ходими Ҳ.Мамадалиев: “Ўғузлар исломга киргандаридан кейин от гўшти тановул қилишни тўхтатганлар, бунга сабаб ҳанафий мазҳаби томонидан от гўшти макрух этилгани эди. Ўғузларда исломдан аввалги дин одамлари қом (шомон) деб аталган ва аслида шомон сўзи тунгусча бўлиб, туркийларда деярли қўлланилмаган. Ибн Фазлон ўғузлар худони тангри дейишларини хабар берган. Шунингдек, ўғузларда худога нисбатан Боёт ва Уған сўзлари ҳам қўлланилган. Масалан: Кўркут ота, Занги ота каби. У замонларда отани қанғ деганлар. XIII асрга келиб эса ота ўрнига бобо калимаси ҳам қўлланила бошлайди. Туркий қабилаларнинг шомонларнинг илоҳий куч соҳиби бўлиб, ноёб қобилиятларга эга эканликларига ишонгандар. Уларнинг олдида катта бир қўркув ва ҳурмат ҳиссини туй-ганлар. XI асрга келиб ўғузларнинг Кора денгиз бўйларига кўчган кичик бир қисмидан бошқа ҳаммалари мусулмон эдилар”<sup>22</sup> – деган маълумотни беради.

“Қорахонийлар даври тарихига оид баъзи маълумотлар” мақоласида XIII-асрда йўқолган. Мақолада Туркийларнинг ва Эронийларнинг урф-одатлари, маданий ва иқтисодий ҳаётларига оид маълумотлар ҳам китобларида кўзга ташланади.

Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) замонида Самарқандни зиёрат қилган Хитойлик сайёҳ Хуан-Чанг Ҳиндистонга

<sup>1</sup> Ord. Prof. A.Z.V.Togan. Ibn al-Fokihin Turklere aid haberleri. // Bebelttqr.- Ankara: 1948.- №45,- s. 11-16; Prof. Muhammed Shafi Prezentation volime.- Lahore: 1955.- P.105-113;

<sup>2</sup> e-tarix.uz. IX–XII асрларда Ўғузлар.

кетаётганды, Самарқандда түхтаб ўтган Будда монастири Навбаҳор бўлган.

Бу билан бир қаторда исломнинг илк чоғларида “Шахристон” қалъасини “Темир дарвоза” (Боб ал-Ҳадид) номли бир дарвозаси бор эди. Бу дарвоза араб жуғрофия китобларида ёзилишича, “Навбаҳор дарвозаси” яъни, “Янги Вихара дарвозаси” бўлган. “Тамғачхоннинг хукмронлик даврида “Масжид” номи бугун “Шоҳизинда” яқинида ярми сақланиб қолган. “Масжиди Ҳизр” бўлса керак. Ҳужжатда ёзилишича, бинолар ичида энг муҳими “Етим боласи” номли катта бир сарой ҳисобланган. Бу саройнинг ичида талабалар ётоқхонаси, меҳмонлар учун хоналар, отхона, сомонхона, 4 та тандир, дўконлар бўлганлигини<sup>1</sup> – таъкидлайди.

Заки Валидий тадқиқотлари давомида “Маҳмуд Қошғарийнинг харитасида ҳам, китобидаги каби ҳинд, Хитой ва Будда маданиятларининг изи сезилиб туради. Сарик дарё ва қадимги Хитой хариталарини эслатувчи чизмаси ҳам фикримиз далилидир. Қадимги Хитой хариталарида Европа хариталаридаги каби шимол, ислом хариталарида жануб, Маҳмуд Қошғарийнинг харитасида эса, қадимги туркийларнинг қибласи саналган шарқ марказдир, яъни бунда шимолий туркийлар космогонияси ҳукмрондир. Кейин харитада кўлланилган буёқ ҳам оригинал, ҳам ноаънанавийдир. Хулоса, нима бўлганда ҳам ушбу харита қадимги туркий маданиятни ва туркийларнинг жаҳон ҳақидаги тасаввурларининг энг муҳим, қимматли ҳужжат<sup>2</sup> – эканлигини таъкидлайди.

Туркистондаги санъат асарларининг энг ажойиб ва гўзал намуналари мана шу Амир Темур ва Темурийлар даврига оидdir. Чингизхон қадимги турк давлат

<sup>1</sup> Prof. Zeki Velidi Togan. Karahanlilar tarihine ait bazi kayitlar. // Türk Yurdu. Ankara. 1966. Cilt 5. Sayi 11. (329). S.7-10.

<sup>2</sup> Prof. Zeki Velidi Togan. Türk destaninin tasnifi // Atsiz Mecmua. –İstanbul. 1931. Sayi 1. S.4-5, Sayi 2. S.27-30.

бошқаруви анъаналарини қайта тиклаган эди, Темурбек эса уни ислом маданияти билан озиқлантириб мустаҳкам туркий маданиятни юзага келтиришга ҳаракат қилди. У туркийларни ўтроқ ҳаётга одатлантириди. Туркистоннинг замонамизгача бўлган бутун шоирлари Темур ва Темурийлар даври шоирларига тақлид қилиб келишган. Қолаверса, ўша пайтда яратилган асарлар Европа кутубхона ва музейларидаги энг нодир, энг қимматбаҳо санъат асарлари сифатида баҳоланади.

Заки Валидий Ўрта Осиё аҳолисини келиб чиқиши ва ҳозирги ҳаётини тарихи тўғрисида “Турк-татар тарихи” номли китоб ёзади. Асарда туркий халқлар тарихи билан биргаликда дини, маданияти, маънавияти, географик жойлашуви, ўсимликлар дунёси ҳақида ҳам маълумотлар берилган. Муаллиф китобда туркий халқлар катта халқ бўлиб, ҳозирги кунда Шимолий Осиё ва Шарқий Европада бир хил тилда сўзлашувчиларни таъкидлайди. Заки Валидий туркийларнинг асосий қисми исломга эътиқод килувчилик бўлиб, Шимолий Европа яъни Сибир туркийлари ўз эътиқодларида қолишган (яъни шомон) бир нечта халқлар охирги вақтларда расмий равишда христиан динига ўтишган. Туркий халқлар қадимдан бир-бирига яқин яшаган бўлиб, таржимонсиз гаплашишда бир-бирини ўзаро тушунадилар.

Китоб кейинчалик 1912 йилда “Турк Юрти” журналида нашр этилади. Бу асарга немис шарқшуноси Мартин Хартман, Венгер X. Вамберилар ижобий баҳо беришади. Туркистондан М. Беҳбудий, А.Зохирий, Юсуфхўжа Оғалиқ ўғли, шу китоб билан танишишган. Асарни ўқиган Беҳбудий Валидийни “Буюк турк муаррихи”<sup>1</sup> – дея таъриф беришади.

Асарни ўқиган Маҳмудхўжа Беҳбудий Заки Валидийни тарихдан дарс бериш учун Самарқанддаги мадрасасига таклиф қиласиди.

<sup>1</sup> Prof. Zeki Velidi Togan. Hatiralar ... –Ankara: 1999, §52.S. 90-91.

Беҳбудий “Миллатни тарихини билиш, Туркистонда ўтган боболаримизни ижтимоий ҳаёти, қайси йўл билан тараққий этганини ва маданиятини билиш учун “Туркистон тарихи” бор бўлганда тарихий хатоликларни билиб ибрат олган бўлар эдик. Бу қийин масала бўлиб, бунда ёш муаррихимиз мухтарам Аҳмад Заки Валидий афандидан умид қилмоқдамиз”<sup>1</sup> – деб ёзади “Ойна” журналида.

Заки Валидий шарққа оид қарашларни таҳлил қиласкан, бу борада Олмон, Австралия ва Рус академиялари туриши, Германияда Бавария, Саксония ва бошқа фанлар академиялари нашриётида шарқга оид ишлар нашр этилсада, булар айнинса Пруссия академияси ва Гётингенгем илмлар жамияти нашриётида кўп нашр этилганини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтганда, Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг илмий меросида билвосита ва бевосита обод турмуш ма-салаларига доир фикрлар талайгина. Фақат бунда бир жиҳатни ёдда тутиш керак: улуг мутафаккирнинг ижодида обод турмуш хусусий ҳолатда эмас, эл-юрт, Ватан, умуммиллат манфаатларига боғлаб тадқиқ этилади...

## 8. МУСТАҲКАМ ОИЛА – ОБОД ТУРМУШ ТАРЗИНинг АСОСИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг оила, унинг жамиятдаги ўрни ҳақида бир неча илмий ва амалий ишларни олиб борди. Бу борада Президент Ислом Каримовнинг асарлари ва маърузаларида оила тўғрисидаги концептуал фикрлари хозирги даврнинг мухим илмий ва амалий жиҳатдан касб этмоқда. Хусусан Президентимиз Ислом Каримов шундай дейди: “Ўтган давр мобайнида биз эришган марралар ҳақида гапирав эканмиз, ҳеч шубҳасиз, кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини ўётадиган натижалар, яони, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажмининг, аҳоли реал

<sup>1</sup> Махмудхўжа Беҳбудий. Туркистон тарихи керак // «Ойна». № 38. 1914.

иш ҳақи ва даромадларининг юксак ўсиш суроатларини; иқтисодиётимиздаги туб таркибий ўзгаришлар ва мамлакатимизда ишлаб чиқариш ўзлаштирилган мутлақо янги, рақобатдош маҳсулотларнинг жаҳон бозорига чиқарилаётганини; юртимиз қиёфасини бутунлай ўзгартираётган иншоотлар ва ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий обектлар ва турар-жой биноларини барпо этиш бўйича кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишларини; таълим-тарбия, солиқни сақлаш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш соҳаларида қўлга киритаётган улкан ютуқларимизни ёрқин мисолларда кўриш ва англаш қийин эмас.

Ана шундай бекиёс ўзгаришларнинг амалий, ҳаётий натижаси сифатида юртимизда болалар ва оналар ўлими кескин қисқаргани, аҳолининг ўртача умр қўриш дарожаси ҳозирги кунда собиқ СССР худудидаги энг юқори кўрсаткичлардан бирига – 73 ёшга, аёлларимиз ўртасида эса 75 ёшга етганининг ўзи, ўйлайманки, ҳеч кимни, авваламбор, шу юртда яшаётган одамларни бефарқ колдирмайди, албатта”.<sup>1</sup>

Бундай амалий ишларни ҳар бир йилни маълум бир ном билан аталиши, мамлакатмизда олиб борилаётган ислоҳотлар натижаси дейишимиз мумкин. 1997 йил – Инсон манфаатлари, 1998 йил – Оила йили, 1999 йил – Аёллар йили, 2000 йил – Соғлом авлод йили, 2001 йил – Оналар ва болалар йили, 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили, 2003 йил – Обод маҳалла йили, 2004 йил – Мехрмурувват йили, 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили, 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили, 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили, 2008 йил – Ёшлар йили, 2009 йил

<sup>1</sup> Каримов И. Бизнинг ўўлимиз – демократик ислоҳотларни чуқурлашириш ва модернизация жараёнларини изчил давом этириш ўйлидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси. 08.12.2011.

– Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, 2010 йил – Баркамол авлод йили, 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, 2012 йил – Мустаҳкам оила йили деб эълон қилинди. 2012 йилни Президентимиз томонидан “Мустаҳкам оила йили” ва 2013 йил “Обод турмуш йили” деб эълон қилиниши юқоридаги фикримизнинг тасдиги дейишимиз мумкин.

Президентимиз ташаббуслари билан Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 2 февралдаги 54-сон қарорига асосан Республика “Оила” илмий-амалий Маркази ташкил этилди.

Президент Ислом Каримов ўз маърузаларида мустаҳкам оила ҳақида шундай деган эди: “Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлса, давлатда асойишталик ва барқарорлик хукм суради”.

Обод турмуш тарзини оилани  
мустаҳкамлада қўйидагиларга кўпроқ  
эътибор қаратиш лозим:

Ёш йигитқизларнинг турмушлари обод ва оила мутахҳам бўлиши учун оиласда соғлом мухитни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

Бола тарбияси соғлом мухитни шакллантиришда оила, мактаб, маҳалла ҳамкорлигини янада тақомиллаштириб бориш;

Ўтмиш адлодларимизнинг ибратли ва машаққатли босиб ўтган йўлини, оиласи мукаддас кўргон сифатида эътироф этгандигини ёшлиар онига етказишига эътибор бериш;

Ёш оиласар билан ишлашда маҳалла фукаролар йигини кенгаши ва комиссиялар ишини янада жонлантиришга эътиборни қаратиш кабилардан иборат.

Ёш демократик давлатимизнинг оиласларни, маънавий ва руҳий баркамоллигини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилаётган сайъи ҳакатлари кун сайин ортиб бормоқда. Президент И.А.Каримов бошчилигида ҳукуматимизнинг оила мустаҳкамлигини таъминлаш, унинг ижтимоий функцияларини амалга ошириш имкониятларини кенгайтириш, айниқса, оиласнинг фарзандлар тарбиялашдаги нуфузини оширишга кўмаклашиш ҳамда ёш эр-хотинларнинг уй-жой, майший шарт-шароитларни яхшилаш борасидаги аниқ дастурий тадбирлари мамлакатимизда оила ва никоҳ муносабатларининг қадрият сифатида эътироф этилишини таъминламоқда.

Хўш, оила тарихий жараёнда қандай вужудга келган? Бу ҳақда олимларнинг турли қарашлари мавжуд.

Шу нарса аёнки, кишилик тараққиётининг ilk босқичларида ҳам оила тушунчаси пайдо бўлмаган, лекин жинсий эҳтиёж туфайли эркак ва аёл жуфтлашуви мавжуд эди. Дастреб, бу жуфтлашув танлов асосида эмасди. Ҳатто насл қолдириш мақсади ҳам кўзланмас, шунчаки тасодифий эҳтиёжни кондиришга йўналтирилган эди. Бора-бора эндогамия ва экзогамия муносабатлари қарор топа бошлади. Дастреб муайян уруғ ёки қабила аъзолари ўртасидаги гурухий никоҳга асосланган эндогамик оила типи юзага келди.

Бундай оила типини (никоҳни) излари аталмиш инcest, сарорат, левират ва полигамик оиласларни онда-сонда бўлса ҳам ҳозирги кунда ҳам учратиш мумкин.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, “Оила хақида гапирав эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканини тан олишимиз даркор”<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Каримов И.А. Хавфисзлик ва баркарорли йўлида. Т. 6. – Т.: Ўзбекистон. 1998. -Б. 400.

Никоҳ орқали оила қуриш жамият тараққиётининг кейинги ривожланган босқичларида вужудга келган. Ундан аввалги даврда оила қуриш тартиби, усули, умуман оилани вужудга келиши тарихи соҳа олимларининг қизиқтирган муҳим масалаларидан биридир.

Никоҳ – арабча сўз бўлиб, қўшилиш деган маънони англатади<sup>1</sup>. Бу факат жисмоний жуфтлашиш эмас балки маънавий муштараклашишdir. Бу ижтимоий ҳодиса бўлгандлиги учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади.

Бурхониддин Марғиноний ёзишича: “Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир”, чунки Расулуллоҳ (с.а.в) “Гувоҳларсиз никоҳ – никоҳ эмас” деганлар<sup>2</sup>.

Никоҳ барча даврларда ҳам ҳақиқий оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, хуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оилани давлат, жамоат томонидан расмий равишда тан олинишидир. Шу сабабли ҳам никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар билан белгиланган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакли ва мақсадлари масаласига бефарқ қаралмаган. Никоҳнинг бекор қилиниши эса, давлат томонидан қайд этилган. Унинг ахлоқий, хуқуқий меъёрлари белгилаб қўйилган.

Мамлакатмизда никоҳнинг хуқуқий асослари яратилган бўлиб, 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциямизда ва 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Оила кодексида белгилаб берилган. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасида таъкидланишича, “Никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг хуқуқлигига асосланади”. Ўзбекистон Республикаси Оила Кодексининг 13-моддасига биноан, “Никоҳ

<sup>1</sup> Отахўжаев Ф. Никоҳ ва уни хуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент. 1995. – Б.19.

<sup>2</sup> Бурхониддин Ал-Марғиноний. Ҳидоя. Т.1. –Т.: Адолат. 2001. –Б. 647-648.

фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида тузилади. Шундай никоҳгина ҳукуқ ва мажбуриятни вужудга келтиради. Диний расм-русларга биноан тузилган никоҳ юридик кучга эгас. Шунингдек, сохта никоҳ, яъни эр-хотин ёки улардан бирининг оила қуриш мақсадини кўзламай тузган никоҳи ҳам ҳақиқий эгас деб топилади”.


Никоҳ ёши Ўзбекистонда эркаклар учун 18 ёш, аёллар учун 18 ёш этиб белгиланган. Узрли сабаблар бўлганида, алоҳида ҳолларда никоҳланувчиларнинг илтимосига кўра, никоҳ давлат рўйхатидан ўтказиладиган жойдаги туман, шаҳар ҳокими никоҳ ёшини кўпи билан 1 йилга камайтириши мумкин. Никоҳ эр-хотиндан бирининг ўлими ёки ўлган деб эълон қилиниши оқибатида тутатилади. Эр хотин ҳаётлигига никоҳдан ажralиш йўли билан бекор қилиниши мумкин.

## ОИЛАНИНГ ТИПЛАРИ

*ИНЦЕСТ ОИЛА* – отанинг ўз қизи ва аксинча, онанинг ўз ўғли билан гайриинсоний жуфтлашиши

*САРОРАТ ОИЛА* – аканинг ўз синглиси ва уканинг ўз опаси билан курган ғайришаърий оила

*ЛЕВИРАТ ОИЛА* – бева хотиннинг ўз қайногасига, яъни вафот этган эрининг акаси ёки укасига ва аксинча, ўлган хотиннинг онаси ёки синглисига уйланиши, бошқа бир ҳолда бир аёлга барча ака-укаларнинг эрлик қилиши кўп эрлик негизидаги оиладир.



Шундай никоҳ ҳукм сурган давр ҳам бўлганки, қабила она томондан қон-қардош бўлган бир қанча гурухларга, уруғларга бўлинниб, улар ичida никоҳ мутлақо ман этилган. Шунга кўра, бу уруғларга мансуб бўлган эркаклар гарчи қабила ичидан хотин олишлари мумкин бўлсада, бироқ хотинни ўз уруғидан бошқа уруғдан олишлари лозим бўлган эди.

Никоҳ ва оила муносабатларининг кўпчилиги одоб-ахлоқ нормалари билан тартибга солинади. Шундай бўлсада, баъзи урф-одатлар, анъана ва расм-русумларга ҳам қонуний жиҳатдан ёндашмоқ ҳозирги кун талабига айланди. Оиланинг ҳақиқий баҳт макони бўлишини таъминлашда муҳаббат, бурҷ, виждан, ҳалоллик, ўзаро ҳурмат, бир-бирига кўмаклашиш каби эзгу ниятларнинг рўёбга чиқиши учун бир оиласда ҳуқуқий билимларга таянган ҳолда замин яратилиши лозим. Ҳуқуқ – никоҳ ва оила муносабатларининг айримларини тартибга солади.

Оилавий муҳит – оилавий муносабатлар, тарбиявий жараёнлар кечадиган ижтимоий-маънавий, муҳитни ифодоловчи тушунчадир. Қайси миллатнинг ўзига хос

маънавияти, дунёқараши, тасаввур ва эътиқодини шакллантириш ҳамда юксалтиришда оиланинг ўрни ва таъсири бекиёсdir. Инсон қалби ва онгидаги энг соф, покиза туйғулар, илк ҳаётий тушунча ва тасаввурлар энг аввало, оила бағрида шаклланади. Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, "...айнан оила муҳитида пайдо бўладиган ота-онага ҳурмат, уларнинг олдидағи умрбод қарздорлик бурчини чуқур англаш ҳар қайси инсонга хос бўлган одамийлик фазилатлари ва оилавий муносабатларнинг неғизини, оиланинг маънавий оламини ташкил этади. Кўп йиллик илмий кузатиш ва тадқиқотлар шуни кўрсатадики, инсон ўз умри давомида оладиган барча информациянинг 70% ни 5 ёшгача бўлган даврда олар экан. Боланинг онги асосан 5-7 ёшда шаклланишини инобатга оладиган бўлсақ, айнан шу даврда унинг қалбida оиладаги муҳит таъсирида маънавиятнинг илк куртаклари намоён бўла бошлайди. "Халқимизнинг қуш уясида кўрганини қилади", деган доно мақоли, ўйлайманки, манашу азалий ҳақиқатни яққол акс эттиради. Одамзот учун бир умр зарур бўладиган табиий кўникма ва хусусиятлар, масалан, қайси боланинг ўзига ҳос ва ўзига мос қобилияти, атрофдаги одамлар билан муомаласи, тенгдошлари орасида ўзини қандай хис қилиши, етакчилик хислатларига эга бўлиши ёки бўлмаслиги, керак бўлса дунёқараши – буларнинг барчаси аввало, унинг туғма табиати, шу билан бирга, оилада оладиган тарбиясига узвий боғлиқ эканини ҳаёт тажрибаси кўп мисолларда тасдиқлаб беради"<sup>1</sup>.

Комлоши М. йиққан материалларини таҳлил қилиб, оила муҳити (вазияти, шароити, ҳолати)ни қуидаги учтоифага: ўзгарувчан,ижобийва салбий.

Бола учун оиладаги соғлом ижтимоий-рухий муҳит умуминсоний ва миллий қадриятлар манбаидир. Шарқона қадриятлар, ахлоққа асосланган ўзбек оилаларида ўз шах-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: “Маънавият”. 2008. –Б. 52-53.

сий фаровонлигидан кўра оила шаънининг баланд тутилиши, қариндош уруғ ва яқин одамларга, қўни-қўшниларга ғамхўрлик қилишни биринчи ўринга кўйилиши – олий даражадаги қадрият бўлиб, оилани ташқи муҳит билан боғлашга ва мустаҳкамлигини таъминлашга ҳизмат қиласи.

Оила аъзоларининг ўзаро муаммоларини тадқиқ қилган венгер социологи М.Комлоши 10-14 ёшдаги мактаб ўқувчиларининг ўқишга ва меҳнатга бўлган муносабатига бевосита таъсир қилувчи оила муҳити (вазият, шароит, ҳолат) омилларини тўрт гурӯхга ажратади:

- 1) ота-оналарнинг жамоатчилик фаолияти (уларнинг мафкуравий қарашлари ва ишга нисбатан муносабатлари);
- 2) оила ичидаги муносабатлари (ота ва она муносабати, ота-оналарнинг бува ва бувига муносабатлари, aka-укалар ва опа-сингилларнинг ўзаро муносабатлари);
- 3) ота-оналарининг тарбиявий-педагогик фаолияти (уларнинг тарбиявий муаммолари, қизиқишлиари, мактаб билан ҳамкорликлари, ўқувчиларга дарс тайёрлаш кезида ота-оналарнинг ёрдами, уларнинг тарбиявий аҳамияти);
- 4) оиласда ўқувчининг фаолияти (ўқувчининг кундалик тартиби, хўжалик ишларидаги муайян мажбурияти) ва бошқалар.

Президент И.Каримов “Бугунги кунда биз ҳеч кимдан кам бўлмайдиган демократик давлат, халқимиз учун озод ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадлари билан яшар эканмиз, оила институтини янада мустаҳкамлаш” кераклигиги алоҳида уқтириб, 2012 йилга юртимизда “Мустаҳкам оила йили” деб ном берилди. “Азал-азалдан халқимиз учун муқаддас бўлмиш оилани ҳаётимизнинг таянчи ва суюнчи, жамиятимизнинг ҳал қилувчи асосий бўғини деб қабул қилиниши, замирида, ҳеч шубҳасиз жуда катта маъно моҳият мужассам. Чунки, оила соғлом экан – жамият

мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан, – мамлакат барқарор”<sup>1</sup>

Оила инсониятнинг ўз-ўзидан кўпайиши, ўз-ўзини бошқариш ва яхлит бир жамиятни юзага келтирган илоҳий ва мўъжизавий кашфиёт. Оила қонунларининг муҳим вазифаларидан ва мақсадларидан бири – фуқароларнинг оила олдидаги ўз масъулиятларини хис қилишдан иборат<sup>2</sup>.

Ёшларда маънавий қадриятлар ва эътиқодни шакллантираси эканмиз, бу соҳадаги бирламчи тажриба оиласи мухитда ўзлаштирилади. Шахс хулқидаги ҳар қандай оғишлар, маънавий парокандалик белгилари авваламбор оила шаротидаги нуқсонлар билан белгиланади. Қолаверса, оиланинг асосий вазифаси жамият талабига мос инсонни етиширишdir. Шунинг учун ҳар қандай шаклланиш, ҳар қандай эътиқод тарбияси оиладан бошланади.

Инсон оила аъзолари даврасида меҳр-муҳаббат олади, хурмат ва эътибор қозонади, ўз оиласи паноҳида ҳимояланади ва қийин вазиятларда таянч топади. Президентимиз И.Каримов таъкидлаганидек, “Мендан энг катта бойлик нима деб сўрашса, билимли, ақлли одобли, эртанги кунини ўйлайдиган фарзанд ота-онанинг энг катта бойлиги. Бундай бойлика эга бўлганларни жамоа бойбадавлат ота-она, бой-бадавлат оила деб тан олади. Бундай оила ҳеч қачон хор бўлмайди.”<sup>3</sup>

Замонавий оила тарбиясида болаларни миллий мустақиллик руҳида тарбиялаш, уларда миллий ғурур, миллий онг ва ўз-ўзини англаш, ватанпарварлик

<sup>1</sup> Каримов И.А. Бизнинг йулимин – демократик ислохотларни чукурлаштириш ва модернизация жараёнларни изчил давом эттириш йўлидир. // ЎзР Конституциясининг 19 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маъruzаси. Халқ сўзи, 2011, 8 декабр.

<sup>2</sup> “Ўзбекистон Республикасининг Оила Кодексига шархлар. -Т.: Адолат, 2000, - 11 бет.

<sup>3</sup> Каримов И. Хавфсизлик ва баркарор тараккиёт йўлида. Том 6. - Т.: Ўзбекистон, 1998, - 400 бет.

туйғуларини шакллантиришни тақозо этади. Болага, ватанга меҳр ғоясини сингдириш, миллат ва халқ ўтмишига, унинг қадриятларига бўлган ҳурмат-эҳтиром хиссини тарбиялашдан келиб чиқади. Шуни таъкидлаш лозимки, ота-онанинг болага, боланинг ота-онага бўлган муҳаббати Ватан ва миллатга бўлган меҳр-муҳаббат билан йўғрилган бўлмоғи лозим.

Замонавий оила ўзининг тарбия йўналишида миллий ва умуминсоний қадриятлар ўзаро уйғунлик касб этган. Ўз анъаналарини авлодларнинг бой тажрибалири асосига қурган ва уларни мунтазам бойитиб боришга одатланган, соғлом маънавий-ахлоқий муҳитга эга бўлгани натижасида ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитда ҳам ўзлигини йўқотмайдиган, ўз даври билан ҳамиша ҳамнафас ва ҳамкор оиладир. Одатда бундай оилада, оилавий муносабатлар тўғри йўлга кўйилган бўлиб, ота-она ва фарзандлар, бобо-момолар ва набиралар ўртасида бир-бирини тушуниш, англаш, ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдамлашиш, меҳр-мурувват кўрсатиш тамойиллари уйғунлик касб этган бўлади. Ўзбекистонда оила фаровонлигини таъминлаш, аҳоли соғлигини муҳофаза қилиш ва уни ҳар томонлама ривожлантириш, ёшларни маънавий баркамолликка эриши муаммоси, давлат, жамоат, хусусий амалиёт доирасида ҳал қилинаётгани асл ҳақиқатдир. Оила фаровонлигини таъминлаш, уни мустаҳкамлаш, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, таълим жараёнини миллийлаштириш, миллий қадриятларни тиклаш масалалари давлат сиёсатига айланган. Бу ҳакда Президент И.Каримов "...Жамиятимизнинг асоси оила моддий ва ижтимоий жиҳатдан мустаҳкамланмоқда. Биз давлатимизнинг ижтимоий асосларини мустаҳкамлашда, унинг барқарорлигига мамлакатимизнинг эртанги тақдирни билан боғлиқ бўлган жисмонан соғлом, маънавий жиҳатдан етук ёш авлод-

ни тарбиялашда оиланинг муҳим ўрин тутишига катта аҳамият бермоқдамиз”<sup>1</sup> – деб таъкидлаганлар.

Умуман олганда, соғлом авлод, энг аввало соғлом наслни, руҳи фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур, ватанпарвар авлоддир. Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади. “Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлади, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлади.”<sup>2</sup> Биз мамлакатимизнинг келажагини қўзда тутган ҳолда, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда жамиятимизнинг энг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлмиш оиласа алоҳида эътибор бериш ва уни ҳар томонлама асраб-авайлашимиз зарур.

---

<sup>1</sup> Каримов И. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. 16 Том. -Т.: Ўзбекистон, 2008. - 160 бет

<sup>2</sup> Каримов И. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Том 8. -Т.: Ўзбекистон, 2000 -95 бет

## **П-ФАСЛ. МАҚОЛАЛАР**

### **ТАБИАТГА БЕПИСАНД МУНОСАБАТ – ОБОД ТУРМУШ КУШАНДАСИ**

Атроф табиий мұхитни мұхофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш, фуқароларнинг қулай табиий атроф мұхитга эга бўлиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш Ўзбекистон давлати экологик сиёсатининг асосий йўналиши хисобланади. Юртимизда амалга оширилаётган туб ўзгаришлар, жамиятни янада демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ва модернизациялаш асосли равишда экологик муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Ушбу ислоҳотлар самараси ўлароқ, экологик йўналишдаги 100 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотни бирлаштирган Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг ҳуқуқий мақоми янги сифат босқичига кўтарилди ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз депутатлик ўринларига эга бўлди. Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, Ўзбекистон Экологик ҳаракати “атроф мұхитни мұхофаза қилиш масалаларини ўртага кўйиш ва назорат қилиш, инсонни ва мамлакат аҳолисини экологиянинг хавфли ҳамда тажовузкор ўзгаришларидан ҳимоя қилиш учун улкан имкониятларни кўлга киритди”<sup>1</sup>. Бу ўз навбатида экологик хавфсизлик муаммосини ҳал этиш борасида мухим ижобий қадам бўлди. Бу борада Президентимиз И.А.Каримов экологик хавфсизлик муаммосига тўхталиб, “радиоактив ифлосланиш катта хавф туғдирмоқда. Навоий вилоятида-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва ҳалқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 29.

ги қолдиқлар сақланадиган жой экологик жиҳатдан хавфли ифлослантириш ўчоғи ҳисобланади. Бу ердаги радиоактив құмни шамол учирин хавфи бор”<sup>1</sup>, – деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан ҳам, экологик хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида радиациявий хавфсизликни таъминлаш мүхим аҳамият қасб этади. Хусусан, “2008–2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф мухитни муҳофаза қилиш ишлари дастури”да ҳам радиация жиҳатидан хавфли ҳудудларида экологик ҳолатни соғломлаштириш экологик хавфсизликни таъминлашнинг мүхим йұналиш сифатида мустаҳкамланған.

Таъкидлаш жоизки, собық Иттифок даврида республикамиз трансчегаравий ҳудудларида, хусусан, Қирғизистон ва Тожикистан чегарасида зарур хавфсизлик чоралари күрілмаган ҳолда бир неча радиоактив чиқындилар омборлари жойлаштирилған бўлиб, хозирда, нокулай табиий шароитлар таъсири остида ушбу омборлар бузилиши ҳамда атроф мухитни радиациявий ифлослантириш манбаи бўлиб қолиши мумкинлиги ҳам бу борадаги вазиятнинг нақадар жиддийлигидан далолат беради.

Мустақиллик йилларида эса, мамлакатимизда экологик хавфсизликни таъминлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар тизимида радиациявий хавфсизликни таъминлаш бўйича ҳам салмоқли ишлар амалга оширилди. Чунончи, радиациявий хавфсизликни таъминлашнинг ташкилий-хукукий асослари ва зарур қонунчилик базаси яратилди ҳамда ушбу соҳада самарали давлат бошқарувин ва назорат тизими йўлга кўйилди.

Гарчанд, ўтган йиллар мобайнида юртимизда радиациявий хавфсизликни таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилган бўлса-да, бу борада ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина. Хусусан, хўжалик фаолиятини юритиш натижасида кимёвий ашёларни иш-

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – Б.512.

латиш ҳажми сезиларли даражада қисқартирилганлигига қарамасдан (қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришда сўнгги 10-12 йилда пестицидлардан фойдаланиш ҳажми 3-4 марта қисқарган), тупрокни ва сувни қолдиқ токсик моддалар билан ифлослантириш муаммоси ҳали ўз ечимини топганича йўқ. Шунингдек, мамлакатимиз худудида 13 та заҳарли кимёвий моддаларни кўмадиган жарликлар жойлашган ҳамда фойдаланиш ман қилинган жами, тахминан 9 минг тонна заҳарли кимёвий ва радиациявий моддалар кўмилган бўлиб, барча заҳарли кимёвий моддалар кўмилган жойларни сақлаш шароити белгиланган талабларга жавоб бермайди.

Ушбу ҳолатлар мамлакатимизда радиациявий хавфсизлик ҳолати тўғрисидаги вазиятни чуқурроқ таҳлил этиш ҳам бу борадаги ҳуқуқий базани такомиллаштириш заруриятидан далолат беради. Хусусан, Республикаимиз худудида уран қазиб олиш жараёнида кўплаб уюмлар тўпланиб қолган, жумладан, бугунги кунда 150 та участка радиоактив ифлосланган бўлиб, улар маҳсус дастур асосида режали тарзда дезактивация ва рекультивация қилишни талаб этади. Бу ўз навбатида, мамлакатимизда радиоактив уран рудаларини қазиб олиш экологик хавфсизликка маълум даражада хавф солаётганлигидан далолат беради<sup>1</sup>.

Уран рудаси обьектларидан ташқари, Ўзбекистон худудида таркибида радиоактив моддалар миқдори кўп бўлган бошқа фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш обьектлари ҳам мавжуд. Чунончи, кўмир ва фосфоритлар қазиб олиш ва қайта ишлашни мана шу обьектлар сирасига киритиш мумкин. Масалан, Ангренда қўнғир кўмир конида қазиб олинаётган кўмирнинг умумий миқдоридан 15 % га яқини табиий уран ва унинг пар-

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза (2002-2004 йиллар). – Тошкент: Чинор ЭНК, 2006. – Б. 78–79.

чаланиш маҳсулотлари билан ифлосланган бўлиб, у ҳам атроф муҳитни радиоактив ифлослантирувчи хавф манбай бўлиб қолмоқда.

Шунингдек, Навоий шаҳри яқинида жойлашган гидрометаллургия заводи – НТМК чиқиндишларни сақлаш омбори ҳам атроф муҳит учун маълум радиациявий хавф туддиради. Ҳозирги кунга келиб 59,7 минг тонна чиқиндишлар мавжуд бўлиб, уларнинг радиоактивлиги 90 кБк/кг гача этади. Ушбу ҳудудда чиқинди қолдиқларининг Зарафшон дарёсига қисман сингиб бориши ва уларнинг ер ости сувларига тушиши кузатилмоқдаки, бунинг натижасида 1 км кенгликдаги майдонда минерализация 2-3 баробар ортиб кетиши аҳоли саломатлигига хавф солмоқда ва радиациявий хавфсизлик талабларини бузмоқда<sup>1</sup>.

Ўзбекистоннинг шимоли-ғарбидағи Учқудук шаҳрида 1961 йилдан бери ишлайдиган уран рудаси омборлари ҳам жойлашган бўлиб, омборларда сақланаётган радиоактив чиқиндишлар ҳажми 3 млн. тоннага яқинни ташкил этади. Ушбу ерларда экспозицион доза қуввати 10-400 МКР/сатни ташкил этиши ҳам радиациявий жиҳатдан хавфли саналади.

Юқоридагилар билан бир қаторда, Тошкент вилояти Оҳангарон тумани ҳудудидаги Янгиобод руда конида, Наманган вилояти Поп туманидаги уран конларида ҳосил бўлган радиоактив чиқиндишлар ҳам радиациявий хавфсизликка таҳдид солмоқда ва бу ўз навбатида, радиациявий хавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштиришни тақозо этмоқда<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф-муҳит ҳолати ва табиий ресурслардан фойдаланиш тўғрисида миллий маъруза (1988-2007 йиллар бўйича ретроспектив таҳлил) / ЎзР Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. – Тошкент: Чинор ЭНҚ, 2009. – Б. 157-159.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикасида атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг ҳолати тўғрисида миллий маъруза (2002-2004 йиллар). – Тошкент: 2006. – Б. 78-84.

Ушбу маълумотлар мамлакатимизда радиациявий хавфсизликни таъминлашга оид ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий муаммолар мавжудлигидан ҳамда уларнинг илмий асослантирилган ечимини излаш, шунингдек, бу борадаги қонунчилик базасини янада ривожлантиришини тақозо этади ҳамда диссертация мавзусининг долзарблигидан далолат беради.

Атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, инсон соғлигини ҳимоя қилиш, радиация хавфсизлигини таъминлашга бағишлиланган илмий тадқиқот ишлари олиб бориш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Чунки, бу муаммо республикамиз мисолида ҳуқуқшунослик фани нуқтаи назаридан тадқиқ этилгани йўқ. Бу аввали, радиация-вий хавфсизликнинг назарий муаммолари ўрганилмаганлигига, шу билан бирга, миллий қонунчилигимизда радиация хавфсизлиги, радиоактив ашё-лар, ядро материаллари ҳамда атом энергиясини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш жараёнида вужудга келади-ган чиқиндиларни тавсифловчи бир қатор аралаш тушунча-лардан фойдаланишга сабаб бўлмоқда. Ушбу тушунчаларнинг ўзаро муносабати жуда мураккаб бўлиб, уларнинг моҳиятини изоҳлаб беришни талаб этади. Чунки, бу ҳуқуқий нормаларни амалга ошириш уларни амалиётда қўллашда се-зиларли даражада қийинчиликларни туғдирмоқда.

## 1. Театр – ибратхона...<sup>1</sup>

Миллий академик драма театrimиз кейинги йилларда кўплаб созу етук асарларни саҳналаштириб, томошабинларни хушнуд этиб келмоқда. Ҳар бири турли жанр ва мавзулардан баҳс очгувчи мазкур спектакллар, албатта, ўз аудиториясига эга бўлди, ҳақли эътироф ва... эътиrozлар билдирилди.

---

<sup>1</sup> Мўминжон Ҳўжаев.

\* \* \*

... таърифлай олмайман, аммо, писеса якунида барча баравар йиглади... Бу йиги соф миллий характернинг ғолиб келганлиги учун дувва-дувва оқар, киши мириқиб, маза қилиб йигларди. Мен шу кунгача фақат бир марта айни ҳолга тушганман. Ўшандада мархум адаб Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбек характери”ни илк дафъа мутолаа қилиб эдим. Бугун эса..., ўзбек характери боз дилни ажаб ҳиссиётларга ошино этди. Ўзбек бўлганлигим учун кўнглим осмон бўлиб, чин қалдан бир тўкилиб олдим. Холбуки бояги спектаклда Ирода (Дилноза Кубаева) ўлган – биз ғолиб чиқмагандик, орзу-нияларга эришмагандик... (аксарият спектаклларнинг фина-лида ҳамма муроду мақсадига эришиши русум бўлган бир паллада, рости, бундай услугуб, ечим кишига бироз эриш тую-ларкан, фикрлашга ундаркан!) Лекин ҳамма гап шунда...

У ўлди, у мағлуб. Бироқ...

Қани эди, ҳаммага ҳам унингдек мағлуб бўлиб шарафи насиб қиласа...

Бефарзандликдан азият чекаётган севишганлар боши берк кўчага кириб қоладилар. Исмоилjonni (Фатхулла Масъудов) акаси, опаси унга ўз фарзандларини беришга умуман кўнишмайди. Шунда Ирода ўзи ишлайдиган қасал-хонадаги бир дугонасини эрига тегишга кўндиради. Бир амаллаб эрини ҳам кўндиргач, тўй бўлади.

Тўй. Биринчи кечак. Илк кундошлиқ туни.

Ирода телба бўлаёзган: янги келин тушган уйга қараб нола қиласди, эрини ўзга аёл қучогида ётганини ўйлаб хеч чи-дай олмайди, сабри етмайди. Қийноқлар ҳаддан ошиб, жон куши танни тарк этар онлари яқинлашади, у кучдан қолади, аста-секин хушини йўқотиб бораётган Иродани бағрига бос-ганча янги келин ҳузурига кирмаганини.., кира олмаганини айтади. Бироқ, кеч бўлган эди...

Ирода жон бериш олдидан секин пичирлайди: “Сизсиз ўтмас кунларим!...”.

Исмоил фарёд кўтарди, чор-ночор жонсиз танани силкитиб, ўксиб-ўксиб йифлади. Шовқин-суронга ажабланиб чиққанлар эса бақадек қотиб қолишди, бирор Исмоилжоннинг ёнига келишга жазм қиломасди. Исмоилжон бўлса ўқраб йиғлар, атрофга жовдираб қарап эди.

Аста парда туширилди – томоша тамом.

Дарвоқе, салкам ярим соат қарсак чалиб турган томошабинлар ҳам унча-мунча эмас экан. Чин санъатни биларкан булар. Мен бўлса кимларнингдир гапига кириб, сўзини эши-тиб, борингки, ёзмишларини ўқиб асл санъат ихлосмандлари бизда йўқдир-ов деб юардим...

Адабиётда аёллар образи масаласига жидийроқ қаралиши зарур. Айникса, адабий танқид бу ҳақда жўяли бир гап айтиши, баъзи асарлардаги порнографик баёнчиликка муносабат билдириши шарт, деб ўйлайман. Зеро, адабиёт-нинг катта ижтимоий куч ўлароқ қаралар экан, ана шу сўз санъатида миллат аёлларининг сиyrати-ю, сувратини гўзал алфозда чизишимиз, қолаверса ёшларимиз аёл гўзаллиги де-ганда, аввало қалб дилдорлигини тушунишларига эришиши-миз жудаям мухимдир. Бугун фоят урчидек кетган беандиша томошалар орасида мана бундай тоза ўзбекий санъат намунаси ар қанча мақтовга лойик.

“Юксак санъат ҳаётни акс эттирибина қолмайди, ҳаётда иштирок қилиш билан уни ўзгартиради”, деб ёзган эди таникли рус адиби Илья Эрингбург А.М.Горкий номидаги Адабиёт институти талабалари билан қилинган сухбатда<sup>1</sup>. Ўйлаб кўрилса, бу ўринда ёзувчи бадиий адабиётнинг характерини, кучини назарда тутиб, уни ижтимоий ҳаётни ўзгартиришга қодир куч сифатида баҳоламоқда.

“Сизсиз ўтмас кунларим” спектаклиниң сценарий му-

<sup>1</sup> Бадиий ижод ҳакида. // Совет ёзувчиларининг нутқ ва мақолалар тўплами – Т.: Давлат Адабиёт нашриёти, 1960-йил, 166-саҳифа.

аллифи Эркин Хушвақтов кейинги йилларда фаол ижод қилаётган драматургларимиздан. У ўзбек театри тариҳида муносиб из қолдириб келаётган фавқулодда фаол адиб. Ай-нан шу пьеса мисолида айтар бўлсак, драматург ижодий ка-молот палласига кўтарилиди. Демак, санъат, театр ихлос-мандлари ундан янада етук писалар кутишга ҳақлидирлар.

## 2. “Алпомиш” достонида Ватанпарлик<sup>1</sup>

Халқ достонлари миллатнинг кечмиши, тарихи, табиати, севинч-у изтиробларидан сўйловчи гўзал қиссалардир. Бинобарин, бадиий адабиётнинг илк ва бетакрор намуналари ҳам шу достонлар. Уларнинг ҳар биридан муайян тарихий ҳақиқат нафаси уфуради – эшитганда қалбингиз сурурга тўлади, руҳингиз ором олади.

Бунда халқнинг барча қатламлари ўз сўзларини, ижтимоий ва майший муаммоларини юксак нафосатга чулғаб тараннум этадилар. Шу боис, халқ достонлари бир йил ёки бир асрда яратилмайди. Қачонлардир, бир оташқалб инсоннинг юрагидан отилиб чикқан сўзлар достоннинг зуваласи бўлса, баҳшилар, айтимчилар, дарвешлар, кайвонилар, халқнинг таъби назмга эга бошқа вакиллари уни тўлдирадилар, ижодий ёндашиб, ўzlари билган-кўрган воқеа ҳодисаларни киритадилар, келишмаган жойларини тушириб қолдирадилар. Кейин ҳаммага бирдек манзур бўладиган, муайян тарихий ҳақиқатга зид келмайдиган обида яралади.

Маълумки, халқ достонлари қаҳрамонлик, жангнома, ишқий-саргузашт, тарихий ва китобий турларга бўлинади<sup>2</sup>. Эътиборлиси, барча достонларда Ватанпарлик, миллатпарварлик марказий ўринни эгаллайди. Ҳатто ишқий-саргузашт туридаги достонларда ҳам гапнинг аввали Ватандан бошланади. Достонларда ботирнинг бо-

<sup>1</sup> Дилмурод Жуманов.

<sup>2</sup> Каранг: Иззат Султон. Адабиёт назарияси. Т.: “Фан”, 1979 й.

тирлиги кимни ёки қанча лашкарни тор-мор келтиргани билан эмас, элнинг уҳдаси-ю, Ватаннинг равнақи учун нечоғлик хизмат қилгани ила белгиланади.

Мен ҳам шу бағрикенг халқнинг бир фарзанди сифатида унинг бой оғзаки ижодидан баҳраманд бўлиб улгайдим. Эсимда: энди-энди ақлимни таниб, дала-тўшга акала-рим билан қатнашга одатланган кезларда, биз – бир гала қишлоқ болалари тўпланиб, Йигитали баҳшининг ажиб қиссаларини вужудимиз қулоққа айланганча тинглардик<sup>1</sup>. Ботирлар, баҳодирлар ҳақидаги жўшқин ҳикоялардан таърифлаб бўлмас даражада шукух турдик...

Яқинда қишлоққа борганимда, ошна-оғайнилар билан гурунг асносида Йигитали баҳшининг оламдан ўтганини эшилдим. Кўнглим ғалати бўлиб кетди. Азим тоғларга туташ қир-адирларда чопқиллаб ўтган ёшлиқ кезларим бир-бир кўз ўнгимдан ўта бошлади. Тенгдош жўраларим, бинафша рангли адирлар ва..., ва Йигитали баҳши! Унинг гоҳи эзгин, шикаста оҳанг билан, гоҳи шиддат ва ҳаяжон билан айтган қўшиқлари – умрбоқий достонлари...

Бу достонлар ҳақида ўйлаганимда, аввало, Ватан деган тушунча қалбимни қамрайди. Мен ўзимни жуда китобсевар атай олмасам-да, ҳарҳолда, ардокли адиларимизнинг кўплаб сара асарларини ўқиганим бор.

Мухтарам адиларимиз, хушнафас ҳофизларимиз мени кечирсинлар, аммо, ишонч билан айта оламанки, Ватан ҳақида ўқилган-эшилтган энг гўзал ашъор-у алёрлар ўша достонлар қадар қалбга ёлқин солмайди. Бунинг сирини, мана энди, ҳалқ оғзаки ижодини росмана ўқиб-ўрганишга киришган кезда англаб турибман. Гап шундаки, миллатнинг ижоди миллат ижодкорларининг асарларидан зарблироқ, таъсирироқ бўлади. Зарбли дейишимизнинг боиси шуки, ҳалқ достонларида киши қалбига дилдорлик билан йўл топувчи нозик, аммо залвори оғир иборалар

<sup>1</sup> Наманган вилоятининг Чортоқ туманидаги Алихон қишлоғи назарда тутилмоқда – Муаллиф.

кўп. Бундан иборалар, гўё бир зарб ила киши қалбини маҳв этади, Ватан деган улуғ тушунчани онгу шууримизга мангуда мухрлайди.

Она Ватан дейилади. Нега? Бу ҳақда кўп ўйлайман. Ўқиб-ўрганганларим асосида топган жавобим шу бўлдики, биринчидан, Ватан деган улуғ туйгуни, аввало, муштипар оналаримиз, муnis сингилларимиз теранроқ, чуқурроқ хис қиларкан. Иккинчидан, Ватанпарварлик даставвал аёлда бўлсин экан, шундагина асл юртпарвар йигитлар дунёга келаркан. Учинчидан, юртнинг аёллари Ватаннинг тимсоли бўлиб, улар қай гўшада бўлмасин, ҳимоя қилмоқ, эъзозламоқ миллат ўғлонларининг муқаддас бурчи саналар экан. Бошқача айтганда, аёлни эъзозламоқ Ватанни эъзозламоқдир. Бу ўринда Ватан туйғусига фақат географик жиҳатдан ёндашмаслик лозимлигини айтмоқчимиз, холос. Шу ўринда, ҳалқимизнинг ўлмас маданий мероси – “Алпомиш”дан фикримизга қувват берувчи бир мисол келтирамиз.

“Алпомиш” достонида Барчиной қалмоқ элидаги талотўпларни хат орқали Ҳакимбек – Алпомишга етказади. Бу хатни Алпомишнинг отаси Бойбўри атай беркитиб кўяди. Ёлғиз ўғлим ор талашиб, ёт элларда сарсон бўлмасин деган содда бир ўзбакий истак уни шундай қилишга ундейди. Ҳакимбекнинг синглиси Қалдирғоч ойим эса хатни топиб олади ва акасига етказади. “Шу вақтларда Ҳакимбек ўн тўрт ёшга кирган, маст бўлган нордай кўпик сочиб ўтирган, неча маҳрамлар хизматида турган” бир палла эди<sup>1</sup>. Хатни ўқиб, “Олти ойчалик йўлда бўлса, қалмоқнинг элида бўлса, зўр ёвнинг қўлида бўлса, бир хотин оламиз, деб сандироқлаб ўламизми”, деб хатни тиззасини остига босиб ўтиради.

Ха, Алпомишнинг баҳодирлигига таъриф йўқ, қуч-

<sup>1</sup> Қаранг: Алпомиш. Достон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли., Ёзиг олувчи: Маҳмуд Зарифов – Т.: F.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 65-саҳифа.

құдратли бўлса-да, 14 яшарлик бўз йигит эди. У ҳарб илмини мукаммал ўзлаштирган-у, лекин, дийдаси қаттиқ, эрка ўсган бир тўра эди. Унинг онгида ҳали Ватанпарварлик туйғуси тўқис шаклланиб улгурмаганди, яъни, Ватани ҳимоя қилиш деганда фақатгина уни ёғийлардан асрабавайлашни тушунувчи ёвкур баҳодир эди.

Ақлли, зийрак сингил бу паҳлавон акасининг ориятини қўзғаш, олисдаги қондошини ҳимоялаш мақсадида жўрттага унинг жигига тегади:

*Ақа, айтган сўзим оғир олмагин,  
Нар-мода ишини бунда қилмагин.  
Бу ишидан бехабар бўлиб турмагин,  
Сен бормасанг ёринг қалмоқ олади<sup>1</sup>.*

Мазкур мисралар икки жиҳати билан эътиборимизни тортади. Қалдирғоч ойим томонидан Ҳакимбекнинг ориятини қўзғатиш биринчи жиҳат бўлса, иккинчи жиҳат, аёлга, пировардида Ватанга қандай муносабатда бўлиш кераклигини зардали оҳангда айтганидир.

Биз обод турмуш тарзи ҳақида фикр юритар эканмиз, миллий бойлигимиз – “Алпомиш” қатидага мана бундай жуджа чуқур, фалсафий асосларни тадқиқ, таҳлил, талқин қилишимиз шарт ва зурур...

### 3. Мустақиллик йилларида фалсафа<sup>2</sup>

Айни кунларда Президентимизнинг ташаббуси ва раҳнамолигида барча соҳалар жадал юксалмоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий тараққиёт мисли кўрилмаган даражада равнақ топди. Юртбошимиз ўз асарлари ва нутқларида алоҳида қайд қилганидек, бундай ютуқларни янгича тафаккурсиз, янгича қарашларсиз кўлга киритиб бўлмайди.

<sup>1</sup> Қаранг: Алпомиш. Достон. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли., Ёзб олувчи: Махмуд Зарифов – Т.: F.Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985, 66-саҳифа.

<sup>2</sup> Мўминжон Хўжаев.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида илм-фан, инчунун, фалсафа таълими ва фани равнақ топди, мазмунмоҳияти тубдан янгиланди, ҳар томонлама ўзимизга хос ва мос фалсафий таълимот – “Мустақиллик фалсафаси” шаклланди, ихтисослашган кенгашлар орқали фан докторлари ва номзодлари етишиб чиқмоқда. Қолаверса, жаҳон мумтоз фалсафасининг йирик намоёндалари – Афлотун, Аристотель, Плутарх, Цицерон ва Нитщенинг энг сара асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Ҳозирда буюк немис файласуфи Гегелнинг “Эстетика” асари ҳам нашр этилиш арафасида турибди.

ЮНЕСКО Ҳалқаро ташкилоти инсонларни фалсафий билимга, илмга мурожаат этиш, янгича ғоялар томон йўналтириш мақсадида 2002 йилда ҳамма мамлакатларда ҳар йили ноябрь ойининг учинчи пайшанбасида “Фалсафа куни”ни, 2005 йилда эса “Бутунжаҳон фалсафа куни”ни нишонлаш тўғрисида Қарор қабул қилди. Ҳозирги пайтда дунёнинг аксарият мамлакатларида бу кун кенг кўламда нишонлаб келинмоқда. Бизнинг мамлакатимизда ҳам ушбу кунни 2006 йилдан бери Ўзбекистон Фалсафа жамияти Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий Университетининг Фалсафа факультети, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг И.М.Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институти ва Ўзбекистон файласуфлари Миллий жамияти ҳамкорлиқда ўtkазиб келмоқда.

Ўтган вақт давомида Ўзбекистонда ва жаҳонда бу соҳада улкан ўзгариш ва юксалишлар, янги пайдо бўлган йўналишлар юз берди. Бу даврда ўзбек олимлари жаҳон ҳалқларининг фалсафий тафаккури ҳазинасини ўқиб-ўрганиш, тентглашиш баробарида уни бойтишга ҳам ўз улушларини кўшдилар. Чунончи, Ватанимизда илк бор “Мустақиллик фалсафаси”, “Сиёsat фалсафаси”, “Ҳуқуқ фалсафаси”, “Иқтисод фалсафаси”, “Тарих фалсафаси”, “Маданият фалсафаси”, “Санъат фалсафаси” каби илмий

йўналишларга асос солинди. Жойларда фалсафий фанлар йўналишида қарийб 200 та кафедра фаолият қўрсатмоқда. Умуман, Ўзбекистонда ўтган давр мобайнида фалсафий фанларга доир 700 дан ортиқ турли ном ва мавзулардаги монография, рисола ҳамда ўкув қўлланмалар яратилди. Қайд этиш лозимки, бу китобларнинг аксарияти чет эл мамлакатларида нашрдан чиқди. Бундан ташқари биргина ўтган 2009 йилнинг ўзида 200 дона фалсафа йўналиши ва унга алоқадор мазмундаги китобларнинг чоп этилгани соҳадаги тадрижий юксалишни ифодасидир.

Бу борада сўз кетганда, айниқса, иккита ишни алоҳида кўрсатиш лозим. Биринчиси, 2000 йили Вашингтонда (инглиз тилида, масъул муҳаррир: академик Саид Шермухamedov) нашр этилган “Маънавий маданият ва ижтимоий тараққиёт: Ўзбекистонда фалсафий тадқиқотлар” номли сермазмун, қарордор жамоавий монография бўлиб, ушбу китоб ўзбек фалсафасининг жаҳондаги мавқеини янада мустаҳкамлади, қолаверса, олимларимизнинг илмий салоҳиятини дунё жамоатчилигига намоён қилди. Иккинчиси эса 2009-йили Россияда нашр этилган “Глобалистика” халқаро луғатини тайёрланишида ўзбек олимларининг иштирокидир.

Бундай ютуқлар замирида, албатта, чукур тарихий асос, ворисийлик тақозоси ҳам борлигини унутишга ҳаққимиз йўқ. Бинобарин, аждодларимиз яратган бой ва сермазмун фалсафий мерос бизнинг бугунги мувафақиятларимиз учун замин бўлди.

Сўнгги йилларда фалсафада чукур янгиланишлар ва ўзгаришлар кечди, мафкуравий маҳдудликка барҳам берилди. Худди шу даврда Ўзбекистон Фалсафа жамияти фикрлар тобланиб, баҳс-у мунозаралар асосида шаклланиб, маромига етадиган, образли қилиб айтганда, ижтимоий ҳаётга, илмий муҳитга “оқ фотиҳа” оладиган даргоҳга айланди. Фалсафа жамиятида муттасил равишда ўтказиб

келинаётган Фалсафа фани ва таълимининг долзарб муаммоларига бағишланган доимий илмий-назарий семинар кўплаб олимларнинг илк илмий-ижодий ишларига туртки бергани, ўз мулоҳазаларини атоқли олимлар назаридан ўтказиб олишлари учун шарт-шароит яратиб берди. Мухтасар килиб айтганда, бу ерда ҳам ташкилотчилик, ҳам илмий мухит ажойиб бир тарзда йўлга қўйилган. Бугун юртимиизда фаолият олиб бораётган файласуф-олимларнинг қарийб барчаси мана шу даргоҳ билан бевосита ёки билвосита ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Маълумки ҳар бир олий ўкув юртларида фалсафа ва фалсафий фанлар ўқитилади. Ўзбекистонда 70 га яқин олий таълим муассасалари мавжуд бўлиб, уларда 296,6 минг нафар талаба таҳсил олади. Ҳар иили қарийб 50 минг нафар талаба олийгоҳни битириб, катта ҳаёт сари қадам ташлайди. Жумладан, фалсафа факультети ва йўналишларини йиллик битирувчилари сони 350-400 нафарни ташкил этади. Чунончи, ЎзМУда Фалсафа факультети, Шарқшунослик университетида Фалсафа йўналиши, БухДУда Тарих-фалсафа факультети, СамДУда Тарих-фалсафа йўналиши фаолият кўрсатмоқда. Бу факультет ва бўлимлар, айтиш жоизки, фалсафани ўқитиш ва фани ривожлантириш борасида муайян ишларни амалга ошироғдо. Ўйлаймизки, бу ракамлар ортида фалсафанинг баркамол авлодни шакллантиришдаги ўрни, роли, аҳамияти яққол кўзга ташланади.

Бу борада 1922 йилда Ўрта Осиё давлат университетида кафедра сифатида иш бошлаб, 1991 йилдан алоҳида факультет бўлиб фаолият кўрсата бошлаган ва ўз таркибидаги 5 та бўлим, 9 кафедра орқали 5 та бакалавриат, 15 та магистртура йўналиши мутахассислар тайёрлаётган ЎзМУ Фалсафа факультетининг ўрни бекиёс. Эътиборлиси шундаки, 180 дан ортиқ профессор ўқитувчилардан иборат бу аҳил жамоа ёшларга сабоқ бериш баробари-

да 15 га яқин илмий-амалий ва фундаментал лойиҳа (грант) ларни ҳам бажариб, фалсафа фани ҳамда таълими равнакида етакчилик қилаётир. Шунингдек, Ўзбекистон Фалсафа жамиятида 2 та, Ўзбекистон Файласуфлари Миллий жамиятида 5 та, И.Мўминов номидаги Фалсафа ва хукуқ институтида 10 дан ортиқ йирик лойиҳалар устида ишланмоқда. Мазкур тадқиқотлар ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялашга қаратилган.

Ўзбекистонда айни пайтга келиб, 148 та илмий тадқиқот муассасалари мавжуд. Шулардан фалсафа йўналишига бевосита ёки билвосита алоқадор ташкилотлар сони 10 тани ташкил этади. Ёки республикамиздаги 22 минг нафар тадқиқотчиларнинг қарийб 3 минг нафари фалсафий фанлар йўналишида изланишлар олиб боришмоқда.

Умуман, баркамол авлод тарбияси учун ҳар биримиз масъулмиз. Аммо фалсафа бу борада катта аҳамиятга эга. Негаки, фалсафа – маънавий изланишларнинг аввали, ибтидоси.

#### 4. Орзунинг ушалгани<sup>1</sup>

Мен ва менинг tengoshlarim шундай ёруғ, баҳтли кунларда яшаётганимиздан жуда-жуда ғуурланамиз. Балки, бу гапларим кимларгadir баландпарвоз иддаодек туюлар, ватангдоларнинг пайтавасига курт ташлар... Лекин, ҳақиқат шуки, бутун Ўзбекистон ва унда яшовчи барча миллатлар Президентимиз атрофида жислашиб, синовли кунларни мардана, ёруғ юз билан ўтишди. Мана, бугун эса баҳтли дамлар шукухини туйиб, келажак сари дадил одимламоқдамиз.

Ёш, мустакил Ўзбекистоннинг барча ютуқлари замира, менинг назаримда, ёшларга оида давлат сиёсатини тўғри, адолатли олиб борилгани бўлди. Мен бўлажак хукукшунос сифатида республикамиздаги ислоҳотлар ва унинг қонуний асослари тарихини чуқур ўргандим.

<sup>1</sup> Дилмурод Жуманов

Хуррият шамоллари эса бошлаган дастлабки йиллардаёқ қабул қилинган “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги Қонун бу йўналишдаги дастлабки энг муҳим қадам бўлган эди. Кейинчалик бу борадаги ишлар тобора юксалиб, аниқ режа ва дастур асосида олиб борилди. Хусусан, ҳар бир йилга алоҳида ном бериб, маҳсус дастур асосида айни соҳа ривожини кучайтиришдек эзгу ишда ҳам оила, соғлом авлод, маънавий ва жисмоний баркамоллик назарда тутилди: 1997 йил – Инсон манфатлари йили, 1998 йил – Оила йили, 1999 йил – Аёллар йили, 2000 йил – Соғлом авлод йили, 2001 йил – Оналар ва болалар йили, 2002 йил – Қарияларни қадрлаш йили, 2003 йил – Обод маҳалла йили, 2004 йил – Мехр-мурувват йили, 2005 йил – Сиҳат-саломатлик йили, 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили, 2007 йил – Ижтимоий химоя йили, 2008 йил – Ёшлар йили, 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили, 2010 йил – Баркамол авлод йили, 2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили, 2012 йил – “Мустаҳкам оила йили” ва 2013 йил – “Обод турмуш йили”. Юкоридаги номларнинг барида ёш авлодга миллий урф-одатларимизни чукур сингдириш асосий мақсад қилингани ойдинлашади. Шунингдек, у спорт бўладими, адабиёт бўладими, маънавият бўладими – ёшларнинг барча қизиқиши ва орзулари шаклланадиган гўша, муқаддас маскан – оила, Юртбошимизнинг доимий эътибори ва ғамхўрлигига бўлди. Президентимиз ташаббуслари билан Вазирлар Маҳкамасининг 1998-йил 2-февралдаги 54-сонли қарорига асосан Республика “Оила” иммий-амалий Маркази ташкил этилди.

Президентимизнинг Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси мажлисида айтган гаплари, айниқса, спортчи қизларимизнинг тобора фаоллашиб бораётгани тўғрисида куйиниб гапирганлари бир воқеани ёдимга солди.

Үрта мактабда ўқиб юрган пайтларимизда, турли спорт мусобақаларига иштирокчиларни саралаш жараёнида кўпроқ йигитларга эътибор қаратилар эди. Назира исмли синфдошим югуриш мусобақаларида барчамиздан ўзиб кетган, биз – қизларни нозикойим деб билгич болаларни чангига қолдирганди. Афсуски, туман босқичига уни эмас, бошқа бир ўқувчини, ўғил болани олиб боришиди. Мактабимиз шу тариқа кейинчалик спортчи ёки спорт муаллимаси бўлиб етишадиган кадрдан мосуво бўлди. Охирги марта қишлоққа борганимда сўраб-суриштирдим: ўша синфдошим Назира мактабга қатнаётган жажжи қизчасини югуриш мусобақаларига мустақил тайёрлаётган экан. Унинг турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотаси ҳам кейинги йилларда аёллар спортига бўлган муносабатнинг ўзгариб бораётганини тушуниб, невараларини югуриш бўйича олимпиада чемпиони бўлмагунча тиниб-тинчи масликларини таниш-билишларга айтаётган эмишлар.

## **МУНДАРИЖА**

**ЎЗБЕКИСТОН – ОБОД ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАҚИДАГИ  
ФОЯЛАР БЕШИГИ (Муқаддима ўрнида) ..... 3**

### **I-ФАСЛ. ОБОД ТУРМУШ ЎЗБЕК ХАЛҚИННИГ АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИДАНДИР**

1. “Авесто”да бўй кўрсатган ҳақиқатлар.....	10
2. Сохибқирон Амир Темур – ўрта асрлар мусулмон шаркида обод турмуш назарияси ва амалиётининг асосчиси .....	20
3. Абу Али Ибн Сино – обод турмуш таълимоти ва амалиётининг буюк карvonбошиси.....	25
4. Нодирабегим (Моҳларойим) ижодида обод турмуш.....	38
5. Юксак покизалик ахлоқ обод турмуш асосидир .....	46
6. Обод турмуш ва ижодкор ахлоқи (А.Навоий ва З.Бобур)....	68
7. Буюк маърифатпарвар Аҳмад Заки Валидий Тўғоннинг илмий меросида обод турмуш масалалари.....	81
8. Мустаҳкам оила – обод турмуш тарзининг асоси .....	90

### **II-ФАСЛ. МАҚОЛАЛАР**

Табиатга беписанд муносабат – обод турмуш қушандаси .... 102

Илмий-маърифий нашр

МҮМИНЖОН ХЎЖАЕВ, ДИЛМУРОД ЖУМАНОВ

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ  
МЕРОСИДА ОБОД ТУРМУШ ТАРЗИ  
ҲАҚИДАГИ ҒОЯЛАР**

*Тарихий-фалсафий ва ахлоқий таҳтил*

*Муҳаррир:*

**Беҳзод ҚОБУЛОВ**

*Мусаҳҳиҳа:*

**Нилуфар ҲАЙИТОВА**

*Техник муҳаррир:*

**Иҳтиёр САИД**

**Лицензия: АI №218, 03.08.2012.**

Теришга берилди 02.04.2013 й.

Босишга рухсат этилди 17.04.2013 й.

Бичими 84x108 1/32. Офсет босма. Шартли босма таб. 7,5.

Гарнитура Times. Адади 100 нусха. Буюртма №45.

Баҳоси келишилган нархда.

«Истиқлол нури» нашриёти.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.

«OLMOS QILICH» МЧЖ босмахонаси чоп этилди.

100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30.